

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ

СОЛИҚ АКАДЕМИЯСИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМНИНГ

Бакалавриат йўналишидаги барча мутахассисликлар талабалари учун

«ПЕДАГОГИКА. ПСИХОЛОГИЯ»

фанидан

**МАЪРУЗАЛАР
МАТНИ**

ТОШКЕНТ – 2007

М У Н Д А Р И Ж А

1-маъруза	
<i>Педагогика фанининг предмети, мақсади ва вазифалари</i>	4
2-маъруза	
<i>Ўзбек халқ педагогикасининг ривожланиши тарихи ва Шарқ мутафаккирларининг тарбия =ақидаги фикрлари</i>	7
3-маъруза	
<i>Жаҳон педагогика фанининг ривожланиши тарихи</i>	13
4-маъруза	
<i>Тарбия жараёнининг моҳияти ва вазифалари</i>	19
5-маъруза	
<i>Тарбиянинг умумий усуллари ва қоидалари</i>	23
6-маъруза	
<i>Таълим жараёнининг моҳияти ва таълим назарияси</i>	29
7-маъруза	
<i>Таълимда янги педагогик технологиялар</i>	32
8-маъруза	
<i>Ривожланган давлатларда таълим тизими</i>	37
9-маъруза	
<i>Психология фанининг долзарб вазифалари, предмети ва фанлар тизимида тутган ўрни</i>	40
10-маъруза	
<i>Психологиянинг замонавий методлари ва уларни амалиётга тадбиқ этиши. Амалий психологиянинг бозор муносабатлари шароитидаги имкониятлари</i>	44
11-маъруза	
<i>Шахснинг фаоллиги ва ижтимоий хулқнинг мотивацияси</i>	51
12-маъруза	
<i>Шахснинг ижтимоий борлиқни билиши. Идрок, хотира ва диққат жараёнларини бошқариши</i>	58
13-маъруза	
<i>Шахснинг индивидуал хусусиятлари ва уларни диагностика қилиши. Характер, темперамент ва қобилиятларни билишнинг аҳамияти</i>	62
14-маъруза	
<i>Гуруҳларда ижтимоий фаолиятни ташкил этиши. Гуруҳларнинг турлари</i>	73
15-маъруза	
<i>Тадбиркорлик ва бизнес психологияси</i>	79
16-маъруза	
<i>Оила ва оилавий муносабатлар психологияси</i>	84
Иловалар	90
1-илова. Малакавий иш мавзулари	91
2-илова. Фан бўйича қисқача изоҳли луғат.....	92
3-илова. Педагогик технология асосидаги дарс ишланмаси.....	93
4-илова. Ахборот технологияси асосида дарс ўтиш слайдлар	98
5-илова. «Педагогика. Психология» фанининг ишчи дастури	10

Мақсад:

Талабаларга педагогика фанининг мақсад ва вазифалари тўғрисида тушунча бериш. Ўзбек халқ педагогикасининг миллий ғояни шакллантиришдаги ўрнини таҳлил этиш.

Режа.

1. Инсонни шаклланишида педагогика фанининг мақсад ва вазифалари, роли.
2. Ўзбек халқ педагогикаси фанининг инсонларда миллий мафкура, миллий ғояни шакллантиришдаги ўзига хос ўрни.
3. Педагогиканинг илмий-тадқиқот методлари.

Адабиётлар:

1. И.А.Каримов “Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори”. Тошкент, 1997 й.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» ги қонуни. Т., 1997 й.
Ўзбекистон Республикаси «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” Т., 1997 й.
3. И.А.Каримов «Баркамол авлод орзуси”. Тошкент, 1999 й.
4. Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. –Т.: Ўзбекистон, 2002.
5. И. А. Каримов. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари – энг олий кадрият. Т.2006
6. И. А. Каримов. Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим. Халқ сўзи. 11 февраль 2006й.
7. «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий ва маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. («Халқ сўзи» газетаси 2006 йил 26 август).
8. Каримов И.А. Демократик ҳуқуқий давлат, эркин иқтисодиёт талабларини тўлиқ жорий этиш, фуқаролик жамияти асосларини қуриш – фаровон ҳаётимиз гаровидир. – Т.: Ўзбекистон, 2007
9. Каримов И.А. “Демократик ҳуқуқий давлат эркин иқтисодиёт талабларини тўлиқ жорий этиш, фуқаролик жамияти асосларини қуриш – фаровон ҳаётимиз гаровидир” 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги майруза. Т.: Ўзбекистон, 2007й.
10. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги майрузаси. Т.: Ўзбекистон, 2007

1. Инсонни шаклланишида педагогика фанининг мақсад ва вазифалари, роли.

Ёш авлодимизни ота-боболаримиз қолдирган ўлмас меросни чуқур ўрганиш, кадрларлаш билан бирга умумбашарий қадриятлар, замонвий илм-фан чўкқиларини егалаш йўлида тарбиялаш масаласини ўзимиз учун устувор вазифа қилиб олганмиз. Чунки эртага ўрнимизни босадиган ўғил-кизларимиз айнан ана шундай озикланган заминда ваяга етган тағдирдагина комил инсонлар бўлиб, ҳақиқий таянчимиз ва суянчимизга, енгилмас маънавий кучга айланади, жаҳон майдонларида ҳар қандай синовларга таёр тура олади. Бу вазифаларни муваффақиятли ҳал этишда педагогика ва психология фанининг таъсири кучлидир.

Инсонни дунёга келиши, фақат туғилишдан иборат табиий-биологик ҳодиса эмас, балки туғилгандан кейин ўз замонасининг тараққиёти даражасига кўтарилиши, мавжуд ижтимоий-тарихий тажрибани егаллаши, жамиятда ўз ўрнини белгилаб олиши, тарихий жараённинг фаол иштирокчисига айланиши, ўз эътиқодига, ўзлигига, ҳаётда ўз ўрнига, мавқеига эга бўлиши ва бунинг учун тарбия олиши керак бўлади. Бу жараёнда катта авлод ўзининг яшаш, кураш ва меҳнат тажрибасини, билим ва малакаларини кичик авлодга беради. Бу эса тарбия деб аталадиган инсоннинг шаклланишида, ривожланишида муҳим ўрин тутадиган ижтимоий ҳодиса орқали амалга оширилади. Жамият ривожланган сари баркамол, етук шахсларни етиштириш ҳам ортиб ҳамда ўзгариб боради. Шу каби ҳаётини эҳтиёжлар замирида Педагогика фани пайдо бўлди.

Педагогика атамаси ҳам луғавий маъноси жиҳатидан «бола етакловчи» яъни туб маъносига қарайдиган бўлсак «тарбиячи» деган маънони англатади.

ҳар бир мустақил фан ўзининг предмети ва методик асосига эга бўлгани каби Педагогика фани ҳам фан сифатида шаклланиб, ўз предмети эга бўлди. Барча ижтимоий фанлар каби жамиятдаги ўзгаришлар, инқироз, юксалишлар Педагогика фанининг методологияси, ўқитиш жараёни, ғоялар ривожига ҳам ўз навбатида таъсирини кўрсатади. Лекин инсоният тарихига назар ташлар эканмиз, ҳамма даврларда педагогик фаолият, тарбиявий жараён мавжуд бўлган. Шу сабабли ҳам тарбия жараёнини ижтимоий ҳаётнинг ажралмас қисми деб қараш, ҳамда олдин тарбиявий ишларни олиб бормасдан туриб, инсоният ҳаётидаги буюк ўзгаришларни, жамиятни ривожланишини, фаровон турмуш тарзини тасаввур қилиш қийин.

Буюк аллома А.Авлоний таъкидлаганларидек: «Тарбия биз учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат масаласидир». Ҳақиқатан ҳам инсон ҳаётини саодатга, соф инсоний фаолиятга эришишда тарбиянинг роли ниҳоятда муҳим.

Ёшларни тарбиялашда биз учун қадрли бўлган миллий урф-одатларимиз, анъаналаримиз, ўчмас меросимизга меҳр-муҳаббат уларга содиқлик руҳини шакллантира олсак ҳар биримиз учун ижобий натижа бажараётган ишларимизнинг маҳсули эканлиги билинади.

Бунинг учун аввало миллий ғурур, миллий онг, миллий ғоя, маънавият, юксак маданият эгаси каби тушунчаларни ёшларнинг онгига сингдиришимиз лозим. Чунки тарихни билмасдан, ўрганмасдан ундан руҳий, маънавий озуқа олмасдан туриб, келажакни, келажакдаги орзу умидларга эришиб бўлмайди.

Демак, Педагогика фанининг предмети, ўқитишнинг, таълим-тарбиянинг замонвий қонуниятлари, мазмуни, усуллари, воситалари билан кишиларни, ёшларни, мутахассисларни қуроллантирувчи фан бўлганлиги учун ҳам унинг методологик асослари мақсад ва вазифалари дунёнинг моддий-маънавий ривожига шахс камолоти уйғунлиги қонуниятлари ва давлатнинг замонвий сиёсатидан келиб чиқади.

Шу сабабли ҳам Инсоншунослик фанлари тизимида педагогиканинг тутган ўрни шу билан белгиланадики, у шахсни ривожлантириш, шакллантириш, тарбияли, маълумотли қилиш, таълим бериш қонуниятлари борасида тадқиқот ишларини олиб боради. Шу сабабли ривожлантириш, шакллантириш, таълим ва тарбия, маълумот педагогиканинг асосий категориялари ёки тушунчалари деб аталади.

Психология фани психологик фактларни ўрганиб, уларни илмий жиҳатдан таҳлил қилар экан, психологик фактларни ва ҳолатларни келиб чиқиш қонуниятларини ҳам ўрганиши ва изоҳлаб бериши лозим. Чунки ҳар бир содир бўлаётган психик ҳодиса ўзининг генезиси ва ривожланиш қонуниятларига эга. Аммо қонуниятларни ва қонуниятли алоқаларни билишнинг ўзи кифоя қилмайди. Психология фанининг яна бир вазифаси - психик фаолиятнинг механизмларини аниқлашдан иборат. Демак, психология фан сифатида психиканинг фактларини, қонуниятларини ва механизмларини ўрганади десак тўғри бўлади. Ҳозирги вақтда психология ўзи ўрганадиган алоҳида предметга, ўзининг алоҳида вазифаларига, ўзининг махсус тадқиқот методларига эгадир; унинг психологик муассасалар тармоғи (институтлари, лабораториялари, психолог кадрларни тайёрловчи ўқув юртлари), ихтисослаштирилган китоб нашриётлари мавжуд. Психик фаолият механизмлари у ёки бу психик жараёни амалга оширадиган конкрет анатомик-физиологик аппаратларнинг ишлашини тақазо қилгани учун ҳам психология бу механизмларнинг табиати ва ҳаракатини бошқа фанлар (физиология, биофизика, биохимия, кибернетика ва бошқалар) билан биргаликда очиб беради. Ҳозирги замон психологиясининг асосий муаммоларини тадқиқ қилишда буюк табиатшунос Ч.Дарвиннинг ғоялари жуда муҳим аҳамиятга эга. Бу ғоялар жонли мавжудотларнинг муҳитнинг ўзгарувчан шароитларига, психик фаолиятнинг олий формалари куйи, анча содда формалардан келиб чиққанлигини англаб етиш имконини берди. Ч.Дарвин бутун жонотнинг эволюцияси ғоясини ҳайвонларда сезгининг пайдо бўлишига нисбатан қўллашга муваффақ бўлди. У биологик ривожланиш жараёнида тананинг тузилишидаги ва унинг айрим аъзоларидаги ўзгаришларга олиб келадиган ўша асосий омилларни кўрсатиб бердики, бу филогенездаги психик таракқиётнинг ҳаракатлантирувчи кучлари бўлиб ҳисобланади.

Психологияда Дарвиннинг ҳайвонлар психикасининг эволюцияси ҳақидаги ғоялари кўпгина олимларнинг ва энг аввало А.Н.Северцов билан В.А.Вангернинг илмий ишларида ривожлантирилди.

Ҳайвонлар ва одам психикасига эволюцион таълимот нуқтаи назаридан ёндошув, психиканинг диалектик материализмга қарама-қарши позицияда турган баъзи бир физиологлар ва психологлар даъво қилганларидек, физиологик жараёнларнинг шунчаки ҳарактсиз ўсимтаси (эпифеномени) эмаслигини тушуниб етишга ёрдам беради. Психик ҳодисалар мураккаб оламнинг киши ҳаёти ва фаолиятида ҳеч қандай рол ўйнамайдиган физиологик жараёнлар эпифеномени тарзида мавжуд бўлиши эволюция принциплари ва қонунларига очиқдан-очиқ зид бўлур эди. (Табиий танлаш, маълумки, тирик мавжудотга кераксиз барча ҳарактсиз, самарасиз нарсаларни бартараф этади). И.М.Сеченовнинг рефлексор назарияси психологик билимларнинг табиий-илмий негизини ташкил этди. Бу назария кейинчалик шартли рефлекслар ҳақидаги И.П.Павловнинг таълимотида янада ривожлантирилди. Шу тариқа психик фаолиятнинг мураккаб физиологик механизмлари системасини тадқиқ қилиш борасидаги ютуқлар психология билан табиатшунослик ўртасидаги алоқаларнинг конкрет натижаси сифатида юзага келди.

Ҳозирги пайтда психология билан педагогика ўртасидаги алоқалар ўзгача тус олмоқда. Бу алоқалар қатор йиллар мобайнида аслида кўп ҳолларда психологиянинг педагогикага ташқи мослашуви ва педагогика томонидан психологиянинг "тайёр маълумотларини" ташқи томондан ҳисобга олиниши билан чекланиб келди. Масалан, кўпинча аллақачон таркиб топган ва мустаҳкам ўрин олган педагогик усуллар ва қоидаларни "психологик жиҳатдан асослаб беришлари"ни, уларнинг яхшиланишини ва такомиллаштириллаштирилишини психологиянинг вазифаси деб ҳисоблаб келинар эди. Эндиликда илғор психологлар психология фани олдида турган ва ҳал этилиши педагогикадаги энг муҳим муаммоларнинг муваффақиятли рўёбга чиқарилишини белгилаб берадиган вазифаларни аниқ ифодалаб бермоқдалар. Биринчи вазифа психологик тадқиқотларнинг тайёр ва қарор топган педагогик тажрибадан ўзиб кетадиган, бунинг учун янгидан-янги йўллари очиб берадиган, таълим ва тарбия ишида янгиликнинг кенг миқёсида қидирилишини таъминлайдиган йўналишда иш олиб бориш лозим. А.В.Запорожец,

Л.В.Знаков, В.В.Давидов, П.Я.Гальперин, Н.А.Мечинская, Д.Б.Эльконин ва бошқаларнинг педагогик психология соҳасидаги тадқиқотлари айнан шундай характерга эгадир. Биринчи вазифадан келиб чиқадиган психологиянинг иккинчи вазифаси фан-техника тараққиётининг педагогика фани олдига қўядиган талаблари билан боғлиқдир. Ўзлаштирилиши мажбурий бўлган ахборотнинг ҳажми жуда тез суръат билан ортиб бормоқда. Шу нарса аниқланганки, ахборот тезда эскириб, янгилашни лозим бўлиб туради. Бундан шу нарса тушуниш керакки, материални асосан ёдлаб олиш ва хотирада сақлаб қолишга мўлжалланган ўқитиш ҳозирдаёқ замонавий талабларга фақат қисман жавоб бериши мумкин. Тафаккур сифатларини шакллантириш муаммоларини ҳал этиш биринчи галдаги вазифалардан бўлиб чиқмоқдаки, бу ўқувчиларга доимо янгилашиб турувчи ахборотни ўзлари мустақил равишда ўзлаштириб бориш имконини беради. Ўқишни тугатгандан кейин ҳам сақланиб қоладиган бундай қобилиятларнинг ривожлантирилиши кишининг тобора жадаллаштирилаётган фан-техника тараққиётидан орқада қолмаслиги учун имконият туғдирган бўлур эди. Бизда жадал суръатлар билан ривожлантирилаётган халқ маорифи психология олдига қўпгина долзарб вазифаларни: психиканинг онтогенезда ривожланишининг умумий қонуниятларини аниқлаш, ҳар бир ёш босқичида кишининг фаолияти ва шахснинг психологик характеристикасини бериш, киши томонидан фан асосларида, маънавиятда ижтимоий тажрибани ўзлаштиришнинг психологик механизмларини аниқлаш, кишининг тарбияси ва психик жиҳатдан ривожланиши ўртасидаги ўзаро боғлиқликни очиб берган ҳолда таълим ва тарбия жараёнида унинг шахсини шакллантиришнинг психологик асосларини кўрсатиб бериш; одамларнинг ёши ва индивидуал хусусиятлари ўртасидаги нисбатни ўрганиш; айрим одамларнинг психикаси ривожланишида умумий ривожланиш жараёнига нисбатан фарқлар юз беришининг психологик сабабларини аниқлаш ва ана шу фарқларни аниқлаш методларини ишлаб чиқиш каби вазифаларни қўяди.

Юқорида айтиб ўтилган умумий ва улар билан боғлиқ жузъий вазифаларни бажара бориб, ҳозирги замон психологияси педагогика билан мустахкам боғланган ҳолда иш қўради. Психологиянинг ушбу вазифаларини ҳал этиш билан банд бўлган қатор конкрет соҳалар илмий педагогиканинг бўлимлари, тарбия назарияси ва методикаси, дидактика, айрим фанларни ўқитиш методикаси билан ўзаро муносабатдадир.

30 - йилларнинг ўрталарига келиб психология фанининг асосий принциплари: детерминизм принципи онг ва фаолиятнинг бирлиги принципи, психиканинг фаолиятда ривожланиши принципи аниқ ифодалаб берилди.

Детерминизм принципи психиканинг турмуш тарзи билан белгиланишини ва турмуш тарзи ўзгаришига қараб ўзгаришини англатади. Киши онгининг ижтимоий-тарихий характерга эга эканлигини тушуниш киши онгининг ижтимоий борлиққа боғлиқлиги ҳақидаги энг муҳим хулосадир.

Онг ва фаолият бирлигининг психологияда қабул қилинган принципи онг билан фаолият бир-бирига қарама-қарши эмас, лекин улар бир-бирига айнан ўхшаш ҳам эмас, аммо бирликни ташкил этишини билдиради. Онг фаолиятнинг ички планини, унинг дастурини ташкил этади. Бу принцип психологларга хулқ атворни, фаолиятни ўрганаётиб, ҳаракатнинг мақсадларига эришишнинг муваффақиятини таъминловчи ички психологик механизмларни аниқлаш, яъни психиканинг объектив қонуниятларини очиш имконини беради.

Психика ва онгнинг фаолиятда ривожланиши принципи шуни англатадики, психика агар фаолият самараси ва ривожланиш маҳсули сифатида қараладиган бўлсагина, у тўғри тушунилиши ва айнан бир хил тарзда изохлаб берилиши мумкин. Бу принцип психологлар П.П.Блонский, Л.С.Виготский, А.Н.Леонтьев каби олимларнинг илмий ишларида ўз аксини топган. Ҳозирги замон психологияси шаклланишнинг турли босқичларида бўлган ва амалиётнинг ҳар хил соҳалари билан боғлиқ илмий фанларнинг жуда кенг тармоқли системасини ташкил этади.

Бу тармоқлар қуйидагилардан иборат:

Меҳнат психологияси - киши меҳнат фаолиятининг психологик хусусиятларини, меҳнатни илмий асосда ташкил этишнинг психологик жиҳатларини ўрганади. Кишининг

касборлик хусусиятларини, меҳнат малакалари ривожланишининг қонуниятларини тадқиқ қилиш, ишлаб чиқаришдаги вазиятнинг асбоб-ускуналар ва станокларнинг жойлаштирилиши ҳамда шу кабиларнинг меҳнат аҳлига таъсирини аниқлаш меҳнат психологиясининг вазифалари жумласига киради.

Авиация психологияси вазинсизлик ва бўшлиқда аниқ мўлжал ола билмаслик шароитида, организмга жуда кўп ортиқча тассууротлар юкланган пайтда рўй берадиган нерв-психик зўриқиш билан боғлиқ бўлган алоҳида ҳолатларда киши фаолиятининг психологик хусусиятларини тадқиқ қилувчи космик психология ҳисобланади.

Педагогик психология - кишига таълим-тарбия беришнинг психологик қонуниятларини ўрганишни ўз предмети деб билади. У ўқувчиларда тафаккурнинг шаклланишини тадқиқ қилади, ақлий фаолият усуллари ва кўникмаларини ўзлаштириш жараёнининг муваффақиятлилигига, педагог билан ўқувчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларига таъсир қилувчи психологик омилларни, ўқувчилардаги индивидуал-психологик фарқларни, психик ривожланишда орқада қолувчи болалар билан олиб бориладиган таълим-тарбия ишларининг ўзига хос хусусиятларини ва шу кабиларни аниқлайди.

Тиббиёт психологияси врач фаолиятининг ва бемор хулқининг психологик жиҳатларини ўрганади. У психик ҳодисалар билан миёдаги физиологик тузилишлар ўртасидаги нисбатни ўрганадиган нейропсихологияга, доривор моддаларнинг кишининг психик фаолиятига таъсирини ўрганадиган психофармокологияга, беморни даволаш учун психик таъсир воситасини ўрганувчи психотерапияга ҳамда психогигиенага бўлинади.

Юридик психология ҳуқуқ системасининг амал қилиши билан боғлиқ психологик масалаларни ўрганади. У жинойи жараён иштирокчиларининг хулқ-атворининг психик хусусиятларини ўрганади, суд психологияси, криминал психология кабиларга бўлинади.

ҳарбий психология - кишининг ҳарбий ҳаракатлар шароитидаги хулқ-атворини, бошлиқлар ва ходимлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг психологик жиҳатларини, ҳарбий техникани бошқаришнинг психологик муаммоларини ва бошқаларни тадқиқ қилади.

Спорт психологияси спортчилар шахси ва фаолиятининг психологик хусусиятларини ўрганади.

Савдо психологияси асосан тижоратнинг психологик шарт-шароитларини, эҳтиёжларнинг психологик хусусиятларини, харидорларга хизмат кўрсатиш психологиясини, моддалар психологиясини ўрганади.

Ёш психологияси - турли хилдаги психик жараёнларнинг онтогенезини ва ривожланаётган киши шахсининг психологик фазилатларини ўрганади. У болалар, ўсмирлар, ёшлик психологияси, катта ёшдаги одам психологияси, геронтопсихологиясига бўлинади.

Аномал тараққиёт психологияси ёки махсус психология мия фаолиятини бузилиши натижасида юзага келувчи турли патологияга эга бўлган шахсларни психикаси билан шуғулланувчи психология.

Қиёсий психология одамлар ва ҳайвонлар психикаси қиёсланиб улардаги мавжуд ўхшашликлар ва фарқларни аниқлаш билан шуғулланувчи психология ҳисобланади.

Социал психология шахс билан жамият ўртасидаги муносабатларни ўрганувчи тармок бўлиб ҳисобланади.

Барча табиий ва ижтимоий фанлар сингари психология ҳам ўзининг методларига эга. Кузатув методи - у ташқи ҳодисаларни тасвирлаш билан чекланиб қолмасдан, балки ушбу ҳодисаларнинг психологик табиатини изоҳлаб бериш даражасига кўтарилса, психик тадқиқот методи бўла олади. Илмий психологик кузатув турмушдаги кузатувдан фарқ қилиб, хулқ-атвор ва фаолиятнинг кузатилаётган фактини тасвирлашдан унинг ички психологик моҳиятини тушунтириб беришга муқаррар ўтилишини тақозо этади. Психологик эксперимент методи тадқиқотчининг синалаётган фаолиятга фаол аралашуви мумкин бўлиб, у икки асосий турга ажратилади: лаборотория эксперименти ва табиий эксперимент.

Лаборатория экспериментининг характерли белгиси фақат унинг лаборатория шароитларида махсус психологик асбоблар ёрдамида ўтказишларида ва синалувчининг ҳатти-ҳаракатлари йўл-йўриққа биноан содир бўлиши билангина эмас, балки синалаётганлигини биладиган синалувчи кишининг муносабати билан ҳам белгиланади. Табиий эксперимент мўлжалланганига кўра, эксперимент ўтказилаётганни биладиган синалувчида ҳосил бўладиган зўриқишга йўл қўймаслиги ва тадқиқотни одатдаги табиий шароитларда ўтказилиши билан характерланади.

Психологик-педагогик тадқиқот вазифаларини бажарадиган табиий эксперимент психолого-педагогик эксперимент деб аталади. Психологик методлар фақат тадқиқот мақсадлари учун эмас, балки синов мақсадлари учун ҳам қўлланилиши мумкин. Кейинги маънода вазифа илмий билимларнинг янада чуқурлаштирилиши учун зарур бўлган бирон-бир янги маълумотларни олишдан эмас, балки синалувчининг психологик белгилари илгари аниқланган психологик нормалар ва стандартларга қанчалик мувофиқ келишини аниқлашдан иборат бўлади. Шахсининг муайян психологик фазилатларини аниқлаш мақсадида фойдаланишга ҳаракат қиладиган бундай методлар тестлар бўлиб ҳисобланади. Тест-бу қисқа муддатли топшириқ бўлиб, унинг бажарилиши баъзан бир психик функцияни мукамаллик даражасини кўрсаткичи бўлиб хизмат қилиши мумкин. Тестлар ёрдамида айрим қобилиятларни, кўникмаларни, малакаларнинг бор, ёки йўқлигини аниқлашга ҳаракат қилинади.

Ўзбек халқ педагогикаси фанининг инсонларда миллий мафкура, миллий ғояни шакллантиришдаги ўзига хос ўрни.

Таълим-тарбия ишларини олиб боришда, тарбиявий жараёнда ўзбек педагогикасининг дурдоналари бўлган шоҳ асарлардан, уларда тасвирланган, илгари сурилган илғор, миллийғоялардан фойдаланиш, улардан ёшларни баҳраманд қилиш, тарбияланувчилар онгида ахлоқий мавзулардаги фикрларни сингдириш, Шарқ мутафаккирлари асарлардаги педагогғояларни ўргатиш, таълим жараёнида улардан фойдаланиш ижодий фикрлашни, ўзликни англашни, эътиқодга содиқликни ватанга муҳаббат, миллати фаровонлиги йўлида қайғуриши, давлатни юксалтириш соҳасида жонқуярликни, барча гўзал инсоний фазилатларни мужассамлаштириш йўлида қўйилган юксак қадам бўлади. Чунки, ўзбек халқ педагогикаси ва манбалари бўлган халқ донолиги намуналари асрлар оша бизни эзгуликка, инсонийликка етаклайди.

Шундай қилиб, ўзбек халқ педагогикаси туркий халқлар-ота-боболармиз узок мозийда яратган ва кўз қорачиғидай асраб-авайлаб, сақлаб келган ота мерос, Шарқ халқларининг бой ва бетакрор одобномаси, халқ педагогикасидаги энг яхши намуналар, буюк намуналар, буюк алломалар яратган асарлари билан қўшилган ҳолда шаклланганлиги, ривожлашганлиги ва бойиб борганлигини эътироф этиш бирдан бир тўғри йўлдир.

Дарҳақиқат Ватан тақдири, халқ равнақи, мустақил юртнинг келгуси бошқарувчиси - янги авлод тарбияси биринчи ўринга чиқди. Шу сабабли ҳам ёшларни, келажакни давомчиларини тарбиялашдек оғир, машаққатли, маъсулиятли ҳамда шарафли ишни бажариш педагогикани зиммасида экан бу йўлда ҳеч қандай камчилик, хатоликларга йўл қўймаслик керак бўлади.

Педагогика ўқитиш методикасини пухта мукамал ишланган режа асосида тузилиши илмийликка асосланган методлардан фойдаланиб дарс жараёнларини ташкил этиш керак бўлади.

Педагогиканинг илмий-тадқиқот методлари.

Педагогика фани ўз мазмунини бойитишда янгилашда мавжуд бўлган педагогик ҳодиса ва жараёнларни унинг мақсади ва вазифаларига мувофиқ келадиган усуллари билан ўрганеди. Ушбу билимнинг илмий тадқиқот ёш авлодни тарбиялаш, билимли қилишнинг реал жараёнларига хос бўлган алоқа ва муносабатларни текшириш, билиш йўллари, усуллари ва воситалари мажмуи бўйича тушунилади. Педагогика фанининг

илмий тадқиқот усулари қанчалик тўғри қўлланса, таълим-тарбия мазмунини яхшилаш ва такомиллаштириш шу даражада юксалади. Лекин, илмий тадқиқот методларининг аниқ чегараланган тузими ҳозиргача фанда яратилган эмас. Педагог педагогик жараёнда ўз аудиторияси тарбияланувчи-ўқитувчилари характер-хусусиятларидан келиб чиққан, уларни психологиясини чуқур ўрганиб бир қатор методларни қўллаш мумкин. Чунки педагогнинг асосий мақсади дарс жараёнини тарбиявий таъсирини ошириш ҳисобланади. Бунинг учун куйдаги педагогик илмий текшириш методларни келтириб ўтиш лозим бўлади.

1. Педагогик кузатиш методи.
2. Сухбат усули (якка тартибда, гуруҳ билан)
3. Тест усули
4. Маълумотларни таҳлил қилиш усули
5. Болалар ижодиётини ўрганиш усули.

Педагогика бу каби методларни қўллаган ҳолда дарс жараёнини ташкил қилганда ўқитувчиларни ёш хусусиятларини ҳисобга олиш зарур бўлади.

Бу каби методлардаи фойдаланиб таълим ва тарбия ишларини олиб бориш фақатгина педагог учун эмас, иқтисодиёт жабҳаларида фаолият юритаётган бошқарувчи ходимлар, оилада фарзанд тарбияси билан шуғулланувчи ота-оналар учун ҳам, жамоа билан ишлайдиган маъсулиятли шахс учуи ҳам зарурий шарт бўлган усуллардаи биридир. Зеро, инсон тарбиясидек мураккаб жараёнга ҳеч қачон эътиборсиз бўлмаслик зарур.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, мазкур мавзуда педагогика фанининг предмети, фанни ўрганишдан мақсад, инсоннинг шаклланишида педагогика фанининг ўрни, вазифалари, шахснинг шаклланиши, педагогика фанининг инсонларда миллий мафкура, миллий ғояни шакллантиришдаги ўзига хос роли ҳақида, педагогик илмий тадқиқот методлари ва уларнинг назарий асослари, педагогик жараён, педагогиканинг тараққиёт манбалари, тарбия соҳасидаги буюк алломаларнинг педагогик ғоялари, фикрлари, тажрибалари ҳақида мулоҳазалар келтирилган.

Таянч туюнчалар:

Педагогика, педагогика фанининг методологияси, шъитиш жараёни, таълим ва тарбия, педагогика фанининг предмети, шахс камолоти.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Инсонни шаклланишида педагогика фанининг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?
2. Педагогика атамасининг луғавий маъноси нима?
3. Ёшларни тарбиялашда миллий урф-одатларимиз ва анъаналаримизнинг аҳамияти?
4. Педагогика фанининг предмети нималардан келиб чиқади?
5. Ўзбек халқ педагогикаси фанининг инсонларда миллий мафкура, миллий ғояни шакллантиришдаги ўзига хос ўрнини асослаб беринг.
6. Педагогиканинг илмий-тадқиқот методлари.
7. Педагогика фанининг илмий-тадқиқот методларидан бошқа Фан вакиллари қандай фойдаланишлари мумкин?

Мустақил ишлаш учун топшириқлар.

1. Педагогика фанининг мақсад ва вазифаларини аниқланг.
2. Педагогиканинг илмий-тадқиқот методларини таҳлил этинг.

Мақсад:

Ўзбекистонда педагогик тафаккур ва таълим-тарбия тараққиёти тарихини таҳлил этиш ва унинг даврлари тўғрисида талабаларга тушунча бериш. Фаробийнинг таълим-тарбияга оид асарларини таҳлил этиш.

Режа:

1. Ўзбекистонда педагогик тафаккур ва таълим-тарбия тараққиёти тарихи.
2. Фаробийнинг таълим-тарбияга доир асарларини таҳлили
3. Ибн Синонинг таълим-тарбияга доир ижтимоий-фалсафий қарашлар.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. –Т.: Ўзбекистон, 2002.
2. Ҳасанов Р. Педагогика тарихидан маърузалар. Тошкент, 1991 йил.
3. Ахлоқ одобга оид ҳадис намуналари. Тошкент, «Фан». 1990.
4. Ўзбек педагогика антологияси. –Тошкент. «Ўқитувчи». 1995.
5. «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий ва маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. («Халқ сўзи» газетаси 2006 йил 26 август).
6. Каримов И.А. Демократик ҳуқуқий давлат, эркин иқтисодиёт талабларини тўлиқ жорий этиш, фуқаролик жамияти асосларини қуриш – фаровон ҳаётимиз гаровидир. – Т.: Ўзбекистон, 2007
7. Каримов И.А. “Демократик ҳуқуқий давлат эркин иқтисодиёт талабларини тўлиқ жорий этиш, фуқаролик жамияти асосларини қуриш – фаровон ҳаётимиз гаровидир” 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислаҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маъруза. Т.: Ўзбекистон, 2007й.
8. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузаси. Т.: Ўзбекистон, 2007

Ўзбекистонда педагогик тафаккур ва таълим-тарбия тараққиёти тарихи.

Ўзбекистонда педагогик тафаккур ва таълим-тарбия тараққиёти тарихини шартли равишда асосан уч даврга бўлиб ўрганиш мумкин:

1. Октябрь тўнтаришигача бўлган давр (1917 й.).
2. Шўро тузуми даври (1917-1991).
3. Мустақиллик даври (1991 йилдан).

1-давр зардуштийлик динининг чуқур илдиз отиши ва шу диннинг муқаддас китоби «Авесто»нинг Марказий Осиё ва Эрон каби мамлакатлар халқлари ўртасида кенг ёйилиши билан бошланди.

2-давр шўролар тузими даврида Марказий Осиё халқлари шаънига «маданиятсиз», «саводсиз» деган бўҳтонлар айтилди. Айни шу даврда миллий педагогика кам ўрганилган бўлиб, мазкур маърузалар матнида ушбу даврдаги йирик мутафаккирлар, маърифатпарварларни таълим-тарбия ҳақидаги ғояларини очиқ беришга ҳаракат қилдик.

3-давр Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейинги даврдаги фан, маданият, таълим-тарбия. XIX аср охири ва XX аср бошларида яшаган маърифатпарварлардан Муқимий, Фурқат, Ҳамза, М.Бехбудий ва бошқалар педагогика фанини ривожланишига катта ҳисса қўшдилар.

Педагогика тарихи қадим замонлардан тортиб, то ҳозирги кунгача бўлган турли тарихий даврларда тарбия, мактаб ва педагогика назарияларининг тараққиётини даврлар талаби асосида ўрганиб келди. Ҳар бир ижтимоий тузум, унинг келажаги, инсоният истиқболи, кишиларнинг ҳаёт ва турмуш даражаси фан ва маданият тараққиёти билан бевосита боғлиқдир.

Фаробийнинг таълим-тарбияга доир асарларини таҳлили.

Ўрта аср ижтимоий-фалсафий фикр тараққиёти мутафаккир Абу Наср Форобий номи билан боғлиқ. Машҳур юнон файласуфи Арастудан кейин Шарқда ўз билим, фикр доирасининг кенглиги билан ном чиқарган Форобий йирик мутафаккир - «Муаллими соний» - «Иккинчи муаллим» деб атайдилар.

Форобий таълим-тарбияга бағишлаган асарларида таълим-тарбиянинг муҳимлиги, унда нималарга эътибор бериш зарурлиги, таълим-тарбия усуллари ва услуби ҳақида фикр юритади. «Фозил одамлар шахри», «Бахт-саодатга эришув тўғрисида» каби асарларнда ижтимоий-тарбиявий қарашлари ўз ифодасини топган.

Форобий ўз ишларида таълим-тарбияни узвий бирликда олиб бориш ҳақида таълим берган бўлса ҳам, аммо ҳар бирининг инсонни камолга етказишда ўз ўрни ва хусусияти бор эканлигини алоҳида таъкидлайди.

Форобий «Бахт-саодатга эришиш тўғрисида» асарида билимларни ўрганиш тартиби ҳақида фикр баён этган. Унинг таъкидлашича, аввал билиш зарур бўлган илм ўрганилади, бу олам асослари ҳақидаги илмлар. Уни ўргангач, табиий илмларни, табиий жисмлар тузилишини, шаклнинг осмон ҳақидаги билимларни ўрганиш лозим. Ундан сўнг, умуман жонли табиат ўсимлик ва ҳайвонлар ҳақидаги илм ўрганилади, дейди.

Форобий «Инсон камолотга ёлғиз ўзи эриша олмайди. У бошқалар билан алоқада бўлиш, уларнинг кўмаклашуви ёки муносабатларига муҳтож бўлади», деб ҳисоблайди.

Бунга Форобий таълим-тарбияни тўғри йўлга қўйиш орқали эришиш мумкин, дейди. Чунки, мақсадга мувофиқ амалга оширилган таълим-тарбия инсонни ҳам ақлий, ҳам ахлоқий-жиҳатдан камолга етказди, хусусан, инсон табиат ва жамият қонун қоидаларининг тўғри бўлиб олади ва ҳаётда тўғри йўл тутди, бошқалар билан тўғри муносабатда бўлади, жамият тартиб-қоидаларига риоя этади.

Демак, Форобий таълим-тарбиянинг асосий вазифаси жамият талабларига жавоб бера оладиган ва шу жамият учун хизмат қиладиган етук инсонни тарбиялашдан иборат деб билади.

Форобий таълим тарбияга биринчи марта таъриф берган олим саналади. Таълим - деган сўз инсонга ўқитиш, тушунтириш асосида назарий билим бериш; тарбия - назарий фазилатларни маълум ҳунарни эгаллаш учун зарур бўлган хулқ нормаларини ва амалий малакаларни ўргатишдир, дейди олим.

Абу Наср Форобий яна айтадики: «Таълим - деган сўз халқлар ва шаҳарликлар ўртасида назарий фазилатни бирлаштириш, тарбия эса шу халқлар ўртасида туғма фазилат ва амалий касб ҳунар фазилатларини бирлаштириш деган сўздир.

Таълим фақат сўз ва ўрганиш билангина бўлади. Тарбия эса, амалий иш тажриба билан, яъни шу халқ, шу миллатнинг амалий малакалардан иборат бўлган иш ҳаракат, касб-ҳунарга берилган бўлиши, ўрганишдир, - дейди.

Форобийнинг таълим-тарбия йўллари, усуллари, воситалари ҳақидаги қарашлари ҳам қимматлидир. У инсонда гўзал фазилатлар икки йўл - таълим тарбия йўли билан ҳосил қилинади. Таълим назарий фазилатларни бирлаштиради, тарбия эса туғма фазилат - назарий билимлар ва амалий касб-ҳунар, хулқ-одоб фазилатларини бирлаштиради, таълим сўз ва ўрганиш билан, тарбия эса амалий иш, тажриба билан амалга оширилади

дейди. Ҳар иккаласи бирлашса, етуклик билим ва амалий кўникмаларни қай даражада ўрганганлигига қараб пайдо бўлади, деб кўрсатади.

Демак, Форобий таълим-тарбияда рағбатлантириш Одатлантириш, мажбур этиш методларини илгари сурган. Ҳар иккала усул ҳам пировардида инсонни ҳар томонлама камолга етказиш мақсадини кўзлайди.

Ибн Синонинг таълим-тарбияга доир ижтимоий-фалсафий қарашлар.

Шарқда «Шайх ар-Раис» номи билан машҳур бўлган алломалардан бири ўрта аср буюк мутафаккири Абу Али ибн Синодир. Ибн Сино ҳам бошқа замондош қомусий олимлар қатори математика, астрономия, физика, кимё, биология, тиббиёт, доришунослик, рухшунослик, физиология, фалсафа, филология, таълим-тарбия соҳаларида ижод этган ва дунёга машҳур йирик асарлар мерос қолдирган олим.

Алломадан кейинги авлодларга 250 дан ортиқ илмий асар бой мерос бўлиб қолди.

Абу Али ибн Синонинг «Ал-Қонун», «Донишнома», «Аш-Шифо», «Ан-Нажот» каби асарлари шулар жумласидандир.

Маълумки, Ибн Сино ҳам бошқа мутафаккирлар каби ўзининг таълим-тарбияга оид қарашларини ижтимоий-фалсафий қарашлари билан боғлиқ ҳолда ифодалагани, махсус рисолалар талқин этган. Шунингдек фанларни тасниф этади. Бунда у биричи ўринга тиббиёт фанларини қўяди. Фалсафани эса икки гуруҳга, яъни назарий ва амалий гуруҳларга бўлади. Назарий гуруҳ кишиларни ўзидан ташқаридаги борлиқ ҳолати ҳақидаги билимларни эгаллашга йўлласса, амалий қисм бизга бу дунёда нималар қилиш кераклигини ўргатади, дейди.

У биринчи гуруҳга этика, иқтисод, сиёсатни киритади. Иккинчи гуруҳга физика, математика, метафизика, дунё қонуниятларини ўргатувчи барча фанларни киритади.

Ибн Сино ақлий тарбия турли билимларни ўрганиш натижасида амалга ошса, ахлоқий тарбия кўпроқ яхши ахлоқий хислатларини машқ қилдириш, одатлантириш, суҳбат орқали амалга ошади деб таъкидлайди.

Инсон ҳиссий ва маънавий талабларни ажратиб олиш имкониятига эга экан, бу имконият аста-секин инсон феъл-атворида хос хислатга айлана боради. Ибн Сино инсонни шакллантиришда унинг атрофини ўраб олган ташқи муҳит ва одамлар алоҳида муҳим рол ўйнайди, ана шу ташқи муҳит ва одамлар инсоннинг атроф дунёни билишигагина эмас, балки унинг хулқида яхши ёки ёмон жиҳатларнинг таркиб топишида ҳам таъсир этади. Шунинг учун ҳам болаларни тарбиялашда эҳтиёткор бўлиш кераклигини, бола ёмон одатларга ўрганмаслиги учун, уни ёмон одамлардан, ёмон муҳитдан узоқроқ сақлаш зарурлигини уқтиради.

Ибн Синонинг тарбиявий қарашларида оила ва оилавий тарбия масалаларига кенг ўрин берилган. Чунки инсон аввало оилада камолга етади.

Олимнинг буюк хизматларидан бири шундаки у инсоннинг меҳнати, қобилияти, ақл-заковотини улуғлайди, ундаги қудратга ишонди, инсон тафаккурининг тантана қилиши кераклигини тинмай тарғиб қилди.

Ибн Синонинг инсон камолотида таълим-тарбиянинг аҳамиятига оид қарашларини ижтимоий-фалсафий фикрлар таркибидагина, эмас, балки мустақил рисолаларида ахлоқий масалаларни чуқур илмий-амалий жиҳатдан ифодалаган, илм-фан соҳасида тарбияшунос олим сифатида ҳам тадқиқ этиш, ўрганиш навбатдаги вазифалардан ҳисобланади.

Хулоса қиладиган бўлсак, ушбу мавзуда Фаробий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Синоларнинг ижтимоий-педагогик қарашлари, ахлоқ-одоб ҳақидаги фикрлари, ғоялари, педагогика соҳасидаги, таълим-тарбия ҳақидаги фикрлари. Ўзбек халқ педагогикасининг

йирик намояндалари бўлган буюк алломаларнинг асарлари, янги усул мактаблари жадиждлар оқими, таълим соҳасидаги қўшилган хиссалари ҳақида мулоҳазалар келтирилган.

Ўзбек миллатга хос замонавий усуллардан фойдаланиб тарбия жараёнини ташкил этиш, миллий тарбияни амалга оширишда ўз маънавий кадриятларимизни роли кўрсатиб ўтилган.

Муқимий Қўқонда, шунингдек қўшни шаҳарларга, кишлоқларга саёҳат қилган пайтларида ҳаётни синчиклаб кузатган, унинг йўлларини чуқур ўрганган. Ноҳақликни кўриб изтиробга тушган ва унга қарши ўзининг бутун шоирлик истеъдодининг кучини ишга солган. У шеърятнинг маснавий шаклидан кенг фойдаланган. Бинобарин маснавий шакли қадимдан шеърий дostonларда, дўстона ёзишмаларда қўлланиб келинган.

Меҳнаткашлар муҳиtida ўсиб-улғайган, юксак ахлоқий идеаллар руҳида тарбияланган, шарқ шеърятини мумтозларининг йўлини тутган Муқимий ёлғончиликка, иккиюзламаликка доимо муросасиз бўлган. Ўз даврининг ва ўз муҳитининг фарзанди сифатида ҳам, қалбида ҳам эътиқодли мусулмонлигича қолган.

Муқимий ижодининг айрим тадқиқотчиларига қўшилиб, унинг от ёки «Арава» туркумларидаги шеърларида қирчанғи ва қайсар ҳайвонлар тимсоли ёки алмисоқдан қолган шалдироқ арава тимсоли орқали жонажон ўлкадаги билимсизлик ва мутаассиблик, ниҳоят даражада ижтимоий-маданий қоқоқлик ифодаланган, дейиш мумкин.

Фурқат ва унинг авлоди ички курашлар билан, ишончсизлик ва қўрқувни, одатлар таъсирини бартараф этиш ва ҳ.к.лардан кейингина русларга тегишлича муносабатда бўла бошладилар. Инсон кўп ёки озроқ қийинчилик билан эришган ва пухта ўйлаган нарсаларгина унинг маънавий қиёфасидаги қимматли ва мустаҳам хусусиятга айланиши исботлаб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак. Хусусан маънавий дунёси халқнинг фикр ва ҳиссиётини акс эттирадиган катта шоир ҳақида гап борганида ана шуни унутмаслик янада муҳимдир.

Фурқатнинг янги Марғилондаги бир неча йиллик ҳаёти унинг шеърятдан мажбуран узоқлашган даври бўлди. Чунки у ўша пайтда тоғасининг дўқонида хизмат қилган, илоҳиётдан сабоқ олган, шунингдек, уезд маҳкамасида мирзалик вазифасини бажарган.

Лекин, иккинчи томондани Фурқатнинг янги Марғилонда яшаган даври унинг ҳаётида бениҳоя муҳим аҳамиятга эга бўлган. Фурқат у ерда дўқондорликни ўрганиб, шу даражада моддий маблағ тўплаганки, кейинчалик фақат Ўзбекистоннинг турли шаҳарларига бемалол бориб келишдан ташқари, 90-йилларда Туркистон ва Кавказ орқали Туркия, Болгария, Греция, сўнгра Арабистон ва ҳиндистонга узоқ сафар қилган; у ердан ғарбий Хитой (Синьцзян ёки Хитой Туркистонига йўл олиб, Ёркент шаҳрига борган).

Шундай қилиб, Фурқат ўзининг турмуш тарзи, бойлиги, муҳити бўйича бошпанасиз қашшоқ Муқимийга нисбатан анча юқори ижтимоий поғонада турган. Лекин шунга қарамай чинакам дўстлик ва дунёқарашларининг яқинлиги уларни бирлаштирган. ҳаётини шароитлар Фурқатга аввало кўпроқ нарсаларни кўриш ва атрофдаги воқеаларни англаш, шу билан бирга уларни шоирнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеи у ёки бу даражада тақозо этган нуқтаи назардан кузатиш имконини яратди.

Маҳмудхўжа **Бехбудий** ҳар бир муаллимни иқтидорига қараб дарсларга тайинлаш керак, деб ўз даври учунғоят янги фикрни билдирган. Яъни ҳозиргидек ўқитувчиларни математика, адабиёт, тарих каби ҳар қил фанларга ихтисослашувидан иборат Туркистондаги мактаб ва мадрасаларга хос бўлмаган тақлифни ўртага ташлаган. У тобора саводсизлашиб бораётган халқ орасида зиё нурларни тарқатишга ҳаракат қилган, ватандошларини хусусан ёшларни илму маърифатни эгаллашга чақирган, аёлларнинг илм олиш ҳуқуқини ёқлаган, одамларни ўқиш-ўрганишга қизиқтиришнинг оддий усулларини излаган.

Маҳмудхўжа Бехбудий «Туркистон вилоятининг газети», «Тараккий», «Хуршид», «Гужжор», «Самарқанд» газеталарида. «Шўро» ва «Ойна» журналларида босилган

мақолаларида янги усул мактаблари очиш, уларда болаларга дунёвий фанларни ўргатишгояларини олға сураб экан, табиат ходисаларини, Ернинг юмалоклиги, ўз ўқи атрофида айланиши ва муаллақ туришини ой ва куннинг тутилиши ва ҳоказоларни илмий нуқтаи назардан тушунтиришга ҳаракат қилган.

Маҳмудхўжа Бехбудийнинг халқни маърифатли қилишдек хайрли ишга бутун вужуди билан берилганининг далили сифатида қуйидаги далилгоят қизиқарлидир. У 1919 йилда сафарга чиққанида уни Шаҳрисабзда Бухоро амирининг амалдорлари қамокқа оладилар ва жадидликда, большевикларнинг жосуси деб айлаб қаттиқ азоблайдилар. Маҳмудхўжа Бехбудий амирнинг буйруғи билан қатл қилинади. У ўлими олдидан ёзган васиятномасида шундай деган: Биз ўз қисматимизни биламиз, аммо бечора халқимизга ўз хаётимизда нима қилишимиз мумкин бўлса шуни қилганимизни ҳис этиш билан фахрланганимиздан ўлимни хотиржам кутмоқдамиз.

Мумкин қадар кўпроқ яхши мактаблар очиш, шунингдек маориф ва халқ бахт-саодатини таъминлаш соҳасида ишлаш бизга энг яхши ҳайкал бўлади».

Жамоат ва сиёсат арбоби шоир ва педагог **Абдулла Авлоний** Тошкентда, ҳунарманд оиласида туғилди. Эски мусулмон мактабида ва мадрасада ўқиди.

Авлоний меҳнаткаш халққа ёрдамлашиши мақсадида 1908 йилда камбағалларнинг болалари учун мактаб очади ва унда она тилини таълимнинг янги методларидан фойдаланган ҳолда ўқитди. Унинг халқ маорифи соҳасидаги ишлари унинг ёзувчи ва шоир режисёр-сахналаштирувчи ҳамда театрдаги истеъдодли ёшларнинг тарбиячиси сифатидаги фаолияти билан чамбарчас боғлиқ бўлган Авлоний 1913 йилда ўз уйида ташкил этган халқ театри катта муваффақиятларга эришган.

Авлоний 1917 йилда «Турон» газетасини чиқара бошлаган, унинг саҳифаларида халқ мактаблари очиш, ўқитувчи кадрлар тайёрлаш ва дарсликлар нашр этиш масалаларига бағишланган мақолалар эълон қилинган. Айниқса, ўзбек қизларини ўқитиш ва тарбиялаш улар учун мактаблар очиш масалаларига алоҳида эътибор берилган. Ўша йилларда Авлоний «Адабиёт» дарслигининг 1-17 китобларини, «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ», «Мактаб гулистони», «Мардикорлар ашуласи» каби асарларини ёзган ҳамда нашр эттирган.

Ахмаджон Табибий Хива хони Сайид-Муҳаммад Раҳимхон Соний маслаҳати билан «Мунисол-ушшоқ» номли девонига шундай деб ёзади: «Бу фақир кўлида жам бўлган китобнинг сони беш девондир. Аларнинг учтаси туркин ва иккитаси форсийдир. Биринчисини адолатли шоҳга ҳадя этиш сабабидан «Тухтафус-Султол» деб атадим. Иккинчи довога ошиқлар унсияти сабабидан «Мунисул-ушшоқ» номи берилди. Учунчисига фақат ишқ ҳолатларидан гапирилган важдан «Миръотус-ишқ» деб ном қўйдим. Тўртинчи девонга ошиқлар ўқиб хайрон бўладилар деб «хайратда ошиқин» деб ном берилди. Бешинчиси бедиллар иштиёқи жилвагоҳи бўлгани сабабидан «Мазхарул-иштиёқ» деб аталади.

Табибий шеърятининггазал, рубоий, мухаммас ва ҳ.к. жанрларида ижод қилган. Унинг қаҳрамонлари тўғри фикр, пок муҳаббати, одоб-ахлоқи билан ажралиб туради. Тарбиянинг ватанпарварлик тинчлик, дўстлик, садоқатлик, меҳр-оқибат, меҳнатсеварлик каби принципларига шоир асосий аҳамият беради.

Ислом шоир Назар ўғли. Халқ оғзаки ижодида шу халқнинг хаёти, руҳи орзу-умидлари, инсоний фазилатлари, тарбиялаш услублари, педагогик талаблари ифодаланган бўлади.

Ўтмишда «достончи шоир» деб аталиб, номлари унчалик кенг маълум бўлмаган ўзбек халқ шоирлари, устозлари обрў-эътибор топиб, халқнинг иззат-ҳурматида сазовор бўлмоқдалар.

Ислом шоир Назар ўғли ўзбек халқ шоирларининг йирик вакиллари билан бирдир. У Фозил Йўлдош ўғли, Муҳаммад Жомрот ўғли Пўлкан, Абдулла шоир Нурали ўғли каби халқимиз яратган энг йирик асарларини бизгача сақлаб, қуйлаб келди. Ислом шоир замон

меҳнаткашлар, халқ, болалар, келажак авлод ҳақида, уларнинг меҳнати, интилиши ҳамда фазилатлари тўғрисида ажойиб қўшиқлар, дostonлар, шеърлар яратди.

Маърифатпарвар аёлларнинг педагогик ғоялари.

Нодира бахтли она бўлган - тақдир унга икки ўғил ато этган. Унинг саройда - шеърят ва санъат кадрланган шароит тарбияланган ўғиллари ихтиёрсиз равишда адабиётга қизиққан.

Шоиранинг катта ўғли Муҳаммадлихон ёшлик йиллардан бошлаб шеърят билан шуғулланган, саройдаги шеърхонлик анжуманларида қатнашган.

Кичик ўғли Султонмахмудхон маълумотли давлат арбоби бўлиб етишган.

Нодира эзгулик ва ёвузлик оламини қарама-қарши қўйган, хонлар ва сарой аъёнлари қиёфасида ёзувликнинг ифодасини кўрса, оддий халқ вакилларида эзгуликнинг асосларини кўрган. У ҳаммани иноқликка, тинч-осойишталикка чақирган.

1822 йилда Нодиранинг (тахминан 30 ёшларида) ҳаётида оғир мусибат юз берди. Унинг ҳаёт йўлдоши Амирий (амир Умархон) анча ёш чоғида иттифоқо вафот этди. Ана шу мусибат Нодиранинг шундан кейинги ижодий фаолиятида аксини топди. Умархоннинг вафотидан сўнг шоира мамлакатни маданий жиҳатдан ривожлантириш борасидаги ишларга фаол аралашган.

Нодира ўзининг ақллилиги, мулоҳаза юритиши, эзгу ишлари билан секин-аста ўша даврда кам учрайдиган оқила - Нодираи даврон сифатида танилган ва халқнинг хурмат-эҳтиромига сазовор бўлган.

Фозилбекнинг «Мукамал тарихи Фарғона» номли асарида Моҳларойим катта қабристон ёнига «Чолпоя» ва темирчилик растаси қаторига «Моҳларойим» мадрасаларини қурдиргани ёзилган, шунингдек, етимхона ва мусофирхона барпо этгани, мадрасада талабалар бепул ўқитилгани, уларнинг кийимлар билан таъминлангани, мадраса тоқчаларида китоблар ва қўлёзмалар тўплангани айtilган.

Мутрибнинг ёзишича, Нодиранинг ташаббуси билан энг машҳур тарихий асарларни ҳамда Алишер Навоий, Муҳаммад Фузулий, Абдуқодир Бедил, Заҳриддий Бобур ва уларнинг замондошларидан қолган абадий ёдгорликларни, яъни девонларни кўчириш ҳамда таржима қилиш ишлари амалга оширилган. Нодиранинг шахсан ўзи хаттотларнинг ишлашини, китобларни аниқ, саводли кўчирилиши ва таржима қилиниши кузатиб борган.

Таянч тушунчалар: Педагогик тафаккур, таълим-тарбия тарихи, таълим-тарбия усуллари, йўллари, воситалари, методлари.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Ўзбекистонда педагогик тафаккур ва таълим-тарбия тараққиёти тарихи.
2. Ўзбекистонда таълим-тарбия тараққиёти тарихининг ривожланиш даврлари.
3. Зардуштийлик дини таълимотининг педагогик тафаккур тарихида тутган ўрни.
4. Шўролар тузими даврида таълим-тарбияни ташкиллаштириш хусусиятлари.
5. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейинги даврдаги фан, маданият, таълим-тарбия.
6. Форобий таълим-тарбияга бағишлаган асарлари.
7. Ибн Синонинг таълим-тарбияга оид ижтимоий-фалсафий қарашлари

Мустақил ишлаш учун топшириқлар:

1. Ўзбекистонда таълим-тарбия тарихининг асосий даврларини таҳлил этинг.
2. Зардуштийлик дини таълимотининг асосий моҳиятини аниқланг.

Мақсад:

Талабаларга жаҳон педагогика фанининг ривожланиш ҳақида тушунча бериш. Платон, Аристотел, Руссо, Каменскийнинг педагогик қарашларининг асосий моҳиятини аниқлаш.

Режа:

1. Платон, Аристотел, Руссонинг педагогик ғоялари.
2. Я.А.Коменскийнинг педагогик системаси ва уни педагогиканинг кейинги тараққиёти учун аҳамияти.

Адабиётлар рўйхати.

1. Ражабов С. Педагогика фанининг алломалари. Тошкент, «Ўқитувчи». 1991 й.
2. Коменский Я.А. «Великая дидактика», «Материнская школа»
3. Макаренко А. «Лекции для родителей».
4. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари-олий кадрият. Т.14 Т.: «Ўзбекистон» 2006 йил.
5. Каримов И.А. Демократик ҳуқуқий давлат, эркин иқтисодиёт талабларини тўлиқ жорий этиш, фуқаролик жамияти асосларини қуриш – фаровон ҳаётимиз гаровидир. – Т.: Ўзбекистон, 2007
6. Каримов И.А. “Демократик ҳуқуқий давлат эркин иқтисодиёт талабларини тўлиқ жорий этиш, фуқаролик жамияти асосларини қуриш – фаровон ҳаётимиз гаровидир” 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислаҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маъруза. Т.: Ўзбекистон, 2007й.

Платон, Аристотел, Руссонинг педагогик ғоялари.

Ёш авлодни тарбиялаш кишилик жамияти вужудга келган пайтдан бери мавжуд. Тарбия ишлаб - чиқаришда ва ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларида авлодлар ўртасидаги давомийлик алоқаси учун зарурдир.

Ибтидоий қабила жамиятида, ҳали синфларга бўлинмаган пайтда, ҳамма болалар асосан ўқиш ва меҳнат жараёнида бир хилда тарбия олганлар: улар катталар билан бирга меҳнатда қатнашганлар: турли маросимларда иштирок этиш ҳам тарбиявий аҳамиятга эга бўлган.

У даврда тарбия масалаларига оид ҳеч қандай асар пайдо бўлиши мумкин эмас эди, албатта. Ўша даврдаги болаларга тарбия беришнинг айрим жиҳатлари ҳақида ибтидоий одамлар тоғларга, қояларга чизган ва археологлар топган суръатларга, кейинги формацияларда яратган абадий асарларга кўрган нақшларга, шунингдек ҳозирча ҳам ибтидоий қабила ҳаёт тарзини сақлаб келаётган қабилалар ва халқлар ўртасида кузатишган ва кузатилаётган тарбия манзаралари билан таққослаш асосидагина мулоҳаза юритиш мумкин.

Синфларга бўлинган қулдорлик жамиятида тарбия синфий тус олди: ҳукмрон синфларнинг, қулдорлар синфининг болалари турли типдаги макталарда мутахассис ўқитувчиларда таълим ва тарбия ола бошладилар: қулдорларнинг болалари оилаларда ва қулдорларнинг хўжаликларида жуда ёшликларида ноқ эксплутаторлар меҳнатга жалб қилинганлари ҳолда тарбия ола бошладилар.

Бу даврга келиб, машҳур мутафаккирларининг тарбия масалаларига оид фикрлари биринчи марта эълон қилинди. Булар ҳали педагогикага оид махсус асарлар эмас эди. Таълим тарбияга оид қарашлар фалсафий ва сиёсий асарларда баён қилинар эди.

Масалан, машҳур файласуф Платон (эрамиздан илгари 427 - 348 йиллар) ўзининг «Давлат» ва «Қонунлар» деган асарларида аҳолининг

имтиёзли, аристократик гуруҳлари болалари файласуф ва жангчилар қилиб тарбияланган, аҳолининг иккинчи гуруҳи - хунармандлар, деҳқонлар, савдогарларнинг болалари аристократларга, мулкдор синфлар ҳокимиятига хизмат кўрсатувчилар қилиб тарбияланадиган «идеал» жамият манзарасини чизиб берган эди. Аҳолининг учинчи гуруҳининг болаларида энг яхши фазилат сифатида итоаткорлик тарбияланади: қуллар ва уларнинг болаларига келганда Платон уларнинг тарбияси ҳақида лом-мим демайди: Платон уларни одам деб ҳисобламайди, балки, гапирувчи иш қуроллари деб қарайди.

Платон асарида турли фанларнинг билим бериш қиймати ҳақида кизиқарли мулоҳазалар бор: у математика фанларини, айниқса юксак кадрлайди.

Аристотель (эрамиздан илгариги 348-322 йиллар) тарбиянинг мақсадини инсон табиатининг юксак жиҳатлари - фаолият ва фикр юритиш жиҳатларини ўстиришда деб билади. Унинг тарбия ҳақидаги қарашлари «Политика» (Сиёсат) деган асарида баён қилинган. Инсонда жисмоний, ахлоқий ва ақлий тарбия бир - бири билан бутун бўлиб қўшилган. Болаларни озод қилишга муносиб даражада ҳаётда зарур бўлган нарсаларга ҳам ўргатиш керак. Аммо бундай тарбияни Аристотель фақат ҳукмрон синфларнинг болалари учунгина мўлжаллайди. Қуллар ва уларнинг болаларига келганда Аристотель уларни фақат мулк ва ишлаб чиқариш қуроли деб ҳисоблайди. Аристотель «қулларда иш учун ва хизмат учун қурол бўлиб хизмат қилишдан ташқари, умуман қандайдир бир фазилат бўлиши мумкинлигига» шубҳа билдиради.

Шундай қилиб, Аристотель ҳам унинг дунёқарашини бир- қанча муҳим масалалар бўйича Платон дунёқарашига нисбатан прогрессив бўлишга қарамай, тарбия олдига қулдорлик ҳукмронлигини мустаҳкамлашга қаратилган мақсадларни қўйган эди.

Аристотелдан кейин яшаган, қадимги Греция ёзувчиларининг асарлари орасида Плутарх (тахминан 126-йиллар) ёзган машҳур кишиларнинг таржиман ҳоли ҳамда унинг ўзи ёзган «Этические сочинения» (Этик асарлар) асари диққатга сазовордир.

Грецияда бўлгани каби қадимий Римда ҳам тарбия қулдорлар синфига хизмат қилар эди. Рим давлат арбоби Марк Фабий Квинтилиан (48-118) Рим империяси қудратга тўлган даврда яшаб «О воспитании оратора» («Нотиқ тарбиялаш ҳақида») деган катта асар ёзади. Бу асарда у қулдорларнинг болалари туғулгандан тортиб то давлат ҳаётига қўшилгунча уларнинг тарбияси қандай ўтганлигини батафсил баён қилиб беради.

Феодал ўрта аср даврида тарбия иши черков кўлда эди. Бу даврда тарбия масалалари теологлар руҳонийларнинг асарларида ёритилади. Масалан, католик теологияси биносини қуриб тугаллаган ва схоластикани системага солган Фома Аквинский (1223-1274) асарларида қуйидаги фикрлар олға сурилган эди: Илоҳий ва табиий ҳуқуққа кўра бўйсунувчилар олий табақаларга итоаткор бўлишлари керак, чунки бўйсунушлари - худо қулининг фазилатидир. Бунда бутун ҳокимият черковга тегишлидир. Омман итоаткорлик, сабр - тоқат, аскетизм («нафсини ўлдириш») руҳида тарбиялаш керак.

Уйғониш даврида (XIV-XVI асрлар) хунармандчилик ва мануфактуранинг таракқий этиши, шаҳарларнинг ўсиши ва савдонинг ривожланиши, буржуазиянинг вужудга келиши ва юксалиши муносабати билан илк ўрта асрнинг жаҳолатпараст аскетизми идеалларига қарама-қарши ўлароқ тарбиянинг янги идеаллари вужудга келди. Италияда Виттаринода Фельтрэ, Францияда Франсуа Рабле ва Мишель Монтень сингари гуманист педагоглар ўрта аср тарбиясининг асосларини танқид қилиб, унга соғлом, бақувват ва гўзал бўлган, ҳар томонлама билимларга, шу жумладан бир неча тилни, математикани, астрономияни, механика ва бошқа фанларни эгаллаган қувноқ одамни тарбиялашни қарама-қарши қилиб қўйдилар.

Тарбия идеали хусусида илк социалист-утопистлар илғор фикрларни олға сурдилар. Масалар, Англияда Томас Мор (1478-1535) янги «Утопия» оролида тарбиялаш

жараёнини тасвирлаб, ҳамма болаларнинг ҳар томонлама ўстириш мақсадларидан қилиб чиқади; бунда болалар қишлоқ хўжалик ва ҳунармандчилик меҳнатида қатнашиб меҳнат малакаларини оладилар ҳамда турли фанлар соҳасида назарий билимларни эгаллайди. Томас Мор педагогика фикри тарихида биринчи бўлиб, меҳнат тарбияси ғоясини ҳамда ўқитишни болаларнинг унумли меҳнатда иштироки билан боғлаш ғоясини олға сурди ва ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнат ўртасидаги қарама-қаршиликни бартараф этиш масалаларига ёндашиб келди.

Италиялик Томмазо Кампакелла (1568-1639) ҳам «Қуёш давлати» асарида меҳнат тайёргарлиги, жисмоний тарбияни ҳамда ҳар томонлама билимли (бунда табиёт фанларига алоҳида эътибор берилади) ўз ичига оладиган тарзда болаларни ҳар томонлама тарбиялаш идеалини олға сурди.

Утопист социалистларнинг ғоялари ўз даврида реал аҳамиятга эга эмас эди. Бироқ, улар меҳнатқашларнинг орзу-умидларини ва илғор кишиларнинг орзуларини акс эттирар эди.

XVII асрда «Чех қардошлари» жамоасининг йўлбошчиларидан бири Ян Амос Коменский (1392-1670) яхлит, мазмунли педагогик тизим яратди. У ўз дунёқарашида диний позицияларда туради, аммо «ҳаммани ҳамма нарсага ўргатишга» даъват этади. Тарбиянинг мақсади кишиларни абадий ҳаётга тайёрлашдан иборат эканлиги ҳақида гапириб, у айна вақтда болаларга бу дунёдаги ҳаёт учун фойдали, фаолият учун керакли реал билимларни ўқитиш, масалаларини батафсил ишлаб чиқади.

XVIII асрда Франциядаги янги буржуазия синфининг идеологлари тарбия хусусида илғор фикрларни айтдилар. Масалан, машҳур француз мутафаккури Жан Жак Руссо (1712-1778) феодал крепостнойлик тузумига ва феодал педагогикасига қарши жуда кучли норозилик билдирди.

Руссо инсон ҳуқуқларини, шахс эркинлигини ҳимоя қилиб чиқади.

У боланинг табиий ўз-ўзидан ўсиши ғоясини тарбияга асос қилиб олади. Ўз-ўзидан ўсишнинг асл мақсади - ўз-ўзини, барча табиий истеъдодларнинг тўлаллигини, тўла ижодий шахсни аниқлашдан иборатдир.

Тарбиянинг роли болага унинг ўз-ўзидан ўсиши учун энг табиий шароитни таъминлаб беришдангина иборат. Шундагина «менинг қўлимдан чиққан бола ... судья ҳам, солдат ҳам, руҳоний ҳам бўлмайди; у аввало инсон бўлади, бироқ вақти келганда бошқа ҳар қандай кишига қараганда яхшироқ инсон бўла олади, бинобарин тақдир уни қаерга ташламасин, у ҳамма жойда ўз жойини топиб олади».

Феодал тарбияси кескин табақали эди; турли табақаларнинг болалари турлича тарбия олардилар. Руссо тенгсизликка қарши ҳамда текинхўрларча яшашга ўргатишга норозолик билдиради, ваҳоланки, «аслзодалар»нинг болалари шу руҳда тарбияланарди. Руссо меҳнат тарбияси зарурлигини қаккиқ туриб ҳимоя қилади, чунки «меҳнат ижтимоий инсоннинг зарурий вазифасидир ҳар қандай бекорчи гражданин ўғридир».

Феодал тарбияси болани ҳаётдан ажратиб қўяр, ўқитиш фақат оғзаки усулда олиб бориларди. Руссо намуналар ва ҳаётнинг ўзидан олинган тажрибалар асосида тарбиялашни талаб қилади. У табиатни ва кишилар ҳаётини бевосита кузатиш, кундалик ҳаёт амалиётининг ўзи бола учун асосий билим манбалари бўлишини истайди.

Рухониларнинг болаларига ҳам, аҳолининг меҳнатқаш табақалари болаларига ҳам бериладиган феодал тарбияси боланинг жисмоний ривожланшпи ҳақида, унинг соғлиги ҳақидағамхўрлик қилишни тамомила инкор этар эди. Руссо жисмошш тарбия масалаларига, ўз тарбияланувчисида куч, чаққонлик ва матонатлиликини тарбиялаш масалаларига жуда катта эътибор берар эди. Бунда Руссо сезги органларини тарбиялашга айниқса катта эътибор беради.

Руссонинг ана шу прогрессив таълим-тарбиявий ғоялари баён қилинган «Эмиль ёки тарбия тўғрисида» деган китоби ўз даврида революцион рол ўйнади. Руссо ғоялари XVIII асрнинг охиридаги француз революциясини тайёрлаган ва унга бошчилик қилган илғор кишиларнинг дунёқарашига ва амалий ҳаракатлари дастурига кирди.

Аммо Руссо тарбиянинг моҳияти ва аҳамияти ҳақидаги масалани тўғри, илмий асосда ҳал қилиб бера олмади ва ҳал қилиб бера олмас эди. У ижтимоий тараққиёт истикболини кўрмади. Бундан ташқари, унинг педагогик қарашларида кўпгина зиддиятлар бор эди.

Философ Гельвеций (1715-1771) тарбиянинг мақсади кўпчилик граждaнларни фаровон ҳамда бахтиёр қилишга интилишдан иборат деб ёзган эди. Ёш авлоди тарбиялашдан мақсад - «уларнинг қалбини инсонпарварлик учун, уларнинг ақлини эса ҳақиқат учун очишдан ва ниҳоят, барча граждaнларни ақли расо ва ҳис-туйғули кишилар қилиб тарбиялаш, граждaнларнинг онгида шахсий бахт-саодат фикрини миллий бахт - саодат фикри билан мустаҳкам боғлашдан иборатдир. Гельвеций шу билан бирга атеистик руҳда тарбиялашни талаб қилар эди. «Ўз граждaнлари тарбиясини попларга ишониб, топширган миллатларнинг ҳолига вой»,-деб хитоб қилган эди у. Аммо Гельвеций умумий фаровонлик ҳақида гапирганида буржуа жамиятининг бахт-саодатини кўзда тутган ҳамда унинг асосини хусусий мулкда деб билган эди. Шунинг оқибатида у ахлоқий тарбия олдига ана шу хусусий мулк ҳуқуқини қўллаб-қувватлаш вазифасини қўйган эди.

XVIII асрнинг охирида Францияда буржуа революцияси бўлиб, буржуазия ҳокимият тепасига чиқиб олгач, унинг вакиллари ўзларнинг ижтимоий-сиёсий қарашларида, шу жумладан ёш -авлод тарбияси масалаларига қарашларида ҳам, умуминсоний ва умуммиллий интилишлардан чекиниб бутун халқнинг фаровон ҳаёти учун кураш йўлига ўтдилар; улар синфий чекланган қарашларни ифодалайдилар; улар хусусий мулк эгаларининг манфаатларини ҳимоя қилдилар ҳамда меҳнаткашлар оммасининг манфаатларига зид тарзда ҳаракат қилдилар.

Аммо, демократ-педагоглар меҳнаткашлар оммаси болаларини демократик тарбиялаш асосларини ишлаб чиқдилар. Швецияда арбоби Иоганн Генрих Песталоцци (1796-1827) демократик педагогиканинг ажойиб вакили эди. У деҳқонлар, камбағалларнинг болалари ҳам чуқур ва фойдали билим олишлари учун ҳамда одамларга астойдил муҳаббат руҳи билан тўлиб-тошган ва гармоник тарзда камол топган инсон идеали асосида тарбияланишлари учун интилади. Песталоцци болаларнинг кучлари ва қобилиятларини табиий суръатда ўстириш асосида уларнинг тарбияси ва таълимнинг қандай йўлга қўйиш кераклиги ҳақидаги масалани ишлаб чиқди. Ўқитишда болаларни ҳаёлий таассуротлардан аниқ тушунчаларга олиб бориш керак. Боланинг табиати буюмлар ва воқеаларни билишда кўргазмани бўлишни талаб қилади. Песталоцци кўргазмани ўқитиш назарияси ва методикасига катта эътибор беради. Тўғри, унинг методикасида кўпгина уйдирма, сунъий, формал фикрлар кўп, аммо унинг асарларида биз ҳозиргача яшаб келаётганғоят қимматли таълим - тарбиявий фикрларни топамиз. Масалан, ҳар бир педагог Песталоццининг «Гертруда ўз болаларини қандай қилиб ўқитади» деган асарини диққат билан ўқиб чиқиши керак.

Песталоццининг катта хизмати шундаки, у билимнинг ҳамма соҳаларида, меҳнатда ва юриш-туришда элементар маълумотлар ва малакаларни мустаҳкам эгаллашнингғоят катта аҳамиятини ёритиб берди.

Песталоцци болаларга таълим беришни уларнинг меҳнати билан боғлади; у меҳнат алифбосини ва меҳнатга ўргатиш изчиллигини ишлаб чиқди. Тўғри, унинг меҳнат билан маълумотни бу тарзда бирлаштириши узвий эмас эди; меҳнат ва билим параллел тарзда борар эди. Аммо, тарбияга болалар меҳнатини қўшишғоясининг ўзиёқ ва буғоянинг амалга оширилиши - Песталоццининг педагогикага қўшган катта ҳиссасидир.

Болалар ҳаётидаги жамоатчиликғояси ҳам шу билан боғлангандир. Песталоцци болаларга бошчилик қилиб, улар билан бирга яшаб, болаларда дўстлик туйғусини ўстиришга, уларнинг жамоада яхши муносабатлар вужудга келтиришга интилди.

Песталоцци болаларга, ўз тарбияланувчиларига тамомила берилган эди. Унинг бутун ҳаёти ва фаолияти аслида болаларни деб кўрсатилган жасорат бўлди. Унинг хайкалига: «Болаларнинг дўсти», - деб ёзиб қўйилганлиги бежиз эмас.

Халқ маорифини демократлаштириш ҳамда болаларнинг қобилитини ҳар томонлама ўстириш йўлини Германияда А.Дистервег (1790-1866) давом эттирди. У таълим ва тарбия беришда табиатга уйғунлик принципнинг аҳамияти тўғрисидаги Коменский ва Песталоцци фикрига қўшилиб, унга маданий уйғунлик принципидан иборат бўлган муҳим бир қўшимча киритди. Бу уйғунлик ёш авлодни бутун ҳозирги замон маданияти ютуқлари асосида ўстиришни юксак даражага кўтариш талабини ифодалар эди.

Дистервег ёш авлодни «ҳақиқатга, яхшиликка ва гўзалликка хизмат қилишга қаратилган ташаббускор руҳида тарбиялашга чақирди. Тўғри бу формула бирмунча ноаниқ бўлса ҳам муаллимнинг олижаноб, демократик ниятларини ифодалар эди.

Дистервег ривожланувчи таълим назариясини, дарсларда «фикр юритиш ҳукмронлик қиладиган» таълим назариясини батафсил баён қилди. У «немис ўқитувчиларини ўқитиш учун қўллапма» китобида шундай дидактик принцип ва қоидаларни муфассал баён қилди, бу принцип ва қоидаларга риоя қилиш бир бутун бўлиб қўшилганида билимларни асосли равишда эгаллаб олишда ҳам, ўқитувчиларнинг маънавий ўсишда ҳам самарали натижаларга эришишни таъминлайди. Дистервегнинг кўпгина тавсиялари дидактиканинг олтин фондига кирди.

Я.А.Коменскийнинг педагогик системаси ва уни педагогиканинг кейинги тараққиёти учун аҳамияти.

Буюк чех педагоги Я.А.Коменский 1592 йил 28 мартда тегирмончи оиласида туғилган. Унинг оиласи руҳоний «Чех қардошлари» жамоасига тегишли бўлиб. Ўзларини протестант Ян Гуснинг давомчиси деб ҳисоблар эдилар.

Коменский ота-онасидан ёш ажралиб, анча вақт ўқимайди. 16 ёшида «Чех қардошлари» жамоасининг ёрдами билан лотин мактабига ўқийди, ва у ерда тарбия тизимининг ёмонлиги, ўқув методларининг ярамаслигини кўради. Ўша вақтдаёқ тарбия масаласида мамлакатнинг орқада эканлигини кўрдим. Мен ўша даврдаёқ фан ва тарбия ҳаммага тегишли бўлиши кераклигини ўйладим - деган эди. Мактабин тугатгач Гейдельберг университетига (Германия) ўқишга киради. Илғор профессорлар маърузаларини тинглайди. Шунингдек ўзининг илми ва дунёқарашини кенгайтиради.

1631 йил ўқиш учун китоб «Тиллар ва ҳамма фанларнинг очиқ эшиги» ни яратади. Бу асардан кейин Коменскийнинг кўп мамлакатларда донғи кетиб, таъсири кучаяди.

1632 йили Коменский «Буюк Дидактика» деган катта педагогик асарини тугатади. «Она мактаби» деган мактабгача тарбия қўлланмаси асарини бунёд этади. «Буюк дидактика» асарида «Пансофия ғоясини», яъни ҳамма нарсани билиш, ҳамма учун билим бериш демакдир деган ғояни олға сурди.

Коменскийнинг дунёқарашини икки хусусият таъсирини кўрсатган:

1. Натур философия. XVI-XVII асрларда инглиз файласуфи материалист Бекон сенсуалистик фалсафа назариясини илгари суради. Коменский ўқитиш жараёнида шу позициядан қарайди. Билиш сезишдан бошланади. Сезиш бўлмаган жойда сезиш ҳам йўқ.

2. Чех қардошлари жамоаси диний бўлганлиги учун ҳам Коменский ҳам диндор руҳонийдир.

Коменский дунёқарашининг баъзи хислатлари Уйғониш даври таъсирида вужудга келади. Одамларга нисбатан муҳаббат, хушчақчақлик одамларнинг яхшиликларига ишонч билан қараш, буларнинг ҳаммаси ўрта аср одамига нисбатан ишончсизлик билан қарашга қарама-қаршидир.

Коменскийнинг яна бир қимматли томони ўқувчилардан билим олиш тушунчасига эгаллигидир. Ойнани қанчалик чанг босган бўлса ҳам, барибир киши ўз аксини кўриши мумкин, албатта, тоза ойна киши аксини тоза кўрсатади. Ўқитувчининг вазифаси ойнадаги чангни артиб ташлаш, яъни билимни бола онгига етказиш, уни ақлий томондан ўстиришдир, деган эди.

Коменский ўз асарларида тарбиянинг мақсадини кишини мангулик дунёсига тайёрлашдан иборатдир, деб кўрсатди. Буни уч хил тарбия орқали амалга ошириш мумкин:

1. Ақлий тарбия
2. Ахлоқий тарбия.
3. Диний тарбия.

Бу мақсад боланинг туғилганидан то 24 ёшгача амалга ошади, бу давр ичида бола тўрт мактабни ўқиб тугатиши, ҳар бирида 6 йил ўқиш керак, деб ҳисоблайди.

«Буюк Дидактика»да дидактик принциплар берилиб, дарс жараёнида ўқитувчи қўллаши кераклиги кўрсатилади. Бу принциплар кўрсатмалилик, онглилик, таълимнинг тизимли бўлиши, изчиллик принципи кабилардир.

Коменский биринчи булиб синф-дарс системасини тузиб, ўз таклифларини киритади. ҳозирги кунгача шу тизимда таълим системаси мавжуд.

Қикача хулоса қилиб айтадиган бўлсак, мазкур мавзуда хорижий мамлакатлар педагогларининг педагогик фикрлари, ғояларн ҳақида, Аристотел, Руссо, Платон, Я.А.Коменскийнинг педагогика фанига киритган хиссалари, тизимлари, фикрлари, педагогика ҳақидаги тузган дарсликлари, адабиётлари, педагогиканинг методлари, прициплари ҳақида фикрлар келтирилган. Коменскийнинг синф-дарс системаси ҳақида, ва унинг ҳозирги кундаги аҳамияти, хорижий мамлакатларнинг ҳозирги кундаги таълим-тарбия соҳасидаги янгиликлари, долзарб муаммолари ҳақидаги фикрлар келтирилган.

Таянч тушунчалар: педагогик ғоялар, педагогик тараққийёт, педагогик фикрлар, педагогик тизим, педагогик тажриба.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Аристотел, Руссонинг педагогик ғоялари.
2. Платоннинг «Давлат» ва «Қонунлар» асарларида акс этган педагогик ғоялар
3. Плутарх ёзган машҳур кишиларнинг таржиман ҳоли ҳамда унинг ўзи ёзган «Этические сочинения» (Этик асарлар) асарининг моҳияти.
4. Ўрта асрларда тарбиянинг янги идеаллари вужудга келишининг сабаблари.
5. Томас Мор меҳнат тарбияси тўғрисидаги ғоялари.
6. Ян Амос Коменскийнинг педагогик тизими.
7. Коменский асарларида тарбия мақсадларининг акс этиши

Мустақил ишлаш учун топшириқлар:

1. Жаҳон педагогика фанининг ривожланиш тарихининг асосий йўналишларини аниқланг.
2. Я.А. Коменскийнинг педагогик қарашларини таҳлил этинг.

Мақсад:

Талабаларга Таълим жараёнининг моҳияти ва таълим назарияси ҳақида тушунча бериш. Ўзбекистонда таълим тизимини ислоҳ қилишнинг ўзига хос хусусиятлари ва асосий моҳиятини аниқлаш.

Режа

1. Таълим жараёнининг моҳияти, вазифаси ва мақсади.
2. Дидактиканинг асосий тушунчалари.
3. Мустақил Ўзбекистонда таълимни ислоҳ қилиш тамойиллари
4. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» нинг асосий йўналишлари.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» ги Қонун. -Т. 1997.
2. Ўзбекистон Республикаси «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» -Т.1997.
3. Мунавваров А.Қ. Педагогика. -Т.1996.
4. Йўлдошев Ж. Ўзбекистон Республикаси таълими тараққиёт йўлида. -Т. 1994.
5. Турсунов И, Нишоналиев У.Педагогика курси. Т. 1996
6. Ғайбуллаев Н.Ғ. ва б. Педагогика (маърузалар матни) Т.1999.
7. www.newhorizons.org. Таълимнинг янги уфқлари.
8. www.thelearningweb.net. Таълим тармоғи.
9. И. А. Каримов. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари – энг олий Падрият. Т.2006
10. И. А. Каримов. Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим. Халқ сўзи. 11 февраль 2006й.
11. «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий ва маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. («Халқ сўзи» газетаси 2006 йил 26 август).

1. Таълим жараёнининг моҳияти, вазифаси ва мақсади.

Таълим жараёни педагогик жараёнининг ажралмас, муҳим қисмларидан бири бўлиб у ўқитиш, билим, кўникма ва малака - ҳосил қилиш масалалари билан шуғулланади. Таълим назариясини «Дидактика» тушунчаси билан ҳам ифодаланади. «Дидактика» сўзи грекча «Дидаско» сўзидан келиб чиққан бўлиб, ўқитиш, ўргатиш деган маънони билдиради. Дидактиканинг ўрганиш объекти ўқув жараёни, ўқув жараёнининг ривожланиш қонуниятлари, ўқитиш тамойиллари, методлари ва шакллари дидир. Таълим жараёнининг асосий моҳияти тарихан тўпланган ижтимоий билим ва тажрибани ёш авлодга етказиш, авлодлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни маълум тизим орқали амалга ошириш бўлиб ҳисобланади.

Албатта, авлоддан-авлодга ўтиб борган сари ижтимоий тажриба ҳажми, демак билимлар ҳажми ҳам ортиб боради. Фан ва техниканинг ривожига ҳам илмий билимларнинг ҳажмига ва характерига таъсир кўрсатади. Буларнинг ҳаммаси эса ўз навбатида таълим тизимида ўз аксини топади. Таълим тизими ҳар бир жамиятнинг ривожланиш асоси бўлиб хизмат қилади. Чунки айнан таълим тизими жамиятнинг ҳар бир аъзосини маънавий, илмий дунёқарашини шаклланишида энг асосий ўринни эгаллайди. Шунинг учун ҳам барча тарихий юксалиш, янгиланиш босқичлари айнан таълим тизимини ислоҳ қилиш муҳим ўрин тутган.

Таълим тизими ҳар бир жамиятнинг ривожланиш даражасидан ҳамда шу жамиятнинг талабларидан келиб чиққан ҳолда шаклланади.

Ўсиб келаётган ёш авлод таълим жараёнида:

1. Зарур билимлар билан қуроллантирилади;

2. Керакли кўникмаларга эга бўлади;

3. Малакалар ҳосил қилади.

Таълимнинг асосий вазифаларидан бири инсоният ҳозиргача эришган илмий билимлар ва фан техниканинг ютуқлари билан ёш авлодни қуроллантиришдир. Ёш авлодда шундай билимлар тизимини яратиш лозимки, бу билимлар уларнинг кейинги ривожини учун асос бўлиб хизмат қилсин. Ҳозирги кунда билимлар ҳажми, ахборотлар ҳажми тобора ошиб бораётган бир даврда таълим тизими талабаларга берилиши керак бўлган билимлар, малака ва кўникмалар ҳажмини белгилаш ҳамда бу жараёнда қайси омилларни ҳисобга олиш керак деган масалаларни ечимини топиш устида бош қотирмоқда. Зарурий билимлар ҳажмини белгилаш ва шу билан бир қаторда ўқиш муддатини аниқлаш энг муҳим масалалардан бири. Таълим жараёнида бирор фан соҳасидаги инсоният томонидан эришилган ҳамма нарсаларни ўрганиш керак деб ўйлаш мутлақо нотўғри бўлар эди. Ўқув жараёнида энг асосий, энг муҳим билимлар-фанларнинг асослари ўрганилади. Аммо шунга қарамай ҳозирда ўрганиш зарур бўлган янги-янги фанларнинг тармоқлари (экология, ЭҳМ, оила психологияси, иқтисод асослари, маънавият асослари) вужудга келмоқдаки улар таълим ҳажмини бениҳоя кенгайтишига сабаб бўлмоқда.

ҳар бир фан ўзининг тушунчаларига эга. Мана шу асосий тушунчалар ҳар бир фаннинг ўзагини ташкил этади. Масалан: математикада - қўшиш, айириш, кўпайтириш, бўлиш, илдиз каби тушунчалар мавжуд. Химия фанида реакция, ишқор, кислота, туз каби тушунчалар ишлатилади. Педагогика фани ҳам ўзининг асосий тушунчаларига эга. Уларни баъзан категориялар деб ҳам аталади.

а) маълумот - таълим-тарбия натижасида олинган ва системалаштирилган билим, ҳосил қилинган кўникма ва малакалар ҳамда таркиб топган дунёқарашлар мажмуи. Маълумот таълим асосида амалга оширилади ва шахснинг қобилияти ҳамда истезодди ривожлантирилади.

Аммо, маълумот ижтимоий ҳолат, оммавий ахборот ва мустақиллик таълим таъсир доирасида амалга ошади.

б) таълим – махсус тайёрланган кишилар раҳбарлигида ўтказиладиган, ўқувчиларни билим, кўникма ва малакалар билан қуроллантирадиган ва шунинг билан бирга, уларнинг билиш қобилиятларини ўстирадиган, уларнинг дунёқарашини таркиб топтирадиган жараёндир. Таълим жараёни ўқитувчи ва ўқувчиларнинг биргаликдаги фаолияти натижасида вужудга келади.

в) ўқитувчининг маълум мақсад сари йўналтирилган фаолиятини ўқитиш деб аталади. Ўқув жараёни ўқитувчининг раҳбарлигида олиб борилади. Ўқувчининг ўқув жараёни давомидаги фаолиятини эса ўрганиш деб аталади. Ўрганиш, ўқиш ўқувчи-талабанинг фаол иштирокини талаб этадиган мураккаб жараёндир. Ўқиш, ўрганиш фаолияти ўқувчи-талабанинг мустақил таълим олишида ҳам намоён бўлади.

г) дидактиканинг принциплари - комил инсонни тарбиялашда ўқиш ва ўқитиш жараёнининг хусусиятлари, ўқувчилар томонидан илмий билимларнинг ўзлаштирилиши, эгалланиши лозим деб топилган малака ва кўникмаларни ҳосил қилишнинг асосий қонун ва қоидаларини ўз ичига олади. Шу билан бирга дидактика принциплари ҳар иккала фаолиятни, яъни ўқитувчи ва ўқувчи томонидан ўз олдига қўйилган вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш имкониятини берадиган бир қанча талабаларни ҳам умумлаштириб беради. Демак, ўқитиш принциплари таълимнинг энг муҳим масалаларини назарий ва амалий жиҳатдан тўғри ҳал қилишнинг асосий негизи ҳисобланади.

д) «Метод» - сўзи грекча - *methodos* сўзидан келиб чиққан бўлиб, йўл-йўриқ деган маънони англатади. Ўқитиш методи деганда таълим жараёнида ўқитувчи ва ўқувчиларнинг кўзланган мақсадга эришиш учун қаратилган биргаликдаги фаолият усуллари тушунилади. Демак ўқитиш методлари ўқитувчининг дарс жараёнида ўқувчиларда билим, малака ва кўникмаларни ҳосил қилиш фаолиятида қўлланиладиган йўл-усулларини ўз ичига олади.

Мустақил Ўзбекистонда таълимни ислоҳ қилиш тамойиллари

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1997 йил 29 август қарорига асосан «Таълим тўғрисидаги» Ўзбекистон Республикасининг Қонуни кучга кирди. «Таълим тўғрисида»ги қонуни таълим тизимини жиддий янгилашни, ислоҳ қилинишига асос бўлди. Олдинги қабул қилинган қонунлардан (1930, 1949, 1958, 1973, 1984, 1992 й.) фарқли ўлароқ, халқ таълими тизимини тузилишининг қуйидаги янги тамойиллардан жорий этилди:

- таълим-тарбиянинг инсонпарварлиги ҳамда халқчиллиги;
- таълим тизимининг узлуксизлиги ва изчиллиги;
- давлат таълим стандартлари доирасида ҳар бир кишига миллати, динидан қатъи назар таълим олиши учун имконият яратилганлиги;
- давлат таълим тизимининг илмийлиги ва дунёвийлиги;
- таълимда умуминсоний ва миллий-маданий қадриятларнинг устуворлиги;
- таянч (тўққиз синф даражасида) таълимнинг мажбурийлиги;
- таълим стандартларини танлашда ягона ва табақалаштирилган ёндашув бўлишига асосланганлиги;
- таълим муассасаларида чет тилларини жиддий ўрганиш, дин тарихи, халқимиз тарихи, маданияти ва жаҳон маданиятини тарихи соҳасида билим олиш учун шароитлар яратилганлиги;
- таълим муассасаларининг турли сиёсий партиялар ва ижтимоий-сиёсий ҳаракатларнинг таъсиридан ҳолилиги;
- амалдаги қонунлар доирасида мулкчиликнинг барча шаклида таълим муассасаларининг тенг ҳуқуқлилиги;
- билимдонлик ва истеъдодни рағбатлантириш;
- тарбияланувчилар ва таълим олувчиларни ҳурматлаш;
- педагог шахсини, унинг ижтимоий мавқеини ҳурматлаш ва б.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг асосий йўналишлари.

Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастури 1997 йил 29 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис қарори билан тасдиқланган. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қоидаларига мувофиқ ҳолда тайёрланган бўлиб, миллий тажрибанинг таҳлили ва таълим тизимидаги жаҳон миқёсидаги ютуқлар асосида тайёрланган ҳолда юксак умумий ва касбкор маданиятига, ижодий ҳамда ижтимоий фаолликка, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил равишда мўлжални тўғри ола билиш маҳоратига эга бўлган, истиқбол вазифаларини илгари суриш ва ҳал этишга қодир кадрларни янги авлодни шакллантиришга йўналтирилгандир. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришиб, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг ўзига хос йўлини танлаши кадрлар тайёрлаш тузилмаси ва мазмуни қайта ташкил этишни зарур қилиб қўйди. Янги ўқув режалари, дастурларни, дарсликларни жорий этишни, замонавий дидактик таълимотни ишлаб чиқишни, ўқув юртларни аттестациядан ўтказишни ва аккредитациялашни, янги типдаги таълим муассасаларни ташкил этишни тақозо этди.

Таянч тушунчалар: таълим жараёни, моҳияти, назарияси, дидактика, фан ва техника, томоинлар.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Таълим жараёнининг моҳияти, вазифаси ва мақсади.
2. Дидактиканинг асосий тушунчалари.
3. Мустақил Ўзбекистонда таълимни ислоҳ қилиш тамойиллари
4. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» нинг асосий йўналишлари.

5. Педагогиканинг асосий тушунчаларини санаб беринг.
6. Дидактиканинг принциплари тушунчасининг моҳияти.
7. Таълим жараёнининг моҳияти.

Мустақил ишлаш учун саволлар.

1. Дидактикани асосий тушунчаларини аниқланг.
2. “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ”нинг асосий йўналишларини таҳлил этинг.

Мақсад:

Тарбия жараёнининг умумий усуллари ва қоидалари, жамият тараққиётида ўрнини аниқлаш, талабаларда билм олиш, меҳнат қилиш куникмаларини шакллантириш, маънавий-инсоний сифатларини тарбиялаш.

Режа

1. Тарбия ўқитувчининг ўқувчи билан ўзаро амалий ва назарий мулоқоти жараёни сифатида.
2. Тарбия методларининг таснифлари

АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. –Т.: Ўзбекистон, 2002.
2. Ғайбуллаев Н.Р., Ёдгоров Р., Ждаркин Л.П., Тошмуродова Қ., Маматқулова Р. ва бошқалар. Педагогика. “Университет”, 1999.
3. Ғайбуллаев Н.Р. Ёдгоров Р., Ждаркин Л.П., Тошмуродова Қ.А., Маматқулова Р. ва бошқалар. Педагогика (Барча бакалавр йўналишлари учун). 2000.
4. Иноғомов Р., Тошмуродова Қ. Педагогика фани ХХІ асрда. Т. 2000. “Янги аср авлоди” нашриёти.
5. Каримов И.А. “Демократик ҳуқуқий давлат эркин иқтисодиёт талабларини тўлиқ жорий этиш, фуқаролик жамияти асосларини қуриш – фаровон ҳаётимиз гаровидир” 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги майруза. Т.: Ўзбекистон, 2007й.

Тарбия ўқитувчининг ўқувчи билан ўзаро амалий ва назарий мулоқоти жараёни сифатида.

Тарбия – маънавий манбалар ва ҳозирги замон талаблари ва эҳтиёжларини назарда тутган ҳолда, ўқитувчининг ўқувчи билан аниқ бир мақсадга қаратилган ўзаро амалий ва назарий мулоқотидир.

Бирор бир мақсадга қаратилган тарбия жараёнининг моҳияти ва вазифалари тарбиячи томонидан режалаштирилади ва тартибга солинади:

а) талабанинг қайси хислатини шакллантириш ёки йўқотиш мақсадида режалаштирилади.

б) шу хислатларни тарбиялаш ёки йўқотиш учун хизмат қилувчи манбаларни излаб топилади.

в) белгиланган мақсад учун хизмат қиладиган назарий ва амалий манбаларни қайсисини ва қаерда ишлашни режалаштирилади.

Бундай режага солиниб олиб борилган тарбия моҳиятини таълим-тарбия тизими, жамият ва инсонларнинг интеллектуал ва жисмоний фаолияти ташкил қилади.

Тарбия жараёнининг жамият тараққиётидаги роли ниҳоятда беқиёсдир. Инсонни тарбиялаш, уни билим олишга, меҳнат қилишга ундаш ва бу хатти-ҳаракатини секин-аста кўникмага айлантириб бориш лозим. Инсоннинг мушоҳада қилиш қобилиятини тарбиялайди ва мушоҳада қилиш ақли пешлайди. Ақл онгни сақлайди. Онг эса моддий ва маънавий манбага айланади. Шу тарзда инсон аста-секин такомиллашиб, комилликка эришиб боради. Аммо бунинг учун тарбиячи ва тарбияланувчидан узоқ давом этадиган масъулият, шарафли меҳнат ва қунт, иродани талаб этади. Бунинг учун болаларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиш зарур. Маънавий, инсоний сифатларнинг шаклланишида

оиладаги, атрофдаги, жамиятдаги муҳит ва болаларга бўлган муносабат муҳим роль ўйнайди. Ота-оналаримиз ва атрофдагиларнинг бир-бирларига бўлган муносабатларини кўрган бола шунга қараб шакллана боради. Улар аввал катталарга таклид қиладилар. Сўнг секин-аста қилаётган ишларининг моҳиятини англайдилар. Болаларни тўғри тарбиялашда ота-онанинг онги, маънавияти, билими, тарбияланганлиги муҳим аҳамиятга эга.

Тарбия методларининг таснифлари

Аниқ бир мақсадга қаратилган тарбиянинг самарадорлиги тарбиячининг қандай методдан фойдаланишига боғлиқ.

Метод – юнонча атама бўлиб – айнан нимагадир йўл, усул орқали мақсадга эришиш йўлини билдиради. Метод, яъни усул ахборотни узатиш ва қабул қилиш характериغا қараб:

1. Сўз орқали ифодалаш усули.
2. Кўргазмалилик усули.
3. Амалий, намуна усули.
4. Рағбатлантириш ва жазо усули.

Юқоридаги методлар (усуллар) ўз навбатида қуйидаги гуруҳчаларга бўлинади:

Биринчи гуруҳ - сўз орқали узатиш, маслаҳат бериш, маълумотларни эшитиш орқали қабул қилиш, ҳикоя, маъруза, суҳбат ва бошқа усулларга;

Иккинчи гуруҳ - кинофильмлар, тасвирий санъат, бадиий санъат ва бошқа кўриш орқали тарбиялаш усулларига;

Учинчи гуруҳ - тарбия маълумотларини амалий меҳнат ҳаракатлари орқали бериш. ўртак кўрсатиш, бошқаларни амалий меҳнатини мисол қилиб кўрсатиш;

Тўртинчи гуруҳ - ўқувчи-талабаларнинг яхши бажарган ишларини, ўртоқлари олдида ёки ота-оналар мажлисида маъқуллаш, миннатдорчилик билдириш, иқтисодий ёрдам, стипендияларини ошириш, мақтов ёрликлари топшириш. Суратларини ҳурмат тахтчасига ёпиштириш ва бошқа оғзаки, "раҳмат", "баракалла" каби рағбатлантириш усулларини киритиш мумкин.

Тарбиячининг рағбатлантириш усули иккига бўлинади:

1. Сиз буюрган ишга бурч ва масъулият билан ёндашганлигини рағбатлантириш.
2. Сиз буюрган ишга қизиқишини ва уни удалай олганлигини рағбатлантириш.

Масалан: Бугун ишдан кеч қайтишингизни айтиб, фарзандингизга иш буюрдингиз. Фарзандингиз сиз буюрган ишни бажариб қўйди. У сиз буюрган ишга бурч ва масъулият билан ёндошди. Сиз фарзандингиздаги бу ижобий ўзгаришга бефарқ бўлмай, қолган фарзандларингизга бўлган меҳрингизни суистеъмол қилмаган ҳолда, уни суйиб, елкаларига қоқиб, ёки пешонасидан ўпиб қўйингки, бу ҳаракатингиз қолган фарзандларингизни ҳам тарбияласин. Уларни мустақил юмуш қилишга ундасин. Бу ҳолатдан кейин фарзандларингиз ўзини сизга ниҳоятда кераклигини сезади. Оилага ёрдами текканлигидан мамнун. ўзида йўқ хурсанд, ўзини катта бўлиб бораётганлигини ҳис этиб боради. Сиз эса ана шу беғубор, меҳрли рағбатлантиришингиз орқали унда меҳнатга қизиқиш ва уни удалай олиш қобилиятига ишонч ҳосил қилдингиз.

Жазо – бу боланинг нотўғри қилган ишига ўзини иқдор қилдириш.

Агар бола сиз огоҳлантирмасингиздан ёки тушунтирмасингиздан олдин ўз хатосини тушунган бўлса-ю, сизга қилган хатосини айтолмай изза чекиб турган бўлса, уни жазолашга зарурат йўқ. Энди бу хатони қайтармайман, деган маънода сизга қараяпти. Сиз унга яна бир марта имконият беринг. Аммо кейинги гал ҳам хато қилса ва уни тан олмаса, ундай ҳолларда қуйидаги жазо турлари қўлланилади.

1. **Тушунтириш.**
2. **Танбех бериш.**
3. **Огоҳлантириш.**
4. **Қаттиқ огоҳлантириш.**

5. Уялтириш.

Юқоридаги жазо турларини ўқитувчи ўқувчига юзма-юз ҳеч кимнинг гувоҳисиз қўллайди. Аммо группадан ўртоқлари ёки синфдошлари олдида изза қилай деб болани уялтирса, ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин.

Уят – бу инсоннинг энг нозик сезгиси бўлиб, ўқувчини ўртоқлари ёки коллектив орасида изза қилиш (уялтириш) энг юқори жазо ҳисобланади.

Ўқувчини жамоа орасида изза қилишни энг охириги чорасиз қолганда қўллаш мумкин. Энг маъқули ўқувчи билан юзма-юз меҳрли оҳангда, унга ишонч билдириб, қалтис йўлдан қайтариш мумкин.

Тарбия – ҳар бир инсоннинг ҳаётда яшаши жараёнида ортирган сабоқлари ва интеллектуал салоҳиятларининг ижобий кўникмасини ўзгаларга бериш жараёни.

Тарбияланганлик – миллий урф-одатимиз мезонига кирмаган, ўзгаларнинг нафратини кўзгатадиган хатти-ҳаракатлардан ўзини тия билиш.

Боланинг характерини, оиладаги тарбиясини, унинг ор-номусини, шарм-ҳаёси каби нозик туйғуларининг тарбияланганлик даражасини билмай туриб, бирданига жамоа орасида уялтириш, яхши ўйлаб кўрмаслик, ёки жаҳл устида тинимсиз (тан жароҳати етказиш) қалтаклаш мумкин эмас. Сизнинг танлаган жазо усулингиз ўқувчини ёки фарзандингизни қилган хатосини тушунишга, бошқа қилмаслигига тарбиявий сабоқ бўлиши керак. Жазо адолат мезонига таяниб қўлланилмоғи лозим. Зеро, бу қўллаган жазо усулингиз ўқувчининг шаънига, ғурурига ва уни рухий азоб-уқубатларга солмаслиги назарда тутилиши керак. Агар бу жазо усуллари ўзининг самарасини бермаса, у ҳолатда эҳтиёткорлик билан мактаб маъмурияти ва жамоа ҳамкорлигида бошқа чораларни ишлаб чиқиш керак.

Бугунги кунда Педагогика фани ҳам, амалиёти ҳам такомиллашиб бормоқда. Шунингдек, тарбия жараёни ҳам замон талабига монанд такомиллашиб боради.

Тарих инсон кўзини очар экан. Уни ўрганиш кўп хатоларнинг олдини олади. Чунки инсоният тарихида даврлар, жараёнлар чархпалак каби айланиб, қайтарилиб туради. Фақат бу хатолар янги тарихий босқичда, янгиша шаклда рўй беради. Бизнинг тарихимизда ҳам ўсиш, юксалиш ва таназзул томонлари бўлган. Халқимиз бошидан кўп воқеаларни ўтказган. Зафарни ҳам, мағлубиятни ҳам, парокандаликни ҳам кўрган. Буюк Амир Темур ҳукмронлик қилган давр ва ундан кейин кечган жараёнлар ёрқин мисол бўла олади.

Буюк аждодимиз юксак тараққий топган давлат барпо экани ва бу мамлакатда “Куч-адолатдадир” деган бош шиор давлат сиёсатининг, жамиятнинг асоси бўлганини яхши биламиз. Буғоя одамларга куч берган, уларда инсоф-диёнатга, эзгуликка ишонч уйғотган. Чунки жамиятда адолат барқарор бўлса, миллат, халқ ҳеч қачон йўлдан адашмайди, эртами – кечми фаровон турмушга эришади.

Менинг раҳбарлик лавозимимда меҳнат қилган тажрибамдан чиқадиган энг муҳим ҳаётий ҳулосам шуки, адолат биз қураётган жамиятнинг мезони бўлмоғи даркор.

Нафақат мамлакатимиз миқёсида, ўйлайманки, ҳар қандай жамоа, маҳалла, борингики оила мисолида ҳам омадимиз, файз-баракамизнинг гарови шarti бўлмиш тинчлик ва тотувлигимизни сақламоқчи бўлсак, бунинг ягона замани – адолат ва инсофни энг устувор мақсадимиз ва сиёсатимизга айлантarmoғимиз керак. Фақат шу асосдагина, фуқаролар розилиги, миллатлараро тотувлик юртимизда қарор топган осойишталикни асраш мумкин”, - деб жавоб берди юртбошимиз.

Президентимизнинг бу ўринли сабоқлари тарбиячи педагоглар учун йўлланмадир.

Адолат ўзи нима? У қандай тушунча? Нима учун Президентимиз адолат биз қураётган жамиятимизнинг мезони бўлиши керак дедилар? Бу тушунчани педагогика соҳасида қандай талқин этиш мумкин?

Адолат – ҳаётий масалаларни ахлоқий ва ҳуқуқий нормаларига риоя этган ҳолда ҳал этишдир.

Адолат тушунчаси билан боғлиқ жиҳатлар жуда кенг қамровли бўлиб, адолатли инсон, адолатли жамият каби тушунчалар шундай жиҳатлар жумласига киради. Адолатпарварлик тушунчаси эса адолат тамойилига амал қилган ҳолда иш олиб бориш, йўл тутиш, фаолият юритиш демакдир. Бу тушунчанинг моҳиятини оилада фарзанд тарбияси жараёнида учрайдиган қуйидаги ҳаётий масалаларнинг ечими асносида қарайлик.

Фарзандлар, талабалар, қолаверса, одамлар орасида адолатпарварлик хислатларини камол топтиришда ўрнатилган кўрсатиш, тушунтириш ва уқтириш, рағбатлантириш, огоҳлантириш, танбеҳ бериш, уялтириш (изза қилиш), суҳбат, мунозара ва баҳс каби усуллардан фойдаланиш мумкин.

Метод (лотинча-metodos-йўл сўзидан) тадқиқот йўли, назария, таълимот деб таржима қилинади. Илмий тушунча сифатида “метод” сўзи кенг маънода муайян мақсадга эришиш йўлини, тор маънода - табиат ва ижтимоий ҳаёт ҳодисалари ва қонуниятларини билиш мақсадида қандайдир вазифани ҳал этиш усулини билдиради.

Педагогика фанининг методологик асоси ва амал қиладиган негизи Ўзбекистон Республикасининг “Таълим ҳақида”ги қонуни, ”Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”, И.А. Каримовнинг асарлари, Олий Мажлис материалларидир.

Объектив дунёни билиш, назарияда нимани ўрганиш ва ўргатиш керак, кимни ва қандай тарбиялаш лозим деган масалалар мавжуд бўлиб, улар ўзаро узвий боғлиқдир.

Педагогика фани ўз мазмун моҳиятини бойитишда, янгилашда мавжуд педагогик ҳодиса ва жараёнларни унинг мақсади ва вазифаларига мувофиқ келадиган усуллари билан ўрганади. Ушбу илмнинг илмий тадқиқот усуллари деганда ёш авлодни тарбиялаш, билимли қилиш ва ўқитишнинг реал жараёнларига хос бўлган ички алоқа ва муносабатларни текшириш, билиш йўллари, услублари ва воситалари мажмуи тушунилади. Педагогика фанининг илмий тадқиқот усуллари қанчалик тўғри танланса, таълим-тарбия мазмунини янгилаш ва такомиллаштириш шу даражада юксалади: Аммо шуни таъкидламоқ лозимки, илмий тадқиқот методлари тизими ҳали ҳозиргача фанда тўла яратилган, ҳал этилган эмас. Мавжуд ва ишлаб чиқилган қуйидаги илмий-тадқиқот усулларига таяниб фикр юритиш мумкин.

1. Педагогик кузатиш усули.
2. Суҳбат усули.
3. Болалар ижодини ўрганиш усули.
4. Сўровнома, тест усули.
5. Мактаб ҳужжатларини таҳлил қилиш усули.
6. Эксперимент, тажриба, синов усули.
7. Статистика маълумотларни таҳлил қилиш усули.
8. Математика-кибернетика усули.

Педагогик кузатиш – одатда табиий кузатиш орқали ўқувчиларнинг фанларни ўзлаштиришлари, уларнинг хулқ-атвори ва муомалаларидаги ўзгаришларни ҳисобга олиш ва тегишли таълимий-тарбиявий таъсир кўрсатиш йўллари белгилаш учун қўлланилади. Бу метод тадқиқотчининг педагогик тажрибанинг муайян бир томони ва ҳодисаларини бирор мақсадни кўзда тутиб идрок этиш ташкил этади. Бунда кузатишлар тезлиги ва сони, кузатиш объекти, вақти, педагогик вазиятларни кузатиш учун ажратилдиган характеристика ва ҳоказолар ҳисобга олинади.

Қайд қилиш усулига қараб кузатиш турларга бўлинади. Бевосита ва билвосита қайд қилиш усули тадқиқотчига реал педагогик жараён кузатувчиларнинг хатти-ҳаракатлари ва ҳоказоларни ёзиб қўйиш имконини беради. Бевосита қайд қилиш усули бирор-бир ҳодисанинг оқибатлари ҳақидаги фактик материални бошқа шахслар орқали ёки қандайдир асбобни қўллаш воситасида олишга имкон беради. Илмий-техника тараққиёти асрида кузатишнинг визуал усуллари хилма-хил техника воситалари (кинофотосъёмка, видеозапись, телевидение ва ҳ.з.)ни қўллаш билан тобора кўп қўлланилмоқда.

Суҳбат методи – сўрашнинг бир тури бўлгани ҳолда, тадқиқотчининг жиддий тайёргарлик кўришини талаб этади, чунки у текшираётган шахс билан бевосита алоқада бўлиш вақтида оғзаки суҳбат тарзида, суҳбатдошининг жавобларини ёзмасдан эркин муомала формасида қўлланилади.

Суҳбат методида – мактаб ўқитувчилари ва ўқувчилар жамоаси билан ота-оналар ва кенг жамоатчилик билан, якка ва гуруҳли тартибда иш олиб борилганда қўлланилади. Суҳбат методидан фарқ қилиб, интервью олиш методи саволларни олдиндан белгиланган изчилликда интервью йўли билан баён қилишни назарда тутади. Бунда жавоблар магнит тасмасига ёки кассеталарга ёзиб олинади. ҳозирги кунда оммавий сўраш назарияси ва практикасида интервью ташкил этишнинг кўп усуллари мавжуд:

- гуруҳлар билан;
- интенсив;
- синаш ва ҳ.к.

Болалар ижодини ўрганиш – ўқувчиларнинг ўзига хос индивидуал тартибдаги фаолиятларига доир омиллар таҳлил қилинади, хулосалар ясалади.

Педагогик сўраш методи – тадқиқотчининг бошқа кишилардан педагогик тажрибанинг бирор томони ёки ходисалари ҳақида ахборот олиш жараёни бу методнинг асосини ташкил қилади. Сўраш саволларнинг мантикий ўйланган системасини, уларнинг аниқ ифодаланишини, нисбатан камчилиги (3-5 та) назарда тутилади. Шунингдек, қатъий формадаги жавобни (“ҳа”, “йўқ”) ҳам тақозо этиши мумкин.

Тест, сўровномалар - бу сўровнома, яъни анкета усули қўлланганда яратилган илмий фаразнинг янгилигини билиш, аниқлаш, ўқувчиларнинг якка ёки гуруҳли фикрларини, қарашларини, қандай касбларга қизиқишларини, келажак орзу-истакларини билиш ва тегишли хулосалар чиқариш, тавсиялар бериш мақсадида ўтказилади. Тест саволларидан кўзланган мақсад оз вақт ичида ўқувчиларнинг билимларини ёппасига баҳолашдир.

Мутахассисларнинг билимини ва савиясини аниқлаш услубларидан бири – бу тест ёрдамидаги синовдир.

Тест саволлари ва масалаларининг жозибадорлигига сабаб, унинг қисқа ва лўндалиги, тўғри жавобни умумий жавоблар ичида борлиги ва уларнинг ўқувчиларга кўрсатма бўлиб хизмат қилиши, унинг топишмоқли ўйинга ўхшашлиги ва жавобни топишда хотира, интуиция ва топқирликлар қўл келади. Тест саволларини чоп этиш ўқувчиларнинг мустақил ишлашини янада фаоллаштиради.

Тест синовини олий ва ўрта махсус ўқув юртларига кириш имтиҳонларида қўллаш қуйидаги қатор натижалар берди.

Имтиҳон олувчи билан имтиҳон топширувчи орасидаги субъектив сабаблар ва психологик тўсиқлар йўқолади. Барча абитуриентларга бериладиган имтиҳон шароитлари вақти вариантларнинг мураккаблик даражаси, баҳолаш критерийлари деярли бир хил бўлишига эришилади.

Тест натижаларини компьютер ёрдамида автоматлаштирилган ҳолда ишлаб чиқиш амалга оширилди, ўқувчиларнинг қайси фандан ва унинг қайси бўлимидан билимларининг паст ёки юқорилигини баҳолаш ва унинг республикамиз регионлари, хатто айрим мактаб-лицейлар бўйича таҳлил қилиш имконияти яратилди.

Иқтидорли ёшларни танлаш, олимпиадалар ўтказиш жараёнларини сезиларли даражада яхшилашга олиб келди.

Олий ўқув юртига кирувчилар учун тест синови атиги 3 та фандан бўлиб, албатта бу етарли эмас. Улар бир неча фандан ва бир неча босқичдан иборат бўлиши керак. Олий ва ўрта махсус ўқув юртларига кирувчи ёшларнинг нутқи, тил бўйича саводчилигини назорат қилувчи ёшларнинг фақат тестларни механик равишда ёдлаш ва тилга, бошқа фанларга эътиборсизлигига барҳам берилиши мумкин.

Тест синовлар методи - бу ёзма жавобларнинг оммавий равишда йиғиб олиш методидир. Тест синовларини (анкеталарини) ишлаб чиқиш мураккаб илмий жараён. Пировард натижада тадқиқот натижаларининг ишончилиги анкеталар мазмунига, берилаётган саволлар шаклига, тўлдирилган анкеталар сонига боғлиқ бўлади. Одатда тест

саволларининг маълумотларини компьютерда математик статистика методлари билан ишлашга имкон берадиган қилиб тузилади.

Мактаб ҳужжатларини таҳлил қилиш усули - бунда ўқувчиларнинг умумий миқдори, унинг ўсиши ёки камайиш сабаблари тавсифи, ўқувчиларнинг фанлар бўйича ўзлаштириш даражасига, синфдан қолишнинг олдини олиш, рағбатлантириш ва жазолаш чоралари турларига, мактабнинг моддий базасига эътибор берилади.

Эксперимент-тажриба-синов усули - ушбу тажриба асосан таълим-тарбия жараёнига алоқадор илмий фараз ёки амалий ишларнинг тадбиқи жараёнларини текшириш, аниқлаш мақсадида ўтказилади.

Статистика маълумотларини таҳлил қилиш усули - халқ таълими соҳасидаги, жумладан, ажратилган маблағларнинг доимий ўсиб бориши, дарслик ва ўқув қўлланмалари, кўргазмали куруллар, ўқитувчи кадрлар тайёрлаш, мактаб қурилиши, хўжалик шартномалари ва улардан тушаётган маблағлар статистика усули орқали аниқланади.

Математика ва кибернетика усуллари - ўқитиш назарияси, амалиётида ҳисоблаш математикаси ва кибернетикаси машиналари ёрдамида бир тилдан иккинчи тилга таржима, дастурли таълим ва уни машина орқали бошқариш, ўқитишни мустаҳкамлаш, баҳолаш орқали таълим-тарбия самарадорлигини ошириш дифференциал ва индивидуал таълим бериш, мактаб ҳисоботини машиналар ёрдамида тузиш каби жараёнлардир.

Таянч тушунчалар: тарбия, усул, қоида, жамият тараққиёти, тарбия методлари, педагогик кузатиш.

Мавзунини мустаҳкамлаш учун учун саволлар:

1. Тарбия жараёнида ўқитувчининг ўқувчи билан ўзаро амалий ва назарий мулоқоти.
2. Тарбия методларининг таснифлари.
3. Метод тушунчасининг таърифланиши.
4. Методларнинг характерига кўра турлари
5. Тарбиячининг рағбатлантириш усуллари
6. Тарбияда жазолаш методлари.
7. Тарбияланганлик тушунчасининг моҳияти.

Мустақил ишлаш учун топшириқлар:

1. Метод тушунчаси ва унинг турларини аниқланг
2. Тарбияланганлик тушунчаси ва унинг асосий моҳиятини таҳлил этинг.

Мақсад:

Ўзбекистонда таълим-тарбия соҳасини ислоҳ қилишнинг асосий масалаларини аниқлаш. Педагогик технологияларининг асосий моҳияти ҳақида талабаларга тушунча бериш орқали уларнинг дунёқарашини кенгайтириш.

Режа

1. Ўзбекистоннинг Кадрлар тайёрлаш миллий модели
2. Технология ва педагогик технология тушунчаларининг талқини ва ўзаро қиёси
3. Педагогик технологиялар моҳияти

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. - Т.:1997, 20-29 б. 31-62 б.
2. Беспалько В.П.Слагаемое педагогической технологии. М.: Педагогика. 1989. 190 с.
3. Толипов.Ў.Қ, Баракаев. М, Шарипов. Ш.С. Касбий педагогика. - Т., 2001.
4. Ў.Қ.Толипов. Педагогик технология тараққиёти ва таълим назарияси муаммолари. Т., «Маърифат» газетаси, 31.03.99 й.
5. Ў.Қ.Толипов. Ўқитувчилар тайёрлашда янги педагогик технологиялар. Т., «Халқ таълими», 2000 й. №2.
6. Ў.Қ.Толипов. Шахс ва касб, ёхуд шахсни тарбиялашда касбга йўналтиришнинг ўрни. Т., «Маърифат» газетаси. 2001.
7. «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий ва маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. («Халқ сўзи» газетаси 2006 йил 26 август).
8. Каримов И.А. Демократик ҳуқуқий давлат, эркин иқтисодиёт талабларини тўлиқ жорий этиш, фуқаролик жамияти асосларини қуриш – фаровон ҳаётимиз гаровидир. – Т.: Ўзбекистон, 2007
9. Каримов И.А. “Демократик ҳуқуқий давлат эркин иқтисодиёт талабларини тўлиқ жорий этиш, фуқаролик жамияти асосларини қуриш – фаровон ҳаётимиз гаровидир” 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маъруза. Т.: Ўзбекистон, 2007 й.

Ўзбекистоннинг Кадрлар тайёрлаш миллий модели

Ўзбекистонда таълим-тарбия соҳасини ислоҳ қилишнинг асосий омилларидан бири "шахс манфаати ва таълим устуворлиги"дир. Бу омил давлатимизнинг ижтимоий сиёсатини белгилаб берганлиги туфайли таълимнинг янги модели яратилди.

Унинг асосий ташаббускори ва раҳнамоси бўлган мамлакатимиз Президенти И.Каримов томонидан мазкур моделни педагогик жараёнда амалга ошириш билан боғлиқ бўлган, ҳаётимиз жабҳаларида рўй берадиган "портлаш эффекти" натижалари рўй-рост кўрсатиб берилди, яъни у:

- ижтимоий-сиёсий иқлимга ижобий таъсир қилади ва натижада мамлакатимиздаги мавжуд муҳит бутунлай ўзгаради;
- инсоннинг ҳаётдан ўз ўрнини топиш жараёни тезлашади;
- жамиятда мустақил фикрловчи эркин Шахснинг шаклланишига олиб келади;
- жамиятимизнинг ижобий потенциал кучларини рўёбга чиқаришда жуда катта аҳамият касб этади;

- фуқаролик, эркин, демократик жамияти қурилишини таъминлайди, мазкур модел воситасида дунёдан муносиб ўрин олишга, ўзбек номини янада кенг ёйиб тараннум этишга эришилади.

"Портлаш эффекти" сари шижоат билан қадам ташлаш, йўлларда учрайдиган "тўсиқ"ларни босқичма-босқич ва изчил ҳал этиш масалалари нафақат педагог назариётчи ва амалиётчиларни жунбушга келтиради, балки жамиятимизни тўлиқ педагоглаштириш муаммосини ижтимоий буюртма сифатида келтириб чиқаради. Демак, жамиятимизнинг ҳар бир фуқаросини тарбияшунослик асослари билан таништириш, ёш авлодни баркамол инсон қилиб вояга етказиш жараёнини янги педагогик "қурол" ва воситалар билан таъминлашни давр тақозо этади.

Технология ва педагогик технология тушунчаларининг талқини ва ўзаро қиёси

Педагогик технология - шундай билимлар соҳасики, улар воситасида учинчи минг йилликда давлатнинг таълим соҳасидаги сиёсатида туб бурилиш юз беради, ўқитувчи фаолияти янгиланади, талаба ёшларда хурфикрлик, билимга чанқоқлик, Ватанга меҳр-муҳаббат, исонпарварлик туйғулари тизими шакллантирилади.

Маълумотлилик асосида ётувчи бошғоя ҳам табиат ва инсон узвийлигини англаб етадиган авторитар ва сохта тафаккур юритиш усулидан воз кечган, сабр-бардошли, қаноатли, ўзгалар фикрини ҳурматлайдиган, миллий-маданий ва умуминсоний қадриятлар каби шахсий сифатларни шакллантиришни кўзда тутган исонпарварлик ҳисобланади. Бу масаланинг ечими қайсидир даражада таълимни технологиялаштириш билан боғлиқдир.

Дастлаб "технология" тушунчасига аниқлик киритайлик. Бу сўз техникавий тараққиёт билан боғлиқ ҳолда фанга 1872 йилда кириб келди ва юнонча икки сўздан - "технос" (techne) - санъат, маҳорат, ҳунар ва "логос" (logos) - фан сўзларидан ташкил топиб "ҳунар фани" маъносини англатади. Бироқ, бу ифода ҳам, замонавий технологик жараёни тўлиқ тавсифлаб беролмайди. Технологик жараён, ҳар доим зарурий воситалар ва шароитлардан фойдаланган ҳолда, операцияларнинг муайян кетма-кетликда бажарилишни кўзда туттади. Аниқроқ айтадиган бўлсак, технологик жараён - бу меҳнат қуроллари билан меҳнат объектлари (ҳом ашё)га босқичма-босқич таъсир этиш натижасида маҳсулот яратиш борасидаги ишчи (ишчи машина)нинг фаолиятидир. Ана шу таърифни тадқиқот мавзусига ўчирадиган бўлсак, яъни: Педагогик технология - бу ўқитувчи (тарбиячи)нинг таълим-тарбия воситалари ёрдамида ўқувчи (талаба)ларга муайян шароитда таъсир кўрсатиши ва бу фаолият маҳсули сифатида уларда олдиндан белгиланган шахсий сифатларни шакллантириш жараёнидир.

Уқорида келтирилган таърифдан кўриниб турибдики, педагогик технология тушунчасини изохлашда технология жараёни асос қилиб олинди. Аслини олганда ҳам, бу тушунчага берилган таърифлар педагогик адабиётларда ниҳоятда кўпдир. Педагогик адабиётларда "технология" атамасининг хилма-хил кўринишларини учратиш мумкин: "ўқитиш технологияси", "таълимли технология", "маълумот технологияси", "ўқув жараёни технологияси" ва ҳоказо. ўқитиш технологияси педагогик технологияга яқин тушунча бўлса-да, айнан ўхшаш маънони англатмайди, чунки у маълум предмет, мавзу ва саволлар доирасидаги аниқ ўқув материални ўзлаштириш йўлини муайян технология атрофида ифода этади. У кўпроқ хусусий методика билан бир қаторда туради.

Педагогик технология эса маълумот технологиясини жорий этиш тактикасини ифодалайди ва "ўқитувчи - педагогик жараён ўқувчи (талаба)" функционал тизим қонуниятларига тегишли билимлар асосида қурилади.

Хозирги кунда ўқитувчилар методикани кўп ҳолларда технологиядан ажрата олмаяптилар. Шу боисдан бу тушунчаларга аниқлик киритиш керак бўлади. Методика ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар мажмуасидан иборат. Педагогик технология эса ўқитувчининг касбий фаолиятини янгилловчи ва таълимда яқуний натижани кафолатлайдиган тадбирлар мажмуаси, йиғиндиси.

Шу билан биргаликда, қатор йиллар давомида педагогик технология олимлар орасида ўқув жараёнини техник воситалар ёрдамида амалга ошириш сифатида қараб келинди. Фақат 70-йилларга келиб педагогик адабиётларда бу тушунчанинг моҳияти янги талқин этила бошланди. Япон олими Т.Сакамото томонидан "ўқитиш технологияси - бу ўқитишнинг мақбуллигини таъминловчи йўл йўриқлар тизими билан боғлиқ билимлар соҳаси" эканлиги эътироф этилади (Takashi Sakamoto.- Telewizja i kształcenie prasu-jacuch).

Объектив борлиқни ўрганишга системали ёндошув методи фанда кенг кўламда қўлланилгач, унинг таъсири остида аста-секинлик билан педагогик технология моҳиятига ҳам аниқлик киритила борди: таниқли педагог олима Н.Ф.Тализина технологияни "белгиланган ўқув мақсадига эришишнинг оқилона усуллари аниқлашдан иборат"¹ деб тушунтиради.

И.Я.Лернернинг фикрича педагогик технология - "ўқувчилар ҳаракатларида акс этган ўқитиш натижалари орқали ишончли, англаб олинадиган ва аниқланадиган мақсадни ифодалашни тақозо этади"².

Юқорида келтирилган таърифлардан кўришиб турибдики, педагогик технология белгилаб олинган бошланғич мақсад ва мазмун асосида ўқув жараёнини лойиҳалаш сифатида талқин этиляпти. Бу бир жиҳатдан тўғри, лекин теранроқ фикр юритилса, унинг бир ёқламалиги яққол кўзга ташланади чунки бундай ёндошувларда ўқувчи шахси инкор этиляпти. Бу камчиликни биринчи бўлиб академик В.П.Беспалько пайқади ва ўзининг йирик асарида "педагогик технология - бу ўқитувчи маҳоратига боғлиқ бўлмаган ҳолда педагогик муваффақиятни қафолатлай оладиган ўқувчи шахсини шакллантириш жараёнининг лойиҳасидир" деб таърифлади³.

Педагогик технология тушунчасини ойдинлаштиришга қаратилган таърифларнинг хилма-хиллиги, бир томондан, ривожланган мамлакатларда бу мавзунинг у ёки бу даражада ечилаётганлигини кўрсатса, иккинчи томондан педагогик технологияни педагогик амалиётга жорий этишга бўлган уринишларнинг маълум натижасини ифодалайди.

Узоқ йиллар давомида педагогик технология назарияси ва амалиёти бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда ўрганиб келинди. Натижада, ўқитиш жараёнини такомиллаштиришга ёки ўқувчиларнинг билиш фаолиятини ривожлантиришга қаратилган у ёки бу илғор методикалар технология даражасига кўтарила олмай, аста-секинлик билан ўз мавқеини йўқотиб педагогика фанидан узоқлаша бошлаган эди. Масалан, асримизнинг 60-йилларида катта шовқинга сабаб бўлган "Дастурлаштирилган таълим" (программированное обучение) ёки 70-йилларда собиқ иттифоқ миқёсидаги "Шаталовчилик ҳаракат"ини эслашнинг ўзи кифоядир.

Бугунги кунда мамлакатимизда мутахассисларнинг илмий салоҳиятини бирлаштиришга имкониятлар етарли. Назария ва амалиёт бирлигини таъминланиши педагогик технологиянинг асл моҳиятини аниқлашга йўл очади. Фикримизча, янги педагогик технология педагогика фанининг алоҳида тармоғи сифатида ёки фақат таълим амалиётини мақбуллаштиришга йўналтирилган тизим, деб қараш мумкин эмас. Педагогик технология бу соҳадаги назарий ва амалий изланишларни бирлаштириш доирасидаги фаолиятни акс эттиради.

Педагогик технологиялар моҳияти

Педагогик технологиялар, улар элементларининг ҳозирги замон таълим амалиёти жараёнида қўлланилиши ва шаклланаётганлиги ҳақида хорижий назарийчи педагоглар қаторида К.Зарипов, Н.Сайидахмедов, У.Нишоналиев, Парпиев, Х.Абдукаримов каби мамлакатимизнинг таниқли олимлари ҳам бир қатор илмий мақолалар эълон қилдилар.

¹ Талызина Н.Ф. Управление процессом усвоения знаний. М., 1975.

² Лернер И.Я. Внимание технологии обучения // Сов. педагогика. 1990, №3. С 139.

³ Беспалько В.П. Слагаемые педагогической технологии. - М., Педагогика, 1989.

Дарвоқе, педагогик технологияга "янги" сўзини кўшиб ишлатилиши назариётчи олимлар ва ўқитувчиларни бир қадар ўйлантириб қўйди, улар эндиликда таълим-тарбия жараёнини лойиҳалаштиришга эскича ёндошиш мумкин эмаслигини англашга ҳаракат қилмоқдалар. Шундай экан, "янги педагогик технология" нимани англатади?

Биринчидан, педагогик технология таълим (тарбия) жараёни учун лойиҳаланади ва белгиланган мақсадни ечишга қаратилади.

Бинобарин, ҳар бир жамият шахсни шакллантириш мақсадини аниқ белгилаб беради ва шунга мос ҳолда маълум педагогик тизим (мактаб, лицей, коллеж, олий ўқув юрти) мавжуд бўлади. Бу тизимга узлуксиз равишда ижтимоий буюртма ўз таъсирини ўтказди ва таълим-тарбия мақсадини умумий ҳолда белгилаб беради.

"Мақсад" эса педагогик тизимнинг қолган элементларини ўз навбатида янгилаш заруратини келтириб чиқаради.

Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури таълим-тарбиянинг мақсадини янги йўналишга бурмоқда, унда: "ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитдан тўла халос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берадиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш" деб белгиланди. Демак, таълим-тарбиянинг мақсади бутунлай янгиланди, унга мос ҳолда мазмуннинг ҳам, педагогик жараённинг ҳам янгиланиши табиийдир.

Иккинчидан, фан ва техниканинг ривожланиши билан инсон фаолияти чегараси ниҳоятда кенгайиб боряпти, аудиторияга ўқитиш имкониятлари катта бўлган янги технологиялар (саноат, электрон, ахборот) кириб келмоқда. Рўй бераётган сифат ўзгаришлар шундан далолат берадики, эндиликда "ўрганиш"нинг бирламчи жараёнлари анъанавий методика ва ўқитиш воситалари қолипига сиғмай, ўқитувчининг индивидуал қобилиятларига мос келмай қолди. Янги методикаларни талаб этадиган ва таълим жараёнининг ажралмас компонентига айланиб бораётган ва унга ўзининг маълум хусусиятларини жорий этадиган янги техникавий, ахборотли, полиграфик, аудиовизуал воситалар мавжудки, улар янги педагогик технологияни реал воқеликка айлантормоқда.

Педагогик технология моҳият жиҳатдан бошқа технологиялар билан бир сафда туради, чунки улар ҳам бошқалари қатори ўз хусусий соҳасига, методлари ва воситаларига эга, маълум "материал" билан иш кўради. Бироқ педагогик технология инсон онги билан боғлиқ билимлар соҳаси сифатида мураккаб ва ҳаммага ҳам тушунарли бўлмаган педагогик жараённи ифодалаш билан ишлаб чиқариш, биологик, ҳатто ахборотли технологиялардан ажралиб туради. Унинг ўзига хос томонлари - тарбия компонентларини мужассамлаштирганлигидадир.

Педагогик технология бошқа соҳалардаги технологик тажрибалар билан узлуксиз бойиб боради ва анъанавий ўқув жараёнига, унинг самарасини оширишга таъсир кўрсатишнинг янги имкониятларини эгаллаб олади. Афсуски бу жараён ҳозирги таълим тизимида жуда қийин кечяпти, ҳақиқий компьютерлашган педагогик технология ўзининг илмий ишланмасини кутяпти: "компьютерларнинг шу кундаги қўлланилиши - экстенсивлик холос, анъанавий ўқув курслари шунчалик экран мониторида жойлаштириляпти".

Шу ерда педагогик технология ва ахборот технологияси ўртасидаги ўзаро муносабатни ойдинлаштириш лозим бўлади. Кейинги вақтларда баъзи бир олимлар (айниқса, информатика фани вакиллари) педагогик технологияни ахборотлаштиришга қўшиш ёки тенглаштириш (баъзан устун қўйиш)ни ёкламоқдалар. Бу уринишлар, агар хато бўлмаса, шубҳасиз, "подадан олдин чанг чиқариш" билан баробардир. Таълим-тарбия жараёнини технологиялаштириш тарихига назар соладиган бўлсак, бу жараён XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб объектив воқеликка айланди. Ахборотлаштириш эса, бу жараёндаги инқилобий "бурилиш"дир. Оддий тил билан айтганда таълимда ахборот технологияси - бу "ўқувчи-компьютер" ўртасидаги мулоқотдир.

Ахборотли технология педагогик технологиянинг таркибий қисми, техник воситаларнинг мукаммаллашган замонавий тури сифатида таълим жараёнида қўлланила

бошланди. Келажакда иқтисодий бухронлар ортда қолиб, ўқув юртлари дастурли "машина" билан етарли даражада таъминланади. Шундагина, ахборотли технология асосида, ўқувчи (талаба)ларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш имконияти туғилади ва у ўқитувчининг яқин кўмакдошига айланади ва унинг функцияларини қисман ўз зиммасига олади.

Таълимни технологиялаштириш объектив жараён эканлигини, замонавийлиги эса илмий-техник тараққиёт йўналиши билан белгиланишини эътироф этган ҳолда педагогик технологиянинг ўзига хос томонлари ва яқин келажакда у билан боғлиқ бўлган вазифалар, бизнингча, қуйидагилардан иборатдир:

1) кўп босқичли таълим тизимида педагогик технологияларнинг моҳиятини асослаш ва зарурий тавсияномалар ишлаб чиқиш;

2) замонавий саноат, тиббиёт, иқтисодиёт, экология каби соҳа технологиялари билан педагогик технологияларни мунтазам равишда янгилан бориш ва табақалаштирилган ёндошув асосида уларни қўллаш мезонларини аниқлаш;

3) истиқболли ўқитиш воситаларини яратиш ва уларга таянган ҳолда илғор педагогик технологияларни лойиҳалаштириш, педагогик амалиётга жорий этиш, оммалаштириш ва самарадорлик даражасини аниқлаш;

4) тегишли бошқарув органлари (таълим марказлари) томонидан ўқув муассасалари фаолиятида янги педагогик технологияларни тадбиқ этилиш даражасини назорат қилиш ва баҳолаш;

5) республикамиз узлуксиз таълим тизимида фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчиларни малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларида илғор педагогик ва ахборот технологиялари каби янги билимлар тизими билан қуроллантиришни мунтазам ташкил этиш;

6) олий ўқув юртлари талабалари, айниқса мутахассис-педагог (иқтисодчи-педагог, ҳуқуқшунос-педагог, муҳандис-педагог ва бошқа) лар учун 20 соат ҳажмида педагогик технология назарияси ва амалиёти бўйича махсус курс жорий этиш;

7) Республикамизда фаолият кўрсатаётган ижодкор ўқитувчилар иш тажрибаларини мунтазам ўрганиб таҳлил этиш, умумлаштириш ва улар томонидан яратилган методик ишланмалар, педагогик технология элементларини янги педагогик технология даражасига кўтариш борасидаги илмий-назарий, амалий ишларни рўёбга чиқариш лозим.

Таянч тушунчалар:

Янги педагогик технологиялар, кадрлар тайёрлаш миллий модели, техникавий тараққиёт, технологик жараён, лойиҳа.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Ўзбекистоннинг Кадрлар тайёрлаш миллий модели
2. Технология ва педагогик технология тушунчаларининг талқини ва ўзаро қиёси
3. Технология тушунчасининг педагогикага кириб келиш тарихи
4. Педагогик технологиялар моҳияти
5. "Портлаш эффекти" натижалари
6. Методика ва педагогик технология тушунчаларининг ўзаро фарқи
7. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида акс этирилган таълим-тарбиянинг мақсади.

Мустақил ишлаш учун топшириқлар:

1. Ўзбекистонда Кадрлар тайёрлаш миллий моделини таҳлил этинг.
2. Педагогик технологиялар моҳиятини аниқланг.

Мақсад:

Таълим-тарбия жараёнининг жамият тараққиётидаги ўрнини аниқлаш.
Талабаларга тарбия жараёнининг моҳияти ва ва вазифалари ҳақида тушунча бериш.

Режа.

1. Тарбия жараёнининг жамият тараққиётидато роли.
2. Тарбия методлари. Педагог ижодий фаолият эгаси.
3. Виждон ва уни тарбиялаш. Меҳнат тарбияси. Хуқуқий тарбия.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. –Т.: Ўзбекистон, 2002.
2. Ғайбуллаев Н., Ёдгоров Р., Маматкулова Р., Тошмуродова Қ. «Педагогика» маърузалар матни. Тошкент. 2000 йил.
3. www.newhorizons.org. Таълимнинг янги уфқлари.
4. www.thelearningweb.net. Таълим тармоғи.
5. И. А. Каримов. Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим. Халқ сўзи. 11 февраль 2006й.
6. Каримов И.А. Инсон унинг хуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. 14-т. Т.: Ўзбекистон, Нашриёт – Матбаа ижодий уйи. 2006
7. «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий ва маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. («Халқ сўзи» газетаси 2006 йил 26 август).
8. Каримов И.А. Демократик хуқуқий давлат, эркин иқтисодиёт талабларини тўлиқ жорий этиш, фуқаролик жамияти асосларини қуриш – фаровон ҳаётимиз гаровидир. – Т.: Ўзбекистон, 2007

Тарбия жараёнининг жамият тараққиётидаги роли.

Педагогика фани ўз мазмун моҳиятини бойитишда, янгилашда мавжуд педагогик ҳодиса ва жараёиларни унинг мақсади ва вазифаларига мувофиқ келадиган усуллари деганда ёш авлодни тарбиялаш, билимли қилиш ва ўқитишнинг реал жараёнларига хос бўлган ички алоқа ва муносабатларни текшириш, билиш йўллари, услублари ва воситалари мажмуи тушунилади. Педагогика фанининг илмий-тадқиқот усуллари қанчалик тўғри танланса, таълим-тарбия мазмунини янгилаш ва такомиллаштириш, мазмун моҳиятини юксалтириш шунчалик мазмунлироқ, ижобий натижаларга эришиши юксалади.

Тарбия - маънавий манбалар ва ҳозирги замон талаблари эҳтиёжлари назарда тутган ҳолда, ўқитувчининг ўқувчи билан бир мақсадга қаратилган ўзаро амалий ва назарий мулоқотидир. Бирор бир мақсадга қаратилган тарбия жараёни педагог томонида маълум бир мазмун ва моҳиятни ҳисобга олган ҳолда қатъий тартиб асосида режалаштирилади. Бу эса ҳар бир жамият билан боғлиқ инсон тарбияси эзгу ишларга йўналтирилган, маълум бир мазмунли ҳаёт, ватан туйғуси каби битмас-туганмас ижобий хислатлар уйғотилиши лозим.

Шу сабабли ҳам педагоглар зиммасида ўта масъулиятли вазифалар туради. Чунки, тарбиячи нотўғри ҳаракат қилиши ва хатоликларга йўл қўйиши мумкин эмас. Тарбия жараёнининг жамият тараққиётидаги роли ниҳоятда бекиёсдир. Инсонни тарбиялашда уни билим олишга, меҳнат қилишга ундаш ва бу ҳаракатларини аста-секин кўникмага айлантириб бориш лозим. Инсонни фикрлашга, ўз эътиқоди, ғурури, бурчини англашга, мушоҳада қилишга ўргатиш унга шу каби

характерга хос, ижобий хислатларни кўникмага айлантириш уни қобилиятини тарбиялайди, ақлини пешлайди. Ақл эса онгни шакллантиради. Онг эса моддий ва маънавий манбага айланади. Шу тарзда инсон аста-секин такомиллашиб, комилликка эришиб боради. Аммо бунинг учун тарбиячи ва тарбияланувчидан узоқ давом этадиган маъсулият, шарафли меҳнат талаб этилади.

ҳар қандай шароитда, ҳар бир муассасада тарбиячи тарбия жараёнини ташкил этар экан ўқувчиларни, тарбияланувчилар ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тарбия жараёнини ташкил этиши лозим. Чунки бугунги кундаги қўйилган тарбиявий кадам келажак учун ёруғ йўл, мустаҳкам қўйилган кадамдир. Шундай экан педагоглар бу йўлда кучлари, билим, тажрибаларини аямасликлари, берилаётган билим, кўникмани ҳар бири тарбиявий таъсирини оширишни кўзда тутмоқлик керак.

Чунки маънавий, инсоний сифатларнинг шаклланишида оиладаги, атрофдаги, жамиятдаги муҳит ва тарбияланувчиларга бўлган қай даражадаги муносабат муҳим рол ўйнайди. Ота-онаси ва атрофдагиларнинг бир-бирига бўлган муносабатини кўрган бола шунга қараб шакллана боради. Болаларни тўғри тарбиялашда ота-онанинг, тарбиячининг онги, маънавияти, билими, тўғри тарбияланганлиги муҳим аҳамиятга эга.

Тарбия методлари. Педагог ижодий фаолият эгаси.

Тарбиянинг самарадорлиги тарбиячининг қандай методдан фойдаланишига, уни қандай қўллаш билиши, муомала маданиятига эга бўлиши, ўз касбининг моҳир устаси эканлигига ҳам боғлиқ.

Тарбия жараёнида тарбиячи тажрибалари асосида муносиб ва муҳим аҳамият касб этган қабул қилиш ва қўллаш характерига қараб бир қатор усуллардан фойдаланади.

1. Сўз орқали ахборот-маълумотни ифодалаш усули.
2. Кўргазмалилик усули.
3. Амалий намуна усули.
4. Рағбатлантириш усули.

Тарбия жараёнида қўллаш мумкин бўлган ушбу усулларни тарбиячи тарбияланувчиларни ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда маълум меъёр асосида қўллаши лозим.

1. Сўз орқали узатиш, ҳикоя, маъруза, суҳбат, маслаҳат бериш.

2. Кинофильмлар, бадиий санъат асарларини намойиши, музей, ярмарка, амалий санъат саройларига олиб бориш.

3. Маълумотларни амалий меҳнат асосида бериш, ҳар бир тарбиячи ўзи алоҳида намуна бўлиши, ўртак кўрсатиши, йирик, атоқли инсонлар амалий меҳнатини, ижодий маҳсулини мисол қилиб кўрсатиш.

4. Ўқитувчилар, тарбияланувчиларининг яхши бажарган ишларини, олган ижобий кўрсаткич, баҳоларини ўртоқлари, ота-оналар, жамоатчилик олдида рағбатлантириш.

Рағбатлантириш усули ҳам турли хил кўринишларда бўлиб, иқтисодий ёрдам кўрсатиш, стипендияларини ошириш, мукофотлаш, раҳматнома эълон қилиш.

Тарбиячи ҳар бир кунги берилга вазифани, топшириқни натижасини бажарилган ёки бажарилмаганлигини вақтида текшириш, шароитга қараб ҳам баҳолаши ва жазолаши керак бўлади. Чунки ўқувчилар тарбиясидаги кўшган режим келгусидаги ижобий натижанинг маҳсулидир.

Тарбиячининг тарбияланувчилар фаолиятини текшириш, баҳолаш замирида ундаги адолат бош мезон бўлмоғи керак. ҳар бир берилган баҳо, берилган жазога адолат билан ёндошилса, жараён самарали бўлади. Чунки адолат билан бажарилган ишни маҳсули инсонларни бир-бирига бўлган ишончини, ҳурматини оширади.

Педагог тарбия жараёнини ташкил этар экан маълум бир тарзда чегараланган методлардан эмас, балки ўз фаолияти, тажрибалари асосида йиғилган ва ижобий натижалар касб этган бир қатор тарбиявий усуллардан ҳам фойдаланиши мумкин. Шу сабабли ҳам педагог том маънода айтадиган бўлсак, ижодкордир.

Педагоглар ўз фаолиятларининг маҳсули бўлган ўқувчиларни тарбиялар эканлар, ҳар бир тарбия соҳасидаги элементларга эътибор беришлари, уларга ижодий ёндошишлари, ҳаёлий фантазияларини, фикрлаш қобилиятларини, ҳар бир маданий, сиёсий, ижтимоий ҳодиса воқеаларга ўз фикрлари, қарашларини билдиришга ўргатишлари лозим. Санъат, спорт, маданият соҳасидаги қобилият, қизиқишлариини ҳисобга олиб уларга тўғри йўл кўрсатиши, машғулотлар - олиб боришлари лозим.

Виждон ва уни тарбиялаш. Меҳнат тарбияси. ҳуқуқий тарбия.

Ўқув фаолиятида фикр юритишнинг, тафаккур қилишнинг ўзаро мустаҳкам боғланган берк занжири вужудга келади.

ҳар бир шахс ўз ақл-идроқи, интеллектуал шаклланганлигига хос ва мос ҳолда муаммоларни ечади ва ҳаётга жорий этади. Инсон ҳаётга жорий этган муаммолар ечимининг савиясига қараб, кишилар орасида ўз ўрни ва мавқеини эгаллаб боради. Шу йўсинда шахснинг мустақил фикрлаш қобилияти сайқалланиб бораверади.

Педагог учун тарбия жараёнида асосан мустақил фикрлашда тарбиялаш билан бирга фикр тарбияси, виждон тарбияси, ҳуқуқий тарбия, меҳнат тарбияси биргаликда олиб борилади.

Виждон тарбияси жуда ёшлиқдан бошланмоғи лозим. Унинг оддий инсоний муносабатларда намоён бўлиши, инсонпарварликда, иқтисодда виждоний муносабатларнинг устуворлигига эришиш лозим.

Албатта ёшлар тарбиясида виждон тарбиясининг роли юксак бўлиши керак. Бунда кишининг ўз виждони олдида ҳисоб беришни, завқланиш, обрў, кадр-қимматининг виждон тарозуси билан қаралмоғини уқтирмак лозим.

Таълим-тарбия жараёнидаги виждоннинг муносабатлар ёшларни тарбиялашда муҳим жиҳат саналади. Баҳолаш жараёнидаги ноҳақликлар ҳар қандай ёшни ўйлантиради, виждон кийноғига олиб келади.

Виждон - инсон, қалб поклиги, онгли илму-амалий фаолликдан иборатдир. ҳар бир киши ўз-ўзига, касбига, давлатига, халқига, инсониятга, оламга виждоний муносабатда бўлиши керак.

Талабалар, ўқувчиларни тарбиялашда ҳуқуқий тарбия масалалари ҳам алоҳида ўринли бўлиб, ҳозирги кундаги долзарб масалалардаи бири бўлиб келмоқда. Чунки ёшлиқдан ўз ҳуқуқ ва бурчлари, ҳуқуқат томонидан чиқарилган ва ҳаётга тадбиқ этилаётган қонун-қоидалар ҳақида тасаввурга, билимга эга бўлиш, ёшларда ватанпарварлик, инсонийлик, ҳурмат, кадр-қиммат каби фазилатларни шаклланишида замин бўлиб хизмат қилади.

ҳуқуқий тарбия тизими уч таркибий қисмдан ташкил топади: давлат белгилаган қонун-қоидаларни ўқитиш; уларни жамият аъзолари ўртасида ташвиқот қилиш; ўқувчи ёшларни қонун-қоидалар ижросида бевосита иштирок этишга ўргатиш.

ҳуқуқий тарбиянинг мақсади. Ҳуқуқий тарбиянинг асосий мақсади шахсда миллий ҳуқуқий онгни шакллантириш, яъни ҳуқуқий нормаларга ҳурмат, уларга ихтиёрий, онгли равишда риоя қилишни тарбиялашдир. ҳуқуқий тарбия шахснинг болалик чоғидан етуклик давригача ўтказиладиган тарбий жараёни ўз ичига олади.

ҳуқуқий тарбиянинг вазифалари. ҳуқуқий тарбиянинг олдида қўйилган умумий вазифа - миллий тарбиянинг таркибий қисми бўлган шахс дунёқарашини шакллантиришдир. ҳуқуқий тарбиянинг юридик вазифаси шахсда муайян ҳолатларда зарур ҳуқуқий нормаларни қўллана олиш қобилиятини тарбиялашдир.

ҳуқуқий тарбиянинг муҳим вазифаларидан бири шахсда ҳуқуқ нормаларини ўрганишга эҳтиёж уйғотиш, яъни ўзи мустақил равишда ҳуқуқий тарбиялашга одатлантиришдир.

Тарбия-таълим бериш билан мустаҳкам алоқада бўлгани ҳолда ўзига хос қонуниятларга ҳам эгадир. Таълим ва тарбия ягона жараён бўлсада, улар бир-бирига айнан ўхшаш эмас.

Бир бутун педагогик жараёнда таълим доимо тарбиявий вазифаларни, тарбия эса ҳаётни билиш, унга тайёрланишдек маъсулиятли вазифани бажаради. Тарбиянинг вазифалари кўп қирралидир.

Тарбиянинг қонуниятлари ва қоидалари.

ҳар бир ишнинг ўзига хос маълум қонун-қоидалари бўлганидек, бола тарбиясининг ҳам ўзига хос бир қатор муҳим қонун-қоидалари борки, уларга амал қилиш тарбия ишларининг самарали бўлишини таъминлайди: Буларга

- тарбиянинг бир мақсадга қаратилганлиги;
- тарбиянинг ижтимоий ҳаёт, юртимизнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида қилинаётган ишлар билан боғланиши;

- шахсни жамоада, жамоа орқали тарбиялаш;
- тарбияда бола шахсини ҳурмат қилиш ва унга талабчанлик;
- тарбияда ўқувчиларнинг ёши ва ўзига хос хусусиятларни ҳисобга олиш;
- тарбиявий ишларнинг изчиллиги, мунтазамлиги ҳамда бирлиги;

Тарбиявий жараёни режали қилиб шу каби қонун-қоидалар асосида олиб борилса ижобий натижа бериши ва кўзланган мақсадга эришиши мумкин бўлади. Бу эса ўқитувчи шахсига юксак масъулият, талабчанлик ва амалий намунавий фаолият талаб қилади.

Илм олиш билан бир қаторда фарзандлар касб-хунар эгаллашлари, унинг воситасида оилаларини ҳалол меҳнат билан боқишлари шарт. Пайғамбарларнинг ҳам ҳалол касб билан шуғулланганликлари тарихдан маълум.

Халқимиз «хунар - хунардан унар» деганда одамнинг ризқи-насибаси хунардан, меҳнатдан бўлишини назарда тутган. Агар ёшларимиз мактабдан ташқари бўш вақтларини беҳуда кўча чангитишга сарфламай, турли касбу-хунар соҳибларига шогирд тушиб иш ўргансалар, беш-ўн йил ўтмай ҳамма соҳадан хунарымандлар ўзимизда муҳайё бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, тарбия жараёнида ўқувчиларни одоб-ахлоқ нормалари, ҳуқуқий тарбия, касбий тарбия, виждон тарбияси, ахлоқий тарбия, нафосат тарбияси, меҳнат тарбияси каби тарбиянинг турли шакллари билан таништириш ва уларни тарбиялаш- ижобий натижа бериши билан бирга уларни комилликка эришиши учун замин бўлиб хизмат қилиши асослаб берилган.

Тарбия жараёнида буюк алломаларни тарбия соҳасидаги педагогик фикрлари, тажрибаларидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Инсон тарбиясидек ниҳоятда нозик, муҳим ва маъсулиятли вазифани бажаришда педагоглар ҳеч қачон хатоликларга йўл қўймасликлари керак бўлади.

Таянч тушунчалар: тарбия жараёни, ижобий фаолият, тарбия методлари, тажриба, ахборот, маълумотлар, тарбиянинг қонуниятлари, қоидалари.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Тарбия жараёнининг жамият тараққиётидаги роли.
2. Тарбия методлари.
3. Педагог фаолиятининг хусусиятлари.
4. Виждон ва уни тарбиялаш.
5. Меҳнат тарбияси.
6. Ҳуқуқий тарбия.
7. Тарбиянинг қонуниятлари ва қоидалари.

Мустақил ишлаш учун топшириқлар:

1. Педагогика фаолиятининг асосий хусусиятларини аниқланг
2. Тарбиянинг қонуниятларини таҳлил этинг.

ПСИХОЛОГИЯНИНГ ЗАМОНАВИЙ МЕТОДЛАРИ ВА
УЛАРНИ АМАЛИЁТГА ТАТБИҚ ЭТИШ. ПСИХОЛОГИЯНИНГ
БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИ ШАРОИТИДАГИ
ИМКОНИЯТЛАРИ.

Мақсад:

Психологиянинг замонавий методлари ҳақида тушунчага эга булиш. Бозор муносабатлари шароитида психологиянинг имкониятларини аниқлаш.

Режа.

1. Психологиянинг асосий методлари.
2. Психологиянинг тадқиқий ва амалий соҳалари.
3. Амалий психологиянинг йўналишлари.

Адабиётлар рўйхати.

1. Грановская Р.М. Элементы практической психологии. СПб, 1997
2. Ендольцев Ю.А. Знакомимся с университетом. СПб, 1996
3. Климов Е.А. “Основы психологии”. Учебник.-М., 1997
4. “Психология”. Под ред. А.А. Крылова, -М., 1998
5. Немов Р.С. “Психология”. -Кн.1. - М., 1998
6. Каримова В.М. “Ижтимоий психология асослари”. -Т., 1994
7. Каримова В. М. Аудиторияда бахс-мунозарали дарсларни ташкил этишнинг психологик техникаси.- Т., 2000
8. И. А. Каримов. Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим. Халқ сўзи. 11 февраль 2006й.
9. «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий ва маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. («Халқ сўзи» газетаси 2006 йил 26 август).

Психологиянинг асосий методлари. Аниқ изланиш предметига эга бўлган ҳар қандай фан ўша предметининг моҳиятини ёритиш ва материаллар тўплаш учун махсус усуллар ва воситалардан фойдаланади ва улар фаннинг **методлари** деб юритилади. Фаннинг салоҳияти ва обрўси ҳам биринчи навбатда ўша методлар ёрдамида тўпланган маълумотларнинг **ишончлилиги ва валидлилигига** боғлиқ бўлади. Бу фикрлар бевосита психологияга ҳам алоқадор бўлиб, методлар масаласи бу фанда жуда катта аҳамиятга молик масала сифатида ҳаралади. Чунки юқорида таъкидлаганимиздек, психик ходисаларни бевосита қўл билан ушлаб, кўз билан илғаб, кулоқ билан сезиш қийин. Лекин жуда кўплаб фанлар билан фаол ҳамкорлик шунга олиб келганки, психологиянинг ҳар бир тармоғи ўз вазифаларини ечиш ва маълумотларга эга бўлиш учун кўплаб методларни синовлардан ўтказиб, энг ишончли ва мукамалларини сақлаб қолган.

Математик статистика ва эҳтимоллар назариясининг психология соҳасида қўлланилиши ва унда эришилган муваффақиятлар аввало ҳар бир методнинг ишончлилик даражасини аниқлаш, қолаверса, тўпланган маълумотларнинг қай даражада асосли ва валид эканлигини исботлашга ёрдам беради.

2 - жадвалда асосий психологик методлар ва уларни қўллаш шакллари келтирилган.

Жадвалда келтирилган методлар ёрдамида тадқиқотчи ёки кизикқан шахс у ёки бу психик жараён, ҳолат ёки шахс хусусиятлари тўғрисида бирламчи маълумотлар тўплайди, тўпланган маълумот яна таҳлил қилинади ва махсус тарзда ишлатилиши мумкин.

Жадвал - 2.

Психологиянинг асосий методлари

АСОСИЙ МЕТОДЛАР	Асосий методларнинг вариантлари
-----------------	---------------------------------

КУЗАТИШ МЕТОДИ	Ташқи (объектив кузатиш) Ички (субъектив, ўз-ўзини кузатиш) Эркин кузатув Стандартлаштирилган Гуруҳ ичида кузатиш Гуруҳ ташқарисида кузатиш
СЎРОҚ МЕТОДЛАРИ	Оғзаки сўроқ Ёзма сўроқ Эркин сўроқ (суҳбат) Стандартлаштирилган сўроқ
ТЕСТЛАР МЕТОДИ	Тест - сўров Тест - топширик Проектив тест Социометрик тест
ЭКСПЕРИМЕНТ	Табиий эксперимент Лаборатория эксперименти
МОДЕЛЛАШТИРИШ	Математик моделлаштириш Мантиқий моделлаштириш Техник моделлаштириш Кибернетик моделлаштириш

Кузатиш методи табиий методлар жумласига киради. Ташқи кузатув моҳиятан кузатиловчи хулқ - атворини бевосита ташқаридан туриб, кузатиш орқали маълумотлар тўплаш усулидир. Ўз - ўзини кузатиш эса одам ўзида кечаётган бирор ўзгариш ёки ходисани ўзи ўрганиш мақсадида маълумотлар тўплаш ва қайд этиш усулидир.

Эркин кузатув кўпинча бирор ижтимоий ходиса ёки жараёни ўрганиш мақсад килиб қўйилганда қўлланилади. Масалан, байрам арафасида аҳолининг кайфиятини билиш мақсадида кузатув ташкил қилинса, олдиндан махсус режа ёки дастур бўлмайди, кузатув объекти ҳам қатъий бўлиши шарт эмас. Ёки дарс жараёнида болаларнинг у ёки бу мавзу юзасидан умумий муносабатларини билиш учун ҳам баъзан эркин кузатиш ташкил этилиши мумкин. Стандартлаштирилган кузатув эса, бунинг акси бўлиб, нимани, қачон, ким ва кимни кузатиш қатъий белгилаб олинади ва махсус дастур доирасидан чиқмасдан, кузатув олиб борилади.

Ижтимоий ҳамда педагогик психологияда гуруҳий жараёнларнинг шахс хулқ - атворига таъсирини ўрганиш мақсадида бевосита ичкаридан кузатув ташкил қилинади, бунда кузатувчи шахс ўша гуруҳ ёки оила ҳаётига табиий равишда қўшилади ва зимдан кузатиш ишларини олиб боради. Бу бир қарашда контрразведкачиларнинг фаолиятини ҳам эслатади. Шу йўл билан олинган маълумотлар бир томондан табиийлиги ва муфассаллиги билан қимматли бўлса, иккинчи томондан, агар кузатувчида конформизм хислати кучли бўлса, ўзи ҳам гуруҳ ҳаётига жуда киришиб кетиб, ундаги айрим ходисаларни субъектив равишда қайд этадиган бўлиб қолиши ҳам мумкин. Гуруҳий феноменларни ташқаридан кузатиш бунинг акси - яъни кузатувчи гуруҳга ёки кузатилаётган жараёнга нисбатан четда бўлади ва фақат бевосита кўзи билан кўрган ва эшитганлари асосида хулосалар чиқаради.

Умуман, кузатиш методининг ижтимоий ҳаёт, профессионал кўрсаткичларни қайд қилишда сўзсиз афзалликлари бор, лекин шу билан бирга кузатувчининг профессионал маҳорати, кузатувчанлиги, сабр - қаноатига боғлиқ бўлган жиҳатлар, яна тўпланган маълумотларни субъектив равишда таҳлил қилиш хавфи бўлгани учун ҳам бироз ноқулайликлари ҳам бор, шунинг учун ҳам у бошқа методлар билан биргаликда ишлатилади.

Сўров методи ҳам психологиянинг барча тармоқларида бирламчи маълумотлар тўплашнинг анъанавий усулларида хисобланади. Унда текширилувчи текширувчи томонидан қўйилган қатор саволларга мухтасар жавоб қайтариши керак бўлади.

Оғзаки сўроқни ёки баъзан уни оддийгина қилиб, суҳбат методи деб аталади, ўтказадиган шахс унга маълум даражада тайёргарлик кўргач сўроқ ўтказди. Агар мабодо унинг профессионал маҳорати ёки тажрибаси бунга етарли бўлмаса, сўров ўз натижаларини бермаслиги мумкин. Лекин маҳоратли сўровчи ушбу метод ёрдамида инсон рухий кечинмаларига алоқадор бўлган ноёб маълумотларни тўплаш имконига эга бўлади.

Ёзма сўроқ ёки анкетанинг афзаллиги шундаки, унинг ёрдамида бир вақтнинг ўзида кўпгина одамлар фикрини ўрганиш мумкин бўлади. Унга киритилган саволлар, улардан кутиладиган жавоблар (ёпиқ анкета), ёки эркин ўз фикрини баён этиш имкониятини берувчи (очик анкета) сўровномалар аниқ ва раво тилда жавоб берувчилар тушуниш даражасига монанд тузилган бўлса, шубҳасиз, қимматли бирламчи материаллар тўпланади.

Сўроқнинг ҳам эркин ва стандартлаштирилган шакллари мавжуд бўлиб, биринчисидан олдиндан нималар сўралиши қатъий белгилаб олинмайди, иккинчи шаклида эса, хаттоки, компьютерда дастури ишлаб чиқилиб, минглаб одамларда бир хил талаблар доирасида сўроқ ўтказилиши назарда тутилади.

Тестлар охириги пайтда ҳаётимизга дадил кириб келган текширув усуллари сирасига киради. Улар ёрдамида бирор ўрганилаётган ходиса хусусида ҳам сифат, ҳам миқдор характеристикаларини олиш, уларни кўпчиликда қайта - қайта синаш ва маълумотларни корреляцион анализ орқали ишончликка текшириш мумкин бўлади. Айни тестга қўйилган талаб ҳеч қачон ўзгармайди, хаттоки, шундай тестлар борки, улар турли миллат ва элат вакилларида, турли даврларда ҳам ўзгармаган ҳолда ишлатилаверади. Масалан, Равеннинг ақлий интеллектни ўлчаш, Кэттелнинг ва Айзенкнинг шахс тестлари шулар жумласидандир.

Тест - сўров олдиндан қатъий тарзда қабул қилинган саволларга бериладиган жавобларни тақозо этади. Масалан, Айзенкнинг 57 та саволдан иборат тести шахсдаги интроверсия - экстровецияни ўлчайди, саволларга “ҳа” ёки “йўқ” тарзида жавоб бериш сўралади.

Тест - топшириқ одам хулки ва ҳолатини амалга оширган ишлари асосида баҳолашни назарда тутди. Масалан, шахс тафаккуридаги креативлиликни аниқлаш учун кўпинча бир қарашда оддийгина топшириқ берилади: берилган 20 та доира шаклидаги шакллардан ўзи хоҳлаганча расмлар чизиш имконияти берилади. Маълум вақт ва тезликда бажарилиш суръати, расмларнинг ўзига хос ва бетакрорлигига қараб шахс фикрлаши жараёнининг нақадар ноиндарт, ижодий ва креативлигига баҳо берилиб, миқдорий кўрсаткич аниқланади. Бу методларнинг умумий афзаллиги уларни турли ёш, жинс ва касб эгаларига нисбатан қўллашнинг қулайлиги, бир гуруҳда натижа бермаса, бошқа гуруҳда яна қайта текширув ўтказиш имкониятининг борлиги бўлса, камчилиги - баъзан текширилувчи агар тестнинг моҳиятини ёки қалитини билиб қолса, сунъий тарзда унинг кечишига таъсир кўрсатиши, фактларни фалсификация қилиши мумкинлигидир.

Тестлар ичида **проектив тестлар** деб номланувчи тестлар ҳам борки, тестнинг асл мақсади текширилувчига сир бўлади. Яъни шундай топшириқ берилдики, текширилувчи топшириқни бажараётди, нимани аниқлаши мумкинлигини билмайди. Масалан, машҳур Роршахнинг “сиёҳ доғлари” тести, ёки ТАТ(тематик апперцепцион тест), тугалланмаган хикоялар каби тестларда бир нарсанинг проекциясидан гўёки иккинчи бир нарсанинг моҳияти аниқланади. Ўша 1921 йилда кашф этилган “сиёҳ доғлари” ва уларга қараб текширилувчининг нималарни эслаётганлиги, доғлар нималарга ўхшаётганлигига қараб, унинг шахс сифатидаги йўналишлари, ҳаётининг тамойиллари, қадриятларига муносабати, ишни бажариш пайтидаги эмоционал ҳолатлари аниқланади. Бу тестлар жуда ноёб, қимматли, лекин уни фақат профессионал психологгина қўллаши ва натижаларни моҳирона таҳлил қилиши талаб қилинади.

Психологик экспериментнинг моҳияти шундаки, унда атайлаб шундай сунъий бир вазият шакллантирилади ва ташкил этиладики, айнан шу вазиятда қизиқтираётган психик жараён ёки ходиса ажратилади, ўрганилади, таъсир кўрсатилади ва баҳоланади. Агар табиий эксперимент ўша қизиқтираётган феномен текширилувчи учун табиий ҳисобланган шароитларда (масалан, меҳнат жараёнида, каникулда ёзги лагерда, лицей аудиториясида ва шунга ўхшаш) мақсадли ташкил этилиб, ўрганилса, лаборатория эксперименти махсус жойларда, махсус асбоб - ускуналар воситасида атайлаб ўрганилади. Масалан, диққатингизнинг хусусиятларини билиш керак бўлса, психология лабораториясида махсус тахистоскоп деб аталган мослама ёрдамида ёки “Ландольт халқачалари” деб номланган жадваллар ёрдамида ўрганиш мумкин бўлади. Ҳаттоки, ижтимоий муносабатлар борасида ҳам ўзаро ҳамжиҳатлик, лидерлик ва конформлилик ходисаларини текшириш учун *группавий интеграторлар ва гомеостат* деб номланувчи мосламалар яратилган ва улар ёрдамида гуруҳдаги турли хил ходисалар ўлчанган.

Моделлаштириш методи кузатиш, сўроқ, эксперимент ёки бошқа усуллар ёрдамида ўрганилаётган ходисанинг туб моҳияти очилмаган шароитларда қўлланилади. Бунда ўша ходисанинг умумий хоссаси ёки асосий параметрлари моделлаштирилиб, ўша модель асосида тадқиқотчини қизиқтирган жиҳат ўрганилади ва хулосалар чиқарилади.

Моделлар техник, мантиқий, математик ёки кибернетик бўлиши мумкин. Математик модел асосида ўрганилган ходисага машҳур тадқиқотчилар Вебер - Фехнерларнинг сезгирликнинг куйи ва юқори чегарасини аниқлашга қаратилган математик формуласи ва шу асосда тўпланган маълумотлар тахлилини мисол қилиш мумкин. Мантиқий моделлар ёрдамида кўпинча инсон ақли ва тафаккури жараёнлари ва қонунларини ҳисоблаш машиналари иш принциплари билан қиёслаш орқали тузилган ғоялар ва символлар ишлатилади. Кибернетик моделлаштиришда эса ғоялар психологиясини ЭХМ даги математик программалаштириш тамойилларига мослаштириш назарда тутилади. Ҳозир кўпгина мураккаб шахс хусусиятлари ҳам программалаштирилган бўлиб, улар алгоритмлар асосда қисқа фурсатда кўпгина сифатларни кўплаб параметрлар нуқтаи назаридан ҳисоблаб натижаларни умумлаштиришга имкон бермоқда. Кўпинча математик ўйинлар ғояси одамлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар соҳасини ўрганишда ҳам қўлланилмоқда. Маълум бўлишича, одамнинг фикрлаш операциялари билан ЭХМ ларнинг ишлаш принциплари ўртасида маълум уйғунлик бор экан, бу эса мураккаб психик жараёнларни моделлаштириш орқали инсон ақлу - заковати чегарасини янада кенгайтириш истикболини беради.

Умуман психологиянинг ва унинг ҳар бир алоҳида тармоқларининг ўзига хос методлари бор. Улар ижтимоий хулқ ва алоҳида индивид ички дунёсини комплекс тарзда ўрганиш имконини беради. Гап шундаки, уларни ўз вақтида ва профессионал тарзда қўллай билиш ва олинган натижалардан тўғри хулосалар чиқара олишдир.

Психологиянинг тадбиқий ва амалий соҳалари. Ҳозирги замон илм - фанининг қадри ва аҳамияти унинг нечоғли амалиётга кириб бориб, тадбиқий салоҳияти ортиб бориши билан баҳоланади. Психологиянинг охириги йиллардаги тараққиёти ҳам айнан ана шу мезон талабларига жавоб бериши билан характерланади.

Амалий ҳамда тадбиқий психология соҳаларининг ўзига хос жиҳатлари аввало шундан иборатки, улар жамиятнинг бевосита бугунги кундаги талаблари ва буюртмаларига кўра иш юритади. Жамиятимизда эса психологик билимларни бевосита амалиётга тадбиқ этишга эҳтиёж катта. Биргина Ўзбекистонда кадрлар тайёрлашнинг миллий дастурини оладиган бўлсак, унинг бажарилиши ва муваффақиятли амалга оширилиши учун психологиянинг аралашуви зарур. Жойларда ташкил этилган Ташхис марказларида фаолият кўрсатаётган мутахассислар ўқувчилардаги ривожланиш тенденциялари, ақлий ўсиш омиллари ва иқтидорига қараб таълим - тарбияни ташкил этишлари учун қатор диагностик тадбирларни ўтказишлари зарурки, бу тадбирлар охир - оқибат реал самара бериши лозим. Таъкидлаш зарурки, тадбиқий психологиядаги “самара”ни ўлчаш мезонлари билан назарий психологиядаги самара тушунчалари биров

фарқ қилади. Яъни, бу ерда бевосита буюртманинг бажарилиши сифатига буюртмачининг ўзи баҳо беради. Шунинг учун ҳам амалий психологиянинг алоҳида тармоғи бўлмиш социал психология билимларга амалдаги эҳтиёжни уч асосий сабаб билан тушунтириши мумкин: а) кичик корхона ёки йирик фирмалардан тортиб, токи ҳукумат даражасидаги идоралар ҳам ўз фаолияти самарадорлигини ошириш учун тобора инсонлар фаолияти ва улардаги резервлардан омилкорона фойдаланишнинг психологик манбаларини қидириш лозимлигини тушуниб етмоқдалар; б) профессионал психологларнинг ўзи ҳам ўз ишларидан келадиган обрў - эътиборнинг амалий соҳаларида ишлай олиш қобилиятларига боғлиқ эканлигини тушуниб етмоқдалар; в) амалиётда ишлаётган бошқа соҳа вакиллари ҳам агар психологик тайёргарликдан ўтган бўлсалар, ишни ташкил қилишга укувлари яхшироқ ва ишлари унумлироқ бўлишини тушуниб етмоқдалар. Шунинг учун ҳам кўплаб янги турдаги марказ ва фирмалар, кўшма корхоналарда амалиётчи психологлар ишламоқдалар.

Амалий психологиянинг асосий йўналишлари. Саноат ва ишлаб чиқариш соҳаси. Саноат ва маҳсулотлар ишлаб чиқариш соҳасида тадбиқий ишлар биринчи навбатда конкрет ташкилотда кадрлар захирасини тўғри ва оқилона ташкиллашдан тортиб, ходимлар иш шароитлари ва меҳнат унумдорлигига таъсир этувчи омиллар комплексини илмий равишда ўрганиб, ҳаётда натижа олишга қаратилган ҳаракатлар мажмуидир. Хозирги бозор муносабатлари шароитида ушбу йўналишдаги тадбиқий ишларнинг икки соҳасини ажратиш мумкин:

- маркетинг хизматлари
- ходимлар (персонал) билан ишлаш.

Биринчиси энг замонавий ва муҳим иш бўлиб, бу ерда психологнинг вазифаси “Нимани?” ва “Ким?” харид қилиб олишга эҳтиёжи борлигини ўрганишга кўмаклашидир. Чунки, талаб билан эҳтиёж бевосита шахсга ва унинг психологик муносабатлари тизимига алоқадор категориялар бўлиб, бозор ва рақобат шароитида корхона ёки ташкилотларнинг самарали ишлаб кетиши энг аввало харидоргир товар маҳсулотларни ажратиб, уларнинг одамлар талаб - эҳтиёжига қанчалик мослигини аниқ таҳлил қилишдан бошланади. Маркетинг муносабатлари аслида одамлар ўртасидаги соф психологик муносабатлар бўлиб, унинг негизида одамлар ўртасидаги жонли мулоқот ва таъб ва дидлар тарбияси ётади. Шунинг учун биз бугун одамларда тўғри маркетинг тафаккурини шакллантириш воситаларини қидиришимиз ва талаб - таклиф муносабатларини реал ишлаб чиқариш имкониятлари билан мувофиқлаштиришда инсон психологияси хусусиятларини инобатга олиб ишлашга ўрганишимиз керак. Масалан, шундай “Case Study”ни олайлик: Психологияни қандай қилиб сотиш мумкин(яъни, Психологик маълумотлар ва билимларни)? Биз аниқ ва тўғри жавоблар олишимиз керак бўлган саволлар қуйидагилар бўлади:

Нима сотилади? - Тест натижалари

Нима учун? - нима қилиб бўлса ҳам, пул ишлаш, ўз имкониятларни текшириш, шахсий иш очиш;

Ким ? - фирма ёки конкрет кишилар;

Нима ? - хилма - хил тестлар батареяси;

Кимга ? - турли касб эгалари, ўқувчиларга, ходимларга;

Қаерда? Қачон? - зарурат бўлган ҳар қандай жойда;

Қандай қилиб? - минимал вақт сарфлаб, тез ва соз;

Қанча? - тест ўтказувчиларнинг сони ва имкониятига қараб;

Ким билан? - шу фирма ходимлари билан

Демак, маркетинг хизматида жавоб берилиши зарур бўлган саволлардан кўришиб турибдики, ҳар бир саволга бериладиган жавобнинг орқасида конкрет одамлар, уларнинг қобилиятлари, манфаатлари ва иш унуми ётади. Шунинг учун бу соҳада психологик хизмат зарур.

Иккинчи соҳа - кадрлар ва улар билан бевосита ишлаш соҳаси. Бу кадрларни ишга жалб этишда билиш зарур бўлган қобилиятлар ва шахсий фазилатлардан тортиб, уларни тўғри йўналтириш, ўз жойига қўйиш, ташкилот доирасида гуруҳларни шакллантириш, ходимларга маълумотларни ўз вақтида етказиш билан боғлиқ кадрлар сиёсатини олиб боришга алоқадор хизматдир. Психолог бу ўринда асосан маслаҳатчи - консультант ва эксперт сифатида роль ўйнайди.

Сиёсат соҳасидаги психология. Хар бир давр ўз кишилари онгида беихтиёр сиёсий онгни шакллантиради ва одамлар унинг тамойилларига бўйсундилар. Сиёсат борасидаги психологик масалаларга психолог аралашувининг зарурати хар доим бўлмаса - да, айрим пайтларда - йирик ислохотлар бошланиши арафасида, сайлов олди компанияларда, янги сиёсий лидерларнинг халқ томонидан қабул қилиниши жараёнлари, кўпчилик аудиторияга зарур маълумотларни етказиш, ижтимоий установакаларни ўзгартириш, сиёсий арбоблар имиджини омма онгига сингдириш пайтларида психологик таъсир воситаларидан ўринли фойдаланиш, маслаҳатлар бериш ва айрим гуруҳлар этикодига таъсир этиш керак бўлганда керак бўлади.

Сиёсий соҳада ишлаётган психолог ишининг ўзига хос жиҳатлари бўлиб, унга қуйидагилар киради:

а) сиёсатда психолог аралашуви кўпчилик оммага бевосита алоқадор бўлмайди;

б) зарурат туғилганда, психолог шундай тез ва ишончли ўлчайдиган методикаларни ишлатадики, уларнинг натижалари сир сақланиб, ўша буюртмачи - сиёсатчининг талабига кўра изланишлар олиб борилади;

в) психолог хар бир сиёсатчи учун шундай ишончли шахс бўлиши лозимки, ундан одамларнинг кайфиятлари, реакциялари, хис - кечинмалари хусусида аниқ маълумотлар сўралади;

г) ўзига хос қийинчилик шундан иборатки, жамоатчилик психолог қиёфасида кўпинча лидернинг бевосита “одамини” кўришга мойил бўлиб, лидернинг ўзи ҳам баъзан ўта профессионал психологдан хадиксираб қолиши мумкин.

Шунинг учун юқорида таъкидлаганимиздек, зарур пайтларда сиёсий арбоблар психолог хизматида мурожаат қилишлари ва ундан асосан бирор жиддий ижтимоий проектларни қабул қилиш жараёнида ёрдам беришини сўраш мумкин. Бунинг учун психологдан жамоатчилик фикрини психологик таҳлил қилиб бериш, ва шу асосда фуқароларнинг установакалари ва кайфиятларига ижобий таъсир кўрсатувчи омилларни биргаликда ажратиш вазифасини ҳал қилишлари мумкин. Сайлов олди компанияларда эса, психологнинг асосий вазифаси одамларнинг кайфиятини ўрганган ҳолда даъвогар имиджини шакллантиришга, одамларга ёқтиришга сабаб бўладиган шахсий фазилатлар алгоритмининг тузиш, омма олдида чиқишга психологик тайёрлаш, рақибларнинг бахслашиш маданияти ва этикаси борасида психологик йўл - йўриқ ва усуллар борасида маълумотлар алмашиши керак бўлади.

Ўзбекистон шароитида сиёсий психологиянинг ўзи жуда заиф ривожланган тармоқ бўлгани сабабли ҳам уни ривожланган давлатлар тажрибасига таянган ҳолда ривожлантириш давр талабларидан биридир.

Оила ва никоҳ борасидаги тадбиқий ишлар Ўзбекистонда энди шаклланаётган, лекин назарий нуқтаи назардан маълум анъаналарга эга бўлган соҳадир. 1998 йилнинг Президентимиз томонидан “Оила йили” деб эълон қилиниши жойларда психологик хизмат ўчоқларининг пайдо бўлишига ва у ерларда психологик хизматидан фойдаланишни англашга туртки бўлди. Психолог бу ерларда ёшлардаги оила ва никоҳ борасидаги тасаввурларнинг тўғри шаклланишидан тортиб, токи муаммоли, хаттоки, ажрим бўлган оила аъзоларига психологик маслаҳатлар бериш, “ишонч телефонлари” орқали маслаҳатлар уюштиришни ўз зиммасига олади.

Маориф соҳасидаги амалий ишлар бошқа соҳаларга нисбатан анчагина яхши тажрибага эга. Айниқса, Ўзбекистонда кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури қабул қилингандан сўнг ташкил қилинган янги типдаги таълим муассасалари - академик

лицейлар ва касб - ҳунар коллеждларига бир нечтадан психологлар штати киритилган ва улар айнан тадбиқий муаммолар - боланинг ўқув жараёнига психологик жиҳатдан тайёрлигини диагностика қилишдан тортиб, профессионал ва касб маҳоратини ривожлантиришгача бўлган барча муаммоларни ҳал қилишга “аралашади”.

хуқуқбузарликнинг олдини олиш ва қонунга зид ҳаракат қилганларни психологик реабилитация қилиш муаммоси ҳам ҳар доим ҳам психолог аралашувини талаб қилиб келган. Чунки жиноятчи ёки хуқуқбузар шахси ўз - ўзидан шаклланиб қолмайди, уни шакллантирувчи омиллар, мотивлар ва болани қайта тарбиялаш ва реабилитация масалалари ижтимоий психологик жараёнлар моҳиятини билиш ва уларга фаол таъсир кўрсатиш талаб қилади. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда ёшлар ўртасида ҳуқуқий маърифат ва ҳуқуқий маданиятни шакллантиришга жуда катта эътибор қаратилган ва бу ишда амалиётчи ходим - психологнинг ўрни ва роли катта бўлади.

Юқорида эътироф этилган психологиянинг тадбиқий соҳалари учун умумий нарса шуки, бу соҳаларда ишлаганлар аввало яхши психодиагност, яъни психология методларини ўз ўрнида самарали ишлатишни билиши, ва яхшигина психотерапевт ва психокорректор - яъни, аниқланган муаммо ёки “касалликни” тuzатувчи моҳир профессионал бўлиши кераклигини тақозо этади.

Таянч тушунчалар: психология, замонавий методлар, бозор муносабатлари, ташқи ва ички кузатиш, ўз-ўзини кузатиш, эркин кузатиш, ижтимоий психология, ижтимоий ҳаёт.

Мавзунини мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Психологиянинг асосий методларини санаб беринг.
2. Психологиянинг тадбиқий ва амалий соҳалари тавсифланг.
3. Амалий психологиянинг йўналишлари нималардан иборат.

Мустақил ишлаш учун топширқлар:

1. Психологиянинг асосий методларини аниқланг.
2. Амалий психологиянинг йўналишларини таҳлил этинг.

Шахснинг фаоллиги. Фаолият турлари, мотивацияси ва уларни бошқариш. Ижтимоий хулқ мотивацияси ва уларнинг турлари.

Мақсад:

Шахс ва унинг фаоллиги жараёнини ўрганиш. Фаолиятни турлари билан танишиш. Ташқи ва ички фаоллик ҳақида тушунчага эга бўлиш. Мотивлар ва уларнинг турларини аниқлаш.

Режа:

1. Шахс ва унинг фаоллиги
2. Фаолиятнинг турлари. Жисмоний ва ақлий ҳаракатлар.
3. Ижтимоий хулқ мотивлари ва шахс мотивацияси .
4. Мотивларнинг турлари
5. Мотивларнинг анланганлик даражаси: ижтимоий установка ва уни ўзгартириш муаммоси.

Адабиётлар:

1. Каримова В.М. Ижтимоий психология асослари.- Т., 1994
2. Гримак Л.П. Резервы человеческой психики.- М., 1990
3. Климов Е.А. Основы психологии.- М., 1998
4. Насиновская Е.Е. Методы изучения мотивации личности. - М., 1988
5. Немов Р.С. Психология. В 3-х кн.- Кн.1.- М., 1998
6. Практическая психодиагностика. Методики и тест.- Самара, 1998
7. Хекхаузен Х. Мотивация и деятельность Т. 1,2. М., 1986
8. И.А.Каримовнинг Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон темир йўлининг ишга тушурилишига бағишланган тантанали маросимидаги нутқи. “Ўзбекистон овози” 2007 йил 25 август
9. “Шарқ гавҳари, замин сайқали” Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг 25 август куни қадимий ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик юбилейига бағишланган тантанали маросимидаги нутқи. “Халқ сўзи” 2007 йил 26 август
10. Президент Ислоҳ Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузаси. Т.: Ўзбекистон, 2007

Шахс ва унинг фаоллиги. Жамият билан доимий муносабатни ушлаб турувчи, ўз-ўзини англаб, ҳар бир ҳаракатини мувофиқлаштирувчи шахсга хос бўлган энг муҳим ва умумий хусусият - бу унинг **фаоллигидир**. Фаоллик (лотинча “actus” - ҳаракат, “activus” - фаол сўзларидан келиб чиққан тушунча) шахснинг ҳаётдаги барча хатти - ҳаракатларини намоён этишини тушунтирувчи категориядир. Бу - ўша оддий қўлимизга қалам олиб, бирор чизикча тортиш билан боғлиқ элементар ҳаракатимиздан тортиб, токи ижодий уйғониш пайтларимизда амалга оширадиган мавҳум фикрлашимизгача бўлган мураккаб ҳаракатларга алоқадор ишларимизни тушунтириб беради. Шунинг учун ҳам психологияда шахс, унинг онги ва ўз-ўзини англаши муаммолари унинг фаоллиги, у ёки бу фаолият турларида иштироки ва уни уддалаши алоқадор сифатлари орқали баён этилади.

Фанда инсон фаоллигининг асосан икки тури фарқланади:

А. Ташқи фаоллик - бу ташқаридан ва ўз ички истак-хоҳишларимиз таъсирида бевосита кўриш, қайд қилиш мумкин бўлган ҳаракатларимиз, мушакларимизнинг ҳаракатлари орқали намоён бўладиган фаоллик.

Б. Ички фаоллик - бу бир томондан у ёки бу фаолиятни бажариш мобайнидаги физиологик жараёнлар (моддалар алмашинуви, қон айланиш, нафас олиш, босим ўзгаришлари) ҳамда, иккинчи томондан, бевосита психик жараёнлар, яъни аслида кўринмайдиган, лекин фаолият кечишига таъсир кўрсатувчи омилларни ўз ичига олади.

Мисол тариқасида ҳаётдан шундай манзарани тасаввур қилайлик: узоқ айрилиқдан сўнг она ўз фарзанди висолига етди. Ташқи фаолликни биз онанинг боласига интилиши, уни кучоклаши, юзларини сийлаши, кўзларидан оққан севинч ёшларида кўрсак, ички фаоллик - ўша кўз ёшларини келтириб чиқарган физиологик жараёнлар, ички соғинчнинг асл сабаблари (айрилиқ муддати, ночорлик туфайли айрилиқ каби яширин мотивлар таъсири), кўриб идрок қилгандаги ўзаро бир-бирларига интилишни таъминловчи ички, бир қарашда кўз билан илғаб бўлмайдиган эмоционал ҳолатларда намоён бўлади. Лекин шу манзарани бевосита гувоҳи бўлсак ҳам, уни ифодалаган расмни кўрсак ҳам, тахминан қандай жараёнлар кечаётганлигини тасаввур қилишимиз мумкин. Демак, иккала турли фаоллик ҳам шахсий тажриба ва ривожланишнинг асосини ташкил этади. Бир қарашда ҳар бир конкрет шахсга ва унинг эҳтиёжларига боғлиқ бўлиб туюлган бундай фаоллик турлари аслида ижтимоий характерга эга бўлиб, шахснинг жамият билан бўладиган мураккаб ва ўзаро муносабатларининг оқибати ҳисобланади.

Инсон фаоллиги “ҳаракат”, “фаолият”, “хулқ” тушунчалари билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, шахс ва унинг онги масаласига бориб тақалади. Шахс айнан турли фаолликлар жараёнида шаклланади, ўзлигини намоён қилади ҳам. Демак, фаоллик ёки инсон фаолияти пассив жараён бўлмай, у онгли равишда бошқариладиган фаол жараёндир. Инсон фаоллигини мужассамлаштирувчи ҳаракатлар жараёни **фаолият** деб юритилади. Яъни, **фаолият** - инсон онги ва тафаккури билан бошқариладиган, ундаги турли-туман эҳтиёжлардан келиб чиқадиган, ҳамда ташқи оламни ва ўз-ўзини ўзгартириш ва такомиллаштиришга қаратилган ўзига хос фаоллик шаклидир. Бу - ёш боланинг реал предметлар моҳиятини ўз тасаввурлари доирасида билишга қаратилган ўйин фаолияти, бу - моддий неъматлар яратишга қаратилган меҳнат фаолияти, бу - янги кашфиётлар очишга қаратилган илмий - тадқиқотчилик фаолияти, бу - рекордларни кўпайтиришга қаратилган спортчининг маҳорати ва шунга ўхшаш. Шуниси характерлики, инсон ҳар дақиқада қандайдир фаолият тури билан машғул бўлиб туради.

Фаолият турлари. Жисмоний ва ақлий ҳаракатлар. ҳар қандай фаолият реал шарт-шароитларда, турли усулларда ва турлича кўринишларда намоён бўлади. Қилинаётган ҳар бир ҳаракат маълум нарсага - предметга қаратилгани учун ҳам, фаолият предметли ҳаракатлар мажмуи сифатида тасаввур қилинади. Предметли ҳаракатлар ташқи оламдаги предметлар хусусиятлари ва сифатини ўзгартиришга қаратилган бўлади. Масалан, маърузани конспект қилаётган талабанинг предметли ҳаракати ёзувга қаратилган бўлиб, у аввало ўша дафтардаги ёзувлар сони ва сифатида ўзгаришлар қилиш орқали, билимлар заҳирасини бойитаётган бўлади. Фаолиятнинг ва уни ташкил этувчи предметли ҳаракатларнинг айнан *нималарга* йўналтирилганига қараб, аввало ташқи ва ички фаолият фарқланади. **Ташқи фаолият** шахсни ўраб турган ташқи муҳит ва ундаги нарса ва ҳодисаларни ўзгартиришга қаратилган фаолият бўлса, **ички фаолият** - биринчи навбатда ақлий фаолият бўлиб, у соф психологик жараёнларнинг кечишидан келиб чиқади. Келиб чиқиши нуқтаи назаридан ички - ақлий, психик фаолият ташқи предметли фаолиятдан келиб чиқади. Дастлаб предметли ташқи фаолият рўй беради, тажриба орттириб борилган сари, секин-аста бу ҳаракатлар ички ақлий жараёнларга айланиб боради. Буни нутқ фаолияти мисолида оладиган бўлсак, бола дастлабки сўзларни қаттиқ товуш билан ташқи нутқида ифода этади, кейинчалик ичида ўзича гапиришга ўрганиб, ўйлайдиган, мулоҳаза юритадиган, ўз олдига мақсад ва режалар кўядиган бўлиб боради.

ҳар қандай шароитда ҳам барча ҳаракатлар ҳам ички-психологик, ҳам ташқи - мувофиқлик нуқтаи назаридан онг томонидан бошқарилиб боради. ҳар қандай фаолият таркибида ҳам ақлий, ҳам жисмоний - мотор ҳаракатлар мужассам бўлади. Масалан, фикрлаётган донишмандни кузатганмисиз? Агар ўйланаётган одамни зийраклик билан кузатсангиз, ундаги етакчи фаолият ақлий бўлгани билан унинг пешоналари, кўзлари, хаттоки, тана ва қўл ҳаракатлари жуда муҳим ва жиддий фикр хусусида бир тўхтамга келолмаётганидан, ёки янги фикрни топиб, ундан мамнуният ҳис қилаётганлигидан дарак беради. Бир қарашда ташқи элементар ишни амалга ошираётган - мисол учун, узум

кўчатини ортикча барглардан халос этаётган боғбон ҳаракатлари ҳам ақлий компонентлардан холи эмас, у қайси баргнинг ва нима учун ортикча эканлигидан англаб, билиб туриб олиб ташлайди.

Ақлий ҳаракатлар - шахснинг онгли тарзда, ички психологик механизмлар воситасида амалга оширадиган турли-туман ҳаракатларидир. Экспериментал тарзда шу нарса исбот қилинганки, бундай ҳаракатлар доимо мотор ҳаракатларни ҳам ўз ичига олади. Бундай ҳаракатлар қуйидаги кўринишларда бўлиши мумкин:

■ **перцептив** - яъни булар шундай ҳаракатларки, уларнинг оқибатида атрофдаги предметлар ва ходисалар тўғрисида яхлит образ шаклланади;

■ **мнемик фаолият**, нарса ва ходисаларнинг моҳияти ва мазмунига алоқадор материалнинг эслаб қолиниши, эсга туширилиши ҳамда эсда сақлаб турилиши билан боғлиқ мураккаб фаолият тури;

■ **фикрлаш фаолияти** - ақл, фаҳм - фаросат воситасида турли хил муаммолар, масалалар ва жумбоқларни ечишга қаратилган фаолият;

■ **имажитив** - (“image” -образ сўзидан олинган) фаолияти шундайки, у ижодий жараёнларда ҳаёл ва фантазия воситасида ҳозир бевосита онда берилмаган нарсаларнинг хусусиятларини англаш ва ҳаёлда тиклашни тақозо этади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, ҳар қандай фаолият ҳам ташқи ҳаракатлар асосида шаклланади ва мотор компонентлардан иборат бўлиши мумкин. Агар ташқи фаолият асосида психик жараёнларга ўтиш рўй берган бўлса, бундай жараёни психологияда **интериоризация** деб аталади, аксинча, ақлда шакланганғояларни бевосита ташқи ҳаракатларда ёки ташқи фаолиятга кўчирилиши **экстериоризация** деб юритилади.

Фаолият турлари яна онгнинг бевосита иштироки даражасига кўра ҳам фарқланади. Масалан, шундай бўлиши мумкинки, айрим ҳаракатлар бошида ҳар бир элементни жиддий равишда, алоҳида-алоҳида бажаришни ва бунга бутун диққат ва онгнинг йўналишини талаб қилади. Лекин вақт ўтгач, бора-бора унда онгнинг иштироки камайиб, кўпгина қисмлар автоматлашиб боради. Бу оддий тилга ўгирилганда, **малака ҳосил бўлди** дейилади. Масалан, ҳар биримиз шу тарзда хат ёзишга ўрганганмиз. Агар малакаларимиз қатъий тарзда биздаги билимларга таянса, фаолиятнинг мақсади ва талабларига кўра ҳаракатларни муваффақиятли бажаришни таъминласа, биз буни **кўникмалар** деб атаيمиз. **Кўникмалар** - доимо биздаги аниқ билимларга таянади. Масалан, кўникма ва малакалар ўзаро боғлиқ бўлади, шунинг учун ҳам ўқув фаолияти жараёнида шаклландиган барча кўникмалар ва малакалар шахснинг муваффақиятли ўқишини таъминлайди. Иккаласи ҳам машқлар ва қайтаришлар воситасида мустаҳкамланади. Агар, фақат малакани оладиган бўлсак, унинг шаклланиш йўллари қуйидагича бўлиши мумкин:

■ оддий намоёиш этиш йўли билан;

■ тушунтириш йўли билан;

■ кўрсатиш билан тушунтиришни уйғунлаштириш йўли билан.

ҳаётда кўникма ва малакаларнинг аҳамияти катта. Улар бизнинг жисмоний ва ақлий уринишларимизни енгиллаштиради ва ўқишда, меҳнатда, спорт соҳасида ва ижодиётда муваффақиятларга эришишимизни таъминлайди.

Фаолиятни классификация қилиш ва турларга бўлишнинг яна бир кенг тарқалган усули - бу барча инсонларга хос бўлган асосий фаоллик турлари бўйича табақалашдир. Бу - мулоқот, ўйин, ўқиш ва меҳнат фаолиятларидир.

Мулоқот - шахс индивидуал ривожланиши жараёнида намоён бўладиган бирламчи фаолият турларидан бири. Бу фаолият инсондаги кучли эҳтиёжлардан бири - инсон бўлиш, одамларга ўхшаб гапириш, уларни тушуниш, севиш, ўзаро муносабатларни мувофиқлаштиришга қаратилган эҳтиёжларидан келиб чиқади. Шахс ўз тараққиётини айнан шу фаолият турини эгаллашдан бошлайди ва нутқи орқали (вербал) ва нутқсиз воситалар (новербал) ёрдамида бошқа фаолият турларини мукамал эгаллашга замин яратади.

Ўйин - шундай фаолият турики, у бевосита бирор моддий ёки маънавий неъматлар яратишни назарда тутмайди, лекин унинг жараёнида жамиятдаги мураккаб ва хилма-хил фаолият нормалари, ҳаракатларнинг символик андозалари бола томонидан ўзлаштирилади. Бола токи ўйнамагунча, катталар хатти-ҳаракатларининг маъно ва моҳиятини англаб етолмайди.

Ўқиш фаолияти ҳам шахс камолотида катта роль ўйнайди ва маъно касб этади. Бу шундай фаолликки, унинг жараёнида билимлар, малака ва турли кўникмалар ўзлаштирилади.

Мехнат қилиш ҳам энг табиий эҳтиёжларга асосланган фаолият бўлиб, унинг мақсади албатта бирор моддий ёки маънавий неъматларни яратиш, жамият тараққиётига ҳисса қўшишдир.

ҳар қандай касбни эгаллаш, нафақат эгаллаш, балки уни маҳорат билан амалга оширишда фаолиятнинг барча қонуниятлари ва механизмлари амал қилади. Оддийгина бирор касб малакасини эгаллаш учун ҳам унга алоқадор бўлган маълумотларни эслаб қолиш ва керак бўлганда яна эсга тушириш орқали уни бажариш бўлмай, балки ҳам ички (психик), ҳам ташқи (предметга йўналтирилган) ҳаракатларни онгли тарзда бажариш билан боғлиқ мураккаб жараёнлар ётишини унутмаслик керак. Лекин ҳар бир шахсни у ёки бу фаолият тури билан шуғулланишига мажбур қилган психологик омиллар - сабаблар муҳим бўлиб, бу *фаолият мотивларидир*.

Ижтимоий хулқ мотивлари ва шахс мотивацияси. Юқорида биз танишиб чиққан фаолият турлари ўз - ўзидан рўй бермайди. Шахснинг жамиятдаги ижтимоий хулқи ва ўзини қандай тутиши, эгаллаган мавқеи ҳам сабабсиз, ўз - ўзидан рўй бермайди. Фаолиятнинг амалга ошиши ва шахс хулқ - атворини тушунтириш учун психологияда “*мотив*” ва “*мотивация*” тушунчалари ишлатилади.

“*Мотивация*” тушунчаси “*мотив*” тушунчасидан кенгроқ маъно ва мазмунга эга. **Мотивация** - инсон хулқ-атвори, унинг боғланиши, йўналиши ва фаоллигини тушунтириб берувчи психологик сабаблар мажмуини билдиради. Бу тушунча у ёки бу шахс хулқини тушунтириб бериш керак бўлганда ишлатилади, яъни: “нега?”, “нима учун?”, “нима мақсадда?”, “қандай манфаат йўлида?” деган саволларга жавоб қидириш - мотивацияни қидириш демакдир. Демак, у хулқнинг мотивацион таснифини ёритишга олиб келади.

Шахснинг жамиятда одамлар орасидаги хулқи ва ўзини тутиши сабабларини ўрганиш тарбиявий аҳамиятга эга бўлган нарса бўлиб, масалани ёритишнинг икки жиҳати фарқланади: **а)** ички сабаблар, яъни хатти-ҳаракат эгасининг субъектив психологик хусусиятлари назарда тутилади (мотивлар, эҳтиёжлар, мақсадлар, мўлжаллар, истаклар, қизиқишлар ва ҳоказолар); **б)** ташқи сабаблар - фаолиятнинг ташқи шарт-шароитлари ва ҳолатлари. Яъни, булар айни конкрет ҳолатларни келиб чиқишига сабаб бўладиган ташқи стимуллардир.

Шахс хулқ-атворини ичкаридан, ички психологик сабаблар туфайли бошқариш одатда **шахсий диспозициялар** ҳам деб аталади. Улар шахс томонидан англаниши ёки англолмалиги ҳам мумкин. Яъни, баъзан шундай бўладикки, шахс ўзи амалга оширган иши ёки ўзидаги ўзгаришларга нисбатан шаклланган муносабатнинг ҳақиқий сабабини ўзи тушуниб етмайди, “Нега?” деган саволга “Ўзим ҳам билмай қолдим, билмайман”, деб жавоб беради. Бу англолмаган диспозициялар ёки установкалар деб аталади. Агар шахс бирор касбга онгли тарзда қизиқиб, унинг барча сир-асрорларини эгаллаш учун астойдил ҳаракат қилса, бунда вазият бошқачароқ бўлади, яъни, диспозиция англолган, онгли ҳисобланади.

Шу нуктаи назардан *мотив* - конкретроқ тушунча бўлиб, у шахсдаги у ёки бу хулқ-атворга нисбатан турган мойиллик, ҳозирликни тушунтириб берувчи сабабни назарда тутаяди. Машҳур немис олими Курт Левин мотивлар муаммоси, айниқса, шахсдаги ижтимоий хулқ мотивлари борасида катта кенг қамровли тадқиқотлар олиб бориб, шу нарсани аниқлаганки, ҳар бир одам ўзига хос тарзда у ёки бу вазиятни идрок қилиш ва

баҳолашга мойил бўлади. Шуниси ажабланарлики, ўша бир конкрет вазият хусусидаги турли шахсларнинг баҳолари ҳам турлича бўлади. Бундан ташқари, бир шахснинг ўзи ҳам ўзидаги ҳолат, кайфиятга боғлиқ ҳолда бир хил вазиятни алоҳида ҳолларда турлича идрок қилишга мойил бўларкан. Шунинг учун ҳам одамнинг айна пайтдаги реал ҳаракатларини ўша маълум шароитдаги ички ва ташқи стимулларга унинг берган баҳоси ёки реакцияси сифатида қарамай, балки унда шунга ўхшаш ҳолатларни идрок қилишга ички бир хозирлик - диспозициянинг мавжудлиги билан тушунтириш тўғрироқ бўлади. Шу маънода шахс хулқининг мотивацияси турли шароитлардан орттирилган тажрибага таянган, онгли таҳлиллар, ҳаттоки, ижтимоий тажриба нормаларининг таъсирида шаклланадиган сабаблар комплексини ўз ичига олади. Масалан, техника олийгоҳларида: “Материалларнинг қаршилиги” номли курс бор дейлик. Шу курсни ўзлаштириш ва ундан синовдан ўтиш кўпчиликка осонликча рўй бермайди. ҳали курс бошланмасданок, ёш талабаларда шу курс ва унинг талабларига нисбатан шундай установка шаклланадики, албатта, бу курс қийин, уни олиб борувчи ўқитувчи ўта талабчан, қаттиққўл ва хоказо деган. Бундай мотивация мана неча авлод талабалар бошдан кечираётган ҳолат. Энди конкрет шахснинг дарс жараёни бошланган кейинги ҳаракатлари конкрет мотивлар билан изоҳланади ва тиришқоқ талаба учун бу фан ҳам бошқа фанлар қатори тинимсиз изланиш, ўз вақтида дарсларни тайёрлашни талаб қилса, бошқаси учун (дангасароқ талаба учун) бу дарсдан кейин дарс йўқ ва у қачон шу семестр тугагини кутиб ҳаракат қилади.

ҳар қандай мотивларнинг орқасида шахснинг эҳтиёжлари ётади. Яъни, мақсадли қаётда шахсда аввал у ёки бу эҳтиёжлар пайдо бўлади ва айнан уларнинг табиати ва заруратига боғлиқ тарзда хулқ мотивлари намоён бўлади. Мисол учун талабанинг ўқув фаолиятини олиш мумкин. Билим олиш мақсади билим, илм олиш, қизиқувчанлик эҳтиёжини пайдо қилади. Бу эҳтиёж тараққиётнинг маълум бир даврида, масалан, боғча ёшидан бошлаб қониқтирила бошлайди. Болага сотиб олиб берилган китоблар, дафтар ва бошқа ўқув қуроллари, маълум таълим масканида ташкил этилган шарт - шароитлар ва у ердаги бевосита билим олишга қаратилган фаолиятнинг ўзи, бола учун мотив ўрнини босади. Яна бир оддий мисол: кўлингизда китоб бор. Сиз ҳали уни ўқишни бошламадингиз. Лекин ўқиш истаги бор, шу истақнинг ортида эса, ўша мазмунни билиш ва унинг тагига етиш эҳтиёжи туради. Рус олими Р. Немов шахсдаги мотивацион соҳани қуйидагича тасаввур қилади.

Умуман, ҳар қандай шахсдаги мавжуд эҳтиёжларни икки гуруҳга бўлиш мумкин:

1. *Биологик эҳтиёжлар* - бу - физиологик (ташналик, очлик, уйқу), жинсий, мослашув эҳтиёжлари.

2. *Ижтимоий эҳтиёжлар* - бу - меҳнат қилиш, билиш, эстетик ва ахлоқий-маънавий эҳтиёжлар.

Эҳтиёжларни биологик ҳамда ижтимоий турларга бўлганимиз билан шу нарсани унутмаслигимиз лозимки, шахсдаги ҳар қандай эҳтиёжлар ҳам ижтимоийлашган бўлади, яъни, улар ўша жамият ва муҳитдаги қадриятлар, маданий нормалар ва инсонлараро муносабатлар характерига боғлиқ бўлади. Масалан, энг табиий ва тушунарли ҳисобланган бизнинг емишга - овқатга бўлган эҳтиёжимизни олсак, у ҳам конкрет муҳитга қараб турлича ҳаракатларни келтириб чиқаради. Яна мисол учун, тўй маросимлари ёки жуда тўкин дастурхон атрофида ўтирган одам нима учун шунчалик кўп овқат истеъмол қилиб юборганини билмай қолади. Агар бу табиат қўйни ёки пахта даласидаги хашар бўлса-чи, бир бурда иссиқ нон ҳам бутун танага роҳат бахш этувчи малҳам бўлиб, очликни билинтирмайди. Камтарона дастурхондан овқат еб ўрганган киши оз-оз ейишга ўрганса, ёшлигидан нормадан ортиқ еб ўрганган одам врач олдида бориб, ўзи учун оздирувчи дори-дармон сўраса сўрайдики, лекин уйда ўзи емишини назорат қилиши кераклигини билмайди. Демак, бу ҳам маданиятга, этикага, оила муҳитига бевосита боғлиқ нарсан экан - да.

Умуман шахс ижтимоий хулқи мотиви ҳақида гап кетганда, унинг икки томони ёки элементи ажратилади: **ҳаракат дастури ва мақсад**. ҳаракат дастури мақсадга эришишинг

воситаларига аниқлик киритади. Шунинг учун ҳам дастурда назарда тутилган воситалар мақсадга эришишни оклаши керак, акс ҳолда дастур ҳеч нарса бермайди. Масалан, баъзи ота-оналар фарзандларини яхши тарбиялаш ва ундан идеалларидаги шахс етишиб чиқишини орзу қилиб, унинг олдига жуда оғир тарбиявий шартларни қўядилар, бола эркинлиги бўғилади, у қатъий назорат муҳитида ушланади. Оқибатда бола кейинчалик бошқариб бўлмайдиган, қайсар, унча-мунча ташқи таъсирга берилмайдиган бўлиб қолиб, ҳар қандай бошқа ижтимоий шароитда қийналадиган бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам мотив ҳар доим англанди, эҳтиёжлар мувофиқлаштирилган ва мақсадлар ва унга етиш воситалари аниқ бўлиши керак. Шундагина ижтимоий ҳуқуқ жамиятга мос бўлади.

Мотивларнинг турлари. Турли касб эгалари фаолияти мотивларини ўрганишда мотивлар характери билан уларни ўзгартириш муаммоси аҳамиятга эга. Шундай мотивлардан бири турли хил фаолият соҳаларида **муваффақиятга эришиш мотиви** бўлиб, бундай назариянинг асосчилари америкалик олимлар Д. Макклелланд,

Д. Аткинсон ва немис олими Х. Хекхаузенлар ҳисобланади. Уларнинг фикрича, одамда турли ишларни бажаришини таъминловчи асосан икки турдаги мотив бор: **муваффақиятга эришиш мотиви** ҳамда **муваффақиятсизликлардан қочиш мотиви**. Одамлар ҳам у ёки бу турли фаолиятларни киришишда қайси мотивга мўлжал қилишларига қараб фарқ қиладилар. Масалан, фақат муваффақият мотиви билан ишлайдиганлар олдиндан ишонч билан шундай иш бошлайдиларки, нима қилиб бўлса ҳам ютуққа эришиш улар учун олий мақсад бўлади. Улар ҳали ишни бошламай туриб, ютуқни кутадилар ва шундай ишни амалга оширишса, одамлар уларнинг барча ҳаракатларини маъқуллашларини биладилар. Бу йўлда улар нафақат ўз куч ва имкониятларини, балки барча ташқи имкониятлар - таниш - билишлар, маблағ каби омиллардан ҳам фойдаланадилар.

Бошқача ҳуқуқ - атворни муваффиқиятсизликдан қочиш мотивига таянган шахсларда кузатиш мумкин. Масалан, улар биринчилардан фарқли, ишни бошлашдан аввал нима бўлса ҳам муваффиқиятсизликка дучор бўлмасликни ўйлайдилар. Шу туфайли уларда кўпроқ ишончсизлик, ютуққа эришишга ишонмаслик, пессимизмга ўхшаш ҳолат кузатилади. Шунинг учун бўлса керак, охир - оқибат улар барибир муваффиқиятсизликка учраб, “Ўзи сира омадим юришмайдиган одамман-да” деган хулосага келадилар. Агар биринчи тоифали шахслар бир ишни муваффиқиятли тугатгач, кўтаринки руҳ билан иккинчи ишга киришишса, иккинчи тоифа вакиллари, ҳар қандай ишни яқунлагандан сўнг, унинг натижасидан қатъий назар, руҳан тушқунликка тушадилар ва оғриниш ҳисси билан бошқа ишга киришадилар. Бу ўринда *талабчанлик* деган сифатнинг роли катта. Агар муваффиқиятга йўналган шахсларнинг ўзларига нисбатан қўйган талаблари даражаси ҳам юқори бўлса, иккинчи тоифа вакиллари талаблари аксинча, паст бўлади. Бундай ташқари ҳар биримиздаги ўзимиздаги реал қобилиятлар тўғрисидаги тасаввурларимиз ҳам ушбу мотивларнинг фаолиятдаги ўрнига таъсир кўрсатади. Масалан, ўзидаги қобилиятларга ишонган шахс хаттоки, мағлубиятга учраса ҳам, унчалик қайғурмайди, кейинги сафар ҳаммаси яхши бўлишига ишонади. Ишончсиз шахс эса кичкина берилган танбеҳ ёки танқидни ҳам жуда катта руҳий азоб билан қайғуриб бошдан кечиради. Унинг учун ҳам шахснинг у ёки бу вазиятларда қайғуриш сифати ҳам маълум маънода мотивлар характери билан белгилади.

Шундай қилиб, мотивлар тизими бевосита шахснинг меҳнатга, одамларга ва ўз - ўзига муносабатларидан келиб чиқади ва ундаги характер хусусиятларини ҳам белгилайди. Уларнинг ҳар биримизда реал шарт-шароитларда намоён бўлишини бирор масъулиятли иш олдида ўзимизни тутишимиз ва муваффақиятларга эришимиз билан баҳолаш бўлади. Масалан, масъулиятли имтиҳон топшириш жараёнини олайлик. Баъзи талабалар имтиҳон олдида жуда қайғурадилар, хаттоки, кўркадилар ҳам. Улар учун имтиҳон топшириш жуда катта ташвишдай. Бошқалар эса бу жараёни босиқлик билан бошдан кечириб, ичидан ҳаяжонланаётган бўлсалар ҳам, буни бошқаларга билдирмайдилар. Яна учинчи тоифа кишилари умуман беғам бўлиб, сира қайғурмайдилар.

Табиий, шунга мувофиқ тарзда, ҳар бир тоифа вакиллари ишининг муваффақияти ва фаолиятнинг самараси турлича бўлади. Бунга ҳар бир шахсдаги даъвогарлик даражаси ҳам таъсир қилади. Даъвогарлик даражаси юқорироқ бўлганлар билган - билмаганини исбот қилишга уринсалар, ана шундай даражаси пастрлар бор билганини ҳам яхши айтиб беролмай, яна ўқитувчи билан тортишмайдилар ҳам.

Шунинг учун ҳам ҳар биримиз ижтимоий фаолият мотивларидан ташқари, шахсий ҳислатларимизни ҳам билишимиз ва онгли тарзда хулқимизни бошқара олишимиз керак.

Мотивларнинг анланганлик даражаси: ижтимоий установка ва уни ўзгартириш муаммоси. Юқорида таъкидлаганимиздек, мотивлар, яъни хатти-харакатларимизнинг сабаблари биз томонимиздан англаниши ёки анланмаслиги қам мумкин. Юқорида келтирилган барча мисолларда ва ҳолатларда мотив аниқ, яъни шахс нима учун у ёки бу турли фаолиятни амалга ошираётганлигини, нима сабабдан муваффақиятга эришаётганлиги ёки мағлубиятга учраганини билади. Лекин ҳар доим ҳам ижтимоий хулқимизнинг сабаблари бизга аён бўлавермайди. Анланмаган ижтимоий хулқ мотивлари психологияда ижтимоий установка (инглизча “attitud”) ходисаси орқали тушунтирилади.

Ижтимоий установка шахснинг ижтимоий объектлар, ходисалар, гуруҳлар ва шахсларни идрок қилиш, баҳолаш ва қабул қилишга нисбатан шундай тайёргарлик ҳолатики, у бу баҳо ёки муносабатнинг аслида қачон шаклланганлигини аниқ англамайди. Масалан, Ватанимизни ҳаммамиз севамиз, байроғимиз муқаддас, немис инвесторларга ишонамиз, негрларга раҳимимиз келади, тижорат ишлари билан шуғулланадиганларни албатта пулдор, бадавлат, деб ҳисоблаймиз ва ҳақозо. Бу тасаввурлар, баҳо ва ҳиссиётлар қачон ва қандай қилиб онгимизда ўрнашиб қолганлигига эътибор бермасдан юқорида санаб ўтган ҳиссиётларни бошдан кечираверамиз. Мана шуларнинг барчаси ижтимоий установкалар бўлиб, уларнинг мазмун моҳияти аслида ҳар бир инсон ижтимоий тажрибаси давомида шаклланади ва узоқ муддатли хотирада сақланиб, конкрет вазиятларда рўёбга чиқади.

Америкалик олим Г. Оллпорт ижтимоий установканинг уч компонентли тизимини ишлаб чиққан:

А. Когнитив компонент - установка объектига алоқадор билимлар, ғоялар, тушунча ва тасаввурлар мажмуи;

Б. Аффектив компонент - установка объектига нисбатан субъект ҳис қиладиган реал ҳиссиётлар (симпатия, антипатия, лоқайдлик каби эмоционал муносабатлар);

В. ҳаракат компоненти - субъектнинг объектга нисбатан реал шароитларда амалга ошириши мумкин бўлган қаракатлари мажмуи (хулқда намоён бўлиш).

Бу уччала компонентлар ўзаро бир - бирлари билан боғлиқ бўлиб, вазиятга қараб у ёки бу компонентнинг роли устиворроқ бўлиши мумкин. Шунини айтиш лозимки, компонентлараро монандлик бўлмаслиги ҳам мумкин. Масалан, айрим талабалар талабалик бурчи ва тартиб - интизом билан жуда яхши таниш бўлсаларда, ҳар доим ҳам унга риоя қилавермайдилар. “Тасодифан дарс қолдириш”, “жамоатчилик жойларида тартибни бузиш” каби ҳолатлар когнитив ва ҳаракат компонентларида уйғунлик йўқлигини кўрсатади. Бу бир қарашда сўз ва иш бирлиги принципининг турли шахсларда турлича намоён бўлишини эслатади. Агар одам бир неча марта била туриб, ижтимоий хулққа зид ҳаракат қилса, ва бу нарса бир неча марта қайтарилса, у бу ҳолатга ўрганиб қолади ва установкага айланиб қолиши мумкин. Шунинг учун ҳам биз ижтимоий нормалар ва санкциялар воситасида бундай қарама - қаршилик ва тафовут бўлмаслигига ёшларни ўргатиб боришимиз керак. Бу шахснинг истиқболи ва фаолиятининг самарадорлигига бевосита таъсир кўрсатади.

Таянч тушунчалар: Шахс фаоллиги, ташқи фаоллик, ички фаоллик, фаолият, перцептив ҳаракат, мненик фаолият, фикрлаш фаолияти, имажитив фаолияти, малака, кўникма, мотив, ижтимоий установка.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Шахс ва унинг фаоллигини белгиловчи омиллар нималардан иборат?
2. Фаолиятнинг қандай турлари мавжуд?
3. Жисмоний ва ақлий ҳаракатларни тавсифланг.
4. Ижтимоий ҳуққ мотивлари ва шахс мотивацияси .
5. Мотивларнинг турлари санаб беринг
6. Мотивларнинг анланганлик даражаси нималарда акс этади?
7. Ижтимоий установка ва уни ўзгартириш муаммоси.

Мустақил ишлаш учун топшириқлар

1. Шахс ва унинг фаоллигини таҳлил этинг.
2. Фаолият турларини аниқланг.

Мақсад:

Таълим жараёнини такомиллаштириш йўлида таълим олувчилар фаоллигини таъминлаш. Шахснинг ижтимоий борлиқни билишининг ўзига хос йўналишларини аниқлаш. Иқтисодчи мутахассислар таёрлашнинг психологик омилларини ўрганиш.

Режа

1. Таълим олувчиларнинг фаоллигини таъминловчи шарт-шароитлар
2. Идрок қилиш жараёни
3. Иқтисодчи мутахассислар тайёрлашнинг психологик омиллари

Адабиётлар:

1. Каримова В.М. Ижтимоий психология асослари.- Т., 1994
2. Гримак Л.П. Резервы человеческой психики.- М., 1990
3. Климов Е.А. Основы психологии.- М., 1998
4. Ковалев В. С. Мотивы поведения и деятельности. - М., 1988
5. Насиновская Е.Е. Методы изучения мотивации личности. - М., 1988
6. Немов Р.С. Психология. В 3-х кн.- Кн.1.- М., 1998
7. Практическая психодиагностика. Методики и тест.- Самара, 1998
8. «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий ва маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. («Халқ сўзи» газетаси 2006 йил 26 август).
9. Каримов И.А. Демократик ҳуқуқий давлат, эркин иқтисодиёт талабларини тўлиқ жорий этиш, фуқаролик жамияти асосларини қуриш – фаровон ҳаётимиз гаровидир. – Т.: Ўзбекистон, 2007

Таълим жараёнини такомиллаштириш таълим олувчиларнинг фаоллигини таъминловчи шарт-шароитларни яратувчи қулай усул ва шаклларни танлаш ва қўллаш олиш орқали амалга оширилади. Таълим олувчиларни жипслаштириш ва уларни ўқитувчи билан фикрдош бўлишига эришиш ўқитувчидан нафақат чуқур касби бўйича билимга эга бўлишни балки психологик билим асосларини тўғри қўллаш билишни талаб қилади.

Таълим жараёнида ўқитувчи таълим олувчиларда кундалик ҳаётидаги учратувчи стереотип кўринишдан мисол олиши керак бўлади. Стереотип - бу мавжуд воқеликни онгда (хотирада) сақланувчи қабул қилиш усули ва қайта қурувчисидир. Стереотиплар ижобий ва ёлгон бўлиши мумкин. Ижобий стереотипларни ишлатиш нарса ҳақида соддароқ, схематик кўринишда баъзан эса ҳақиқатга яқинроқ билимларни ҳосил қилади. Ихтиёрий схема қанчалик батафсил бўлмасин нарса ҳақида тўлиқ маълумот бераолмайди, шу сабабли унинг ўзини ҳам стереотип сифатида қабул қилиш мумкин. Шу билан биргаликда нарсани энг муҳим томонларини ажратишига имкон беради ва ўқув материалларини яхши қабул қилишига имкон яратади.

Шу сабабли уни ўқиш жараёнининг таркибий қисми деб қараш мумкин. Ўқув жараёнининг самарадорлигини ошириш учун ўқитувчи ўрганиш жараёнининг қандай бўлишини кўз олдида келтиришга керак. Бу жараён сезиш, фикрлашни орқали амалга оширилади.

Сезги бу оддий психик жараён бўлиб, у моддий ҳаётдаги ходисалар ва нарсаларнинг айрим хусусиятлари акс этишидан иборатдир. Бу жараён инсоннинг сезги органлари орқали амалга оширмайди. Сезги органлари нарса ҳақида ахборот қабул қилиб, уни танлайди ва йиғади сўнгра мияга узатади.

Билишнинг кейинги босқичи идрок қилиш бўлиб бунда ҳодиса ва нарсалар сезги органларига бевосита таъсир қилиш натижасидан инсон онгида уларнинг акси ҳосил

бўлишидан иборатдир. Идрок жараёнида сезги натижалари тартибланади ва жонланиб ходиса ва нарсаларнинг бутун образи ҳосил бўлади.

Инсоннинг ўзини тутиши кўпроқ ўзи иштирокчи бўлиб турган воқеликни қандай қабул қилишига боғлиқдир. Шу сабабли идрок инсоннинг ўзини тутишини изоҳловчи муҳим манба ҳисобланади. Инсонни ўзи қатнашаётган воқеликни идрок қилишини ўзгартириш орқали унинг ўзини тутишини ўзгартириш мумкин. Шу сабабли талабаларда замонга мос иқтисодий фикрлашни сингдириш орқали улардаги эски стереотипларни бузиш мумкин ва уларда меҳнатнинг сифатли ва унумдор бўлишига асосланган ишлаб чиқаришга тамоман янги муносабатда бўлишни шакллантириш мумкин.

Ишлаб чиқаришни жорий қилиниши каби мисолларда, ишлаб чиқаришнинг янги усули, одамлар онги ва психологиясининг ўзгаришини яққол намоён қилаётганлигини кўриш мумкин. Инсонда мулкга эгалик ҳиссиётининг пайдо бўлиши унинг ишга масъулиятини оширади, эскича ишлаб чиқаришни бошқариш усули қўлланилганда режани бажариш мумкин бўлмаган ҳолатда ҳам у ностандарт ва ориганал усулларни излайди ва қидириб топади.

Идрок қилиш жараёни талабанинг нафақат дарс давомида балки унинг алоҳида босқичларида ҳам давом этади. Дарс давомида янги ўқув материалларини ўзлаштириши учун талабаларни унга тайёрлаш лозим бўлади, яъни талабаларнинг эски тажрибасини янги ўқув материаллари билан боғлаш зарур бўлади. Ўқув материалларини қабул қилиш ва ўзлаштириш ўқув жараёнида янги ўқув қуролларини: ўқув қўлланмалардаги схемалар, қурилмалар, тажрибаларни намоён қилиш орқали амалга оширишга натижаси юқори бўлади. Аммо ўқув қуролларининг мавжудлиги ва уларни хонага илиб қўйиш ўздан-ўзи юқори натижа бермайди, қолаверса талабаларни чалғитади. Уларни ишлатиш ўқитувчининг баёни билан узвий боғланган бўлиши лозим. Шундагина бу қуроллар ўқув дарсларида мўлжалланган натижаларни талабаларда шакллантириш мумкин. Бу ерда муҳим талабаларга ўқув қуролларини намоён қилиш тезлиги, кетма-кетлиги ва уларнинг жойлаштиришидир. Масалан, эслаб қолиш учун зарур бўлган энг муҳим материаллар текисликни ўнг томонидан юқори бурчакда жойлаштирилгани мақсадга мувофиқдир. Фақатгина шу қисмда энг муҳим хотирада қолиши зарур бўлган ҳамма материаллар тўпланган бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги шароитида аҳолининг орасида ишбилармон - тадбиркор хусусиятига эга бўлган одатларни ҳосил қилувчи иқтисодий ва ижтимоий жараёнлари ўзига йўл топмоқда. Бундай одамларни менежер бошқариш жараёнини менежмент деб атамоқда.

Менежер - бу бозор сиёсатида асосланган муносабатларда бошқаришни маҳорат билан олиб боровчи одамдир. Менежер бошқариш жараёнини тушунган бўлиши, бошқариш даражаси бўйича жавобгарликни тақсимлай олувчи, иқтисод ва маркетингни, ахборотлар технологиясини билувчи, ўзининг фирмасининг иш жараёнини режалаштирадиган ва унинг келажагини кўра оладиган бўлиши керак. Менежер одамлар билан ишлай оладиган, (ўзига бўйсунадиган одамлар билан), фирма ва унинг истеъмолчилари, бошқа фирмалар билан алоқани йўлга, қўя оладиган муҳим, мураккаб ўзгарувчан ҳолатларда ечишни топа оладиган, фикрини равшан ва тушунадиган ҳолатда изҳор қилувчи мутахассис бўлиши керак. Ташкилотни яхши бошқариши учун бошқарувчи аниқ шахсий мақсадга эга бўлиши, баъмани баҳолаш қобилиятига эга бўлиши, замонавий бошқариш усулларини билиши, қарама-қарши ўзгарувчан ва мураккаб ҳолатларни тушуна билладиган, улардан чиқиб кетиш йўлини топа оладиган, пайдо бўладиган муаммоларни еча оладиган ва фавқулодда ҳолатларни ечишни топа оладиган хусусиятга эга бўлиши зарурдир. Бундан ташқари улар инновация мос асосли фикрловчи, ориганал проектларни тайёрловчи, ўзининг қўл остидагиларга ўрганувчи ва уларни ривожлантирувчи, яхши ишлайдиган ишчи гуруҳларни туза олувчи ва ривожлантира олувчи бўлиши керак.

Кейинги пайтларда менежментга қизиқиш маълум маънода АҚШ да кенг тарқалган менежмент мактабларининг ташкил топиши ва ривожланишига боғлиқ бўлиб улар

бошқариш тизимининг бир қисмини ташкил қилади ва масалаларни қамраб олиши жиҳатидан бизнес ва менежмент соҳасидаги изланишлардан иборатдир.

Жаҳон амалиётида Америка йўли билан менежменти ташкил топиши ягона эмасдир. Япония чет элларда ишлашни хоҳловчилар учун уларни тайёрловчи учта бизнес мактаблари мавжуд. Европада эса «Менежментни ривожлантиришнинг Европа фонди» ассоциациясида 300 га яқин менежер тайёрловчи ўқув марказлари мавжуддир.

ҳозирги пайтда турли мамлакатларда менежер тайёрлаш моҳияти ва ўқитиш усули жиҳатидан бир-бирига уйғунлашмоқда. Менежмент мустахассислик сифатида, билим сифатида халқаро аҳамиятга эга бўлмоқда.

ҳар бир мамлакатнинг шу соҳадаги бошқариш усулини ўзлаштириш ва унинг тажрибасини ўрганиш муҳим аҳамиятга ва қимматга эгадир. Менежментнинг назарияси ва амалиёти Г.Куну, Д.М.Гвишиани, Майкл Мескен, А.Қодиров томонидан ёритилган.

Менежер - махсус тайёрланган бошқарувчидир. Бошқаришда ўзининг фойдалилиги томонидан менежерлар фарқланади. Бу нимадан бўлиши мумкин? Америка, Европа ва Япониянинг машҳур менежерлари орасида сўров ўтказилганда улар менежер фаолиятининг муҳим томонлари деб қуйидагиларни ажратишган:

1. Менежерлик иши билан ишлашга ҳошиши ва қизиқиш.
2. Одамлар билан иш олиб бориш қобилияти, муомала қилиш қобилияти, биргаликда ишлаш, ишонтириш, одамларга таъсир қила билиши.
3. Фикрлашда энг яхши ностандарт ва шароитга мос ечимларни топа билиши.
4. Масъулиятни ва таваккалчиликни энг қулай бириктирувчи феълга эга бўлиш.
5. Воқеалар ривожини олдиндан кўра билиш, қабул қилинган ечимларнинг натижасини башорат қила билиши ва сезгир бўлиш.
6. Бошқаришда махсус тайёргарликга эга бўлиш ва юқори профессионал маҳоратга эга бўлиш.

Бундан кўринадики менежернинг биринчи 5 та хусусияти унинг психологик сифатини билдиради.

Эффектив бошқаришни таъминловчи шахсий психологик сифатларни ўрганиш Стоцилл Р. ни таърифига асосан шахснинг қуйидаги зарурий хусусиятлари ва белгиларини ажратади:

1. Доминонга - бўйсунувчиларга таъсир кўрсата билиш.
2. Ўзига ишониш.
3. ҳаяжонларга берилмаслик ва оғир пайтларда босиқ бўлиш (бошлиқ ўзининг ҳолатини бошқара билиши, ўзини боса билиши ва эмоционал ҳолатлардан тез чиқа билиши).
4. Юқори амалий интелектга эга бўлиш, масалани илмий еча билиши.
5. Ютуқларга эга бўлишга ҳаракат қилиш ва ишбилармонлик хусусиятига эга бўлиш, масалани ечишни ўз зиммасига олишга тайёр бўлиш, ақлга асосланган ҳолда иш кўриш, таваккалчиликга берилмаслик.

Д.Маккеланд қуйидаги қизиқ нарсаларни таъкилайди: қўйилган мақсадга эришишга интилувчи тадбиркорлар учун пул унчалик муҳим аҳамиятга эга бўлмасдан асосан мақсадга эришиш даражаси муҳимроқ ҳисобланади. Шу маънода А.Хаммерни «Мен учун бизнес - бу фақат бойликга эришиш учун ҳаракат эмас. Бизнес мени рағбатлантиради, бутун ақлий қобилиятимни бир ерга йиғиб чексиз кўп масалаларни кичкина нарсалардан бошлаб то муҳим ечимларгача ечишга жалб қилади» деб тан олганлиги аҳамиятга моликдир.

6. Қўйилган вазифани бажаришда ишончи ва масъулиятли, ҳақиқатгўй бўлиш ваъдага вафоли бўлиш.

7. Қарор қабул қилишни мустақил ва ўзи ҳал қилиш.
8. Ўзгарувчан ҳолатга тез мослашиш.

9. Одамлар билан ҳамкорлик қила билиш, улар билан муомила қила билиш ва тез кўришиб кетиш. ҳаммага маълум менеджер Л.Ялокка бундай дейди - «Қобилиятли менеджерлар амалга кўтарила олмаслигининг бош сабаби улар ўзларининг касбдошлари билан ва қўл остидагилари билан ёмон муомалада бўлишидир».

Ўзбекистон сиёсий ва иқтисодий мустақилликка эга бўлиб кўп қаррали бозорга асосланган иқтисодга ўтаётган ва мамлакатда ижтимоий муҳитни демократиклаштириш даврида иқтисодчи мутахассисларни тайёрлаш муҳим роль ўйнайди.

Булар нафақат жамиятни бошқариш фанини ва замонавий иқтисодий билимларни билиши зарур бўлиб булардан ташқари шахсий ишбилармонлик сифатига эга бўлиши, мурувватли бўлиши, Ўзбекистонга хос шароитга мослаша билиши ва ечим қабул қила билиши, одамлар орасидаги одатларни тушуна билиши, одамларни миллий психологиясини ҳисобга ола билиши зарурдир. Фақат шу ҳолдагина бошқариш ўз мақсадига етади, қабул қилинган қарорлар эса ҳақиқатан ҳам муҳим бўлади. Бошқа томондан, Ўзбекистон менеджерлари фақатгина мамлакат ичида ишлаш учун тайёр бўлмасдан балки ташқи мамлакатларда ҳам ишлашга тайёр бўлиши ва пировордада Шарқ ва ғарб мамлакатлари бозорида ўзларини ўринларини эгаллаш усулларини билиши, ва фаоллик кўрсата билиши, ўзларининг профессионал тайёргарлиги халқаро талабга жавоб бера билиши зарурдир.

Бунинг учун эса бўлажак иқтисодчи мутахассисларга етарли билим ва касбий кўникмалар ҳосил қилишдан ташқари уларда ишбилармонлик, мустақил жавобгарликни ўз бўйнига ола билиш, мақсадли ва онгли таваккал қила билиши ва бошқа бир қатор хусусиятларни шакллантириш лозим бўлади. Шу бугунгача Ўзбекистонда менеджерларни тайёрлаш тасодифий характерга эга. Мамлакатда уларни тайёрлаш учун ўқитувчи мутахассислар етишмайди, лекин талабга жавоб берадиган ўқув режалари ишлаб чиқилмоқда. Иқтисодчи мутахассисларни тайёрлаш соҳасида Ўзбекистонга хос шароитда бозорга асосланган иқтисодни бошқариш ҳақида тизимли ўқув адабиётлари кам чет эллар адабиётларининг таржима қилинганлари (иқтисод соҳасида, маркетинг, менеджмент социология ва психология бўйича) республикамизнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олмайди ва табиийки мутахассисларни тайёрлашдаги қайд этилган талабларга жавоб бермайди.

Таянч тиушунчалар: таълим олувчи, таълим жараёни, стереотип, ижтимоий борлик, менеджер.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Таълим олувчиларнинг фаоллигини таъминловчи шарт-шароитлар нималардан иборат?
2. Идрок қилиш жараёнини тавсифланг.
3. Иқтисодчи мутахассислар тайёрлашнинг психологик омиллари нималардан иборат?
4. Шахсий психологик ва касбий сифатларининг ўзаро алоқадорлик омиллари.

Мустақил ишлаш учун топшириқлар:

1. Таълим олувчиларнинг фаоллигини таҳлил этиш
2. Шахсий психологик ва касбий сифатларни аниқланг ўзаро алоқадорлик омиллари

Мақсад:

Шахснинг индивидуал хусусиятларини ўрганиш ва уларни диагностика қилиш. Талабаларга характер, темперамент ва қобилиятлар ҳақида тушунча бериш.

Режа:

1. Индивидуал -типологик хусусиятлар классификацияси
2. Шахс иқтидори ва қобилиятлар диагностикаси
3. Қобилиятлардаги туғма ва орттирилган сифатлар
4. Қобилиятларнинг психологик структураси
5. Темперамент ва фаолиятнинг индивидуал хусусиятлари
6. Характер ва шахс

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида : хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.- Т., 1998
2. Мерлин В.С. Структура личности. Характер, способности, самосознание.- Пермь, 1990
3. Немов Р. С. Психология .- В 2-х кн. Кн.1.- М., 1998
4. Практическая психодиагностика. Методики и тесты.- М., 1999
5. Каримов И.А. Инсон унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий кадрият. 14-т. Т.: Ўзбекистон, Нашриёт – Матбаа ижодий уйи. 2006
6. Каримов И.А. Демократик ҳуқуқий давлат, эркин иқтисодиёт талабларини тўлиқ жорий этиш, фуқаролик жамияти асосларини қуриш – фаровон ҳаётимиз гаровидир. – Т.: Ўзбекистон, 2007

Индивидуал - типологик хусусиятлар классификацияси.

Юқорида таъкидлаганимиздек, ҳар бир шахс ўзига хос қайтарилмас дунё. Дунёда бир - бирига айнан ўхшаш бўлган икки кишини топиш жуда мушкул. Одам ташқи қиёфаси, бўйи - басти билан бошқа бирор кимсага ўхшаши мумкин, лекин феъли, мижози ва шахс сифатидаги хусусиятлари нуқтаи назаридан айнан бир хил инсонлар бўлмайди. ҳаттоки, олимлар битта тухумда ривожланган эгизакларда ҳам жуда кўп жиҳатдан айнан ўхшашликни қайд қилишган, шахсий сифатларидаги корреляцияда эса баъзи тафовутлар аниқланган.

Шахс - қайтарилмас, у ўз сифатлари ва борлиги билан ноёбдир. Ана шу қайтарилмаслик ва ноёбликнинг асосида унинг индивидуал психологик хусусиятлари мажмуи ётади. Шу ўринда биз юқорида таъриф берган шахс тушунчаси билан ёнма - ён ишлатиладиган яна икки тушунчага изоҳ бериш ўринли деб ҳисоблаймиз. Бу - “индивид” ва “индивидуаллик” тушунчаларидир. **“Индивид”** тушунчаси умуман “одам” деган тушунчани тўлдириб, унинг ижтимоий ва биологик мавжудот сифатида мавжудлигини тасдиқлайди ва уни бир томондан, бошқа одамлардан фарқловчи белги ва хусусиятларини ўз ичига олади, иккинчи томондан, ўзига ва ўзига ўхшашларга хос бўлган умумий ва характерли хусусиятларни қамраб олади. Демак, индивид - инсонга алоқадорлик фактини тасдиқловчи илмий категориядир.

“Индивидуаллик” - юқоридаги иккала тушунчага нисбатан торроқ тушунча бўлиб, у конкрет одамни бошқа бир конкрет одамдан фарқловчи барча ўзига хос хусусиятлар мажмуини ўз ичига олади. Шу нуқтаи назардан шахс тизимини таҳлил қиладиган бўлсак, шахснинг индивидуаллигига унинг қобилиятлари, темпераменти, характери, иродавий

сифатлари, эмоциялари, хулқиға хос мотивация ва ижтимоий установакалари киради. Айнан шу қайд этиб ўтилган категориялар шахсдаги индивидуалликни таъминловчи категориялардир. Унинг маъноси шундаки, бўйи, эни, ёши, сочининг ранги, кўз қарашлари, бармоқ ҳаракатлари ва шунга ўхшаш сифатлари бир хил бўлган инсонларни топиш мумкин, лекин характери, қобилиятлари, темпераменти, фаолият мотивацияси ва бошқаларга алоқадор сифатлари мажмуи бир хил бўлган одамни топиб бўлмайди. Улар - индивидуалдир.

Қобилиятлар - шахсдаги шундай индивидуал, турғун сифатларки, улар одамнинг турли хил фаолиятдаги кўрсаткичлари, ютуқлари ва қийинчиликлари сабабларини тушунтириб беради.

Темперамент - инсоннинг турли вазиятларда нарса, қодиса, ҳолатлар ва инсонларнинг хатти-ҳаракатларига нисбатан реакциясини тушунтириб берувчи хусусиятлари мажмуидир.

Характер - шахснинг алоҳида инсонлар ва инсонлар гуруҳи, ўз - ўзига, вазиятлар, нарсалар ва ҳодисаларга нисбатан муносабатларидан орттирадиган сифатларини ўз ичига олади.

Иродавий сифатлар - ҳар биримизнинг ўз олдимизга мақсад қўйиб, унга эришиш йўлидаги қийинчиликларни енгишимизни таъминловчи маълум сифатларимиз мажмуини ўз ичига олади.

Эмоциялар ва мотивация эса атрофимизда содир бўлаётган ҳодисалар, бизни ўраб турган одамлар ва уларнинг хатти-қаракатларини руқан қандай қабул қилиб, уларга билдирадиган қиссий муносабатларимизни билдирувчи сифатларимиз бўлиб, улар айна вазиятлардаги реал ҳолатларимиздан ва уларнинг онгимизда акс этишидан келиб чиқади.

Ижтимоий установа - юқоридаги барча хусусиятлар комплексига эга инсоннинг турли ижтимоий вазиятлардаги фаолият ва ҳаракатларга руҳан ҳозирлиги ва муносабат билдириш услубидан келиб чиқадиган чуқур ички ҳолатидир.

Биз юқорида санаб ўтган индивидуал психологик хусусиятларнинг аҳамияти катта. Улар бизнинг жамиятдаги ўрнимиз, обрў - эътиборимиз, ишдаги ва ўқишдаги ютуқларимиз, инсон сифатидаги қиёфамизни, ким эканлигимизни, керак бўлса, ўзлигимизни белгилайди. Ким билан қаерда учрашмайлик, ўша инсоннинг бугунги ҳолати, кайфияти, бизга ва биз билдираётган фикрларга муносабати, ҳамкорликда ишлаш тилак - истакларига доимо эътибор берамиз ва бу масала биз учун муҳим бўлади. Худди шундай суҳбатдош ҳам суҳбатнинг бошиданок, бизни ўргана бошлайди. Чунки агар суҳбатдошлар бир - бирларини билсалар биргаликдаги фаолиятни самарали ташкил этиш ва ундан фойда олиш имконияти кўпроқ бўлади. Шунинг учун ҳам ишда ҳам, дам олишга отланган чоғда ҳам, қаерда бўлса ҳам ўзимизга “қўшни” танлаганда унинг инсон сифатида қандай эканлигига қизиқамиз. Агар суҳбатдош ёки шерик бизга таниш бўлмаса, уни таниганлардан олдиндан сўраб ҳам оламиз ва бунда айнан унинг нимага қобиллиги, феъли, ишга, одамларга муносабатини сўраймиз ва хоҳлаймизки, у тўғрисида “Жуда хушфеъл, одамгир ...”каби таснифларни эшитгимиз келади. Бирор ерга ишга кираётган пайтда ҳам раҳбар албатта ўзига яқин одамлардан янги ходимнинг характерини, қобилиятини ва муҳим нарсаларга муносабатини албатта сўрайди ва шу асосда суҳбатга тайёрланади.

Демак, индивидуал сифатлар бизнинг онгли ҳаётимизнинг ажралмас қисми, идрокимиз, хотирамиз ва фикрларимиз йўналтирилган муҳим предмет экан. Чунки айнан улар бизнинг турли фаолиятларни амалга ошириш ва ишларни бажаришдаги индивидуал услубимизга бевосита алоқадор. Кимдир жуда чакқон, тез иш қилади, лекин сифатсиз. Кимдир жуда яхши қойилмақом иш қилади, лекин жуда секин, кимдир ишга юзаки қараб, номига уни бажарса, бошқа бир одам унга бутун вужуди ва эътиқоди билан муносабатда бўлиб, тинимсиз изланади ва жамият учун манфаат қидиради. Шунинг учун ҳам индивидуалликнинг фаолият ва мулоқотдаги самарасини инобатга олиб, энг муҳим индивидуал - психологик хусусиятларни алоҳида ўрганамиз.

Шахс иқтидори ва қобилиятлар диагностикаси. Одамларнинг ўқув, меҳнат ва ижодий фаолиятидаги ўзига хосликни тушунтириш учун психология фани биринчи навбатда қобилиятлар ва иқтидор масаласига мурожаат қилади. Чунки қобилиятли одамдан аввало жамият манфаатдор, қолаверса, ўша инсоннинг ўзи ҳам қилган ҳар бир ҳаракатидан ўзи учун наф кўради.

Қобилиятлар муаммоси энг аввало инсон ақлу - заковатининг сифати, ундаги малака, кўникма ва билимларнинг борлиги масаласи билан боғлиқ. Айниқса, бирор касбнинг эгаси бўлиш истагидаги ҳар бир ёшнинг ақли ва интеллектуал салоҳияти унинг малакали мутахассис бўлиб етишишини кафолатлагани учун ҳам психологияда кўпроқ қобилият тушунчаси ақл заковат тушунчаси билан боғлаб ўрганилади. ҳар бир нормал одам ўзининг ақли бўлишини хоҳлайди, “Мен ақлиман” демаса-да, қилган барча ишлари, гапирган гапи, юритган мулоҳазаси билан айнан шу сифат билан одамлар уни макташларини хоҳлайди. “Ақлсиз, нодон” деган сифат эса ҳар қандай одамни, хаттоки, ёш болани ҳам ҳафа қилади. Яна шу нарса характерлики, айниқса, бизнинг шарқ халқларида бирор кимсага нисбатан “ўта ақлли” ёки “ўта нодон” иборалари ҳам ишлатилмайди, биз бу хусусиятларни ўртача таснифлар доирасида ишлатамиз : “Фалончининг ўғли анчагина ақлли бўлибди, наригининг фарзанди эса бироз нодон бўлиб, ота - онасини куйдираётган эмиш” деган иборалар аслида “ақллилик” категорияси инсоннинг юрагига яқин энг нозик сифатларига алоқадорлигини билдиради.

Илм - фандаги анъаналар шундайки, ақл ва идрок масаласи, одамнинг интеллектига боғлиқ сифатлар жуда кўплаб тадқиқотлар объекти бўлган. Олимлар қобилиятларнинг ривожланиш механизмлари, уларнинг психологик таркиби ва тизимини аниқлашга, ишончли методикалар яратиб, ҳар бир кишининг ақли сифатига алоқадор бўлган кўрсаткични ўлчашга уринганлар. Кўпчилик олимлар одам интеллектида унинг вербал (яъни сўзларда ифодаланадиган), миқдорий (сонларда ифодаланадиган), фазовий кўрсаткичларни аниқлаб, уларга яна мантиқ, хотира ва ҳаёл жараёнлари билан боғлиқ жиҳатларни ҳам қўшганлар.

Ч. Спирмен факториал анализ методи ёрдамида юқорида санаб ўтилган кўрсаткичлар ўртасида боғлиқлик борлигини исбот қилиб, ақлнинг ҳақиқатан ҳам мураккаб тузилмага эга бўлган психик хусусият эканлигини кўрсатди. Бошқа бир олим Дж. Гильфорд эса ақлни бир қатор ақлий операциялар (анализ, синтез, таққослаш, мавҳумлаштириш, умумлаштириш, системага солиш, классификация қилиш) натижасида намоён бўладиган хусусият сифатида ўрганишни таклиф этган. Бу олимлар ақл сўзидан кўра интеллект сўзини кўпроқ ишлатиб, бу сўзнинг ўзига хос талқини борлигига эътиборни қаратганлар. Чунки уларнинг фикрича, интеллектуал потенциалга эга бўлган шахснигина қобилиятли, деб аташ мумкин. Интеллектуал потенциал эса бир томондан ҳаётдаги барча жараёнларга, бошқа томондан - шахсга бевосита алоқадор тушунча сифатида қаралган ва унинг аҳамияти шундаки, у борлиқни ва бўладиган ходисаларни олдиндан башорат қилишга имкон беради. Шу ўринда “интеллект” сўзининг лўғавий маъносини тушуниб олайлик. Интеллект - лотинча сўз - intellectus - тушуниш, билиш ва intellectum - ақл сўзлари негизидан пайдо бўлган тушунча бўлиб, у ақл - идрокнинг шундай бўлагики, уни ўлчаб, ўзгартириб, ривожлантириб бўлади. Бу - интеллект ва у билан боғлиқ қобилиятлар ижтимоий характерга эга эканлигидан дарак беради. Дарҳақиқат, қобилиятлар ва интеллектга бевосита ташқи муҳит, ундаги инсоний муносабатлар, яшаш даври таъсир кўрсатади. Буни биз бугунги кунимиз мисолида ҳам кўриб, ҳис қилиб турибмиз. Янги авлод вакиллари - келажагини ХХI аср билан боғлаган ўғил-қизларнинг интеллект даражаси уларнинг ота - боболариникидан анча юқори. ҳозирги болалар компьютер техникасидан тортиб, техниканинг барча турлари жуда тез ўзлаштириб олмоқда, жаҳон тилларидан бир нечтаси билиш кўпчилик учун муаммо бўлмай қолди, минглаб топшириқлардан иборат тестларни ҳам ёшлар ўзлаштиришда қийналмаяптилар. Қолаверса, оила муҳитининг ақл ўсишига таъсирини ҳамма билса керак. Агар бола оилада илк ёшлигидан маърифий муҳитда тарбияланса, унинг дунёқараши кенг, хоҳлаган соҳа

предметларидан бериладиган материалларни жуда тез ва қийинчиликсиз ўзлаштира олади. хаттоки, бундай болага олий ўқув юртида бериладиган айрим предметлар мазмуни ҳам ўта тушунарли, улар янада мураккаброқ масалаларни ечишни хоҳлайди.

Қобилиятлардаги туғма ва орттирилган сифатлар. Баъзан ўта иқтидорли ва қобилиятли бола ҳақида гап кетса, ундаги бу сифат туғма эканлигига ишора қилишади. Талантли, гениал олим, санъаткор ёки мутахассис ҳақида гап кетса ҳам худди шундай. Умуман қобилиятларнинг туғма ёки орттирилган эканлиги масаласи ҳам олимлар диққат марказида бўлган муаммолардан. Психологияда туғмалик аломатлари бор индивидуал сифатлар *лаёқатлар* деб юритилди ва унинг икки хили фарқланади : табиий лаёқат ва ижтимоий лаёқат. Биринчиси одамдаги туғма хусусиятлардан - олий нерв тизими фаолиятининг хусусиятлари, миянинг ярим шарларининг қандай ишлаши, қўл - оёқларнинг биологик ва физиологик сифатлари, билиш жараёнларини таъминловчи сезги органлари - кўз, қулоқ, бурун, тери кабиларнинг хусусиятларидан келиб чиқса (булар наслий ота - онадан генетик тарзда ўтади), ижтимоий лаёқат - бола туғилиши билан уни ўраган муҳит, мулоқот услублари, сўзлашиш маданияти, қобилиятни ривожлантириш учун зарур шарт - шароитлар (улар ота - она томонидан яратилади)дир. Лаёқатлилик белгиси - бу ўша индивидга алоқадор бўлиб, у бу иккала лаёқат муҳитини тайёрича қабул қилади.

Қобилиятсизлик ва интеллектнинг пастлиги сабабларидан ҳам бири шуки, ана шу икки хил лаёқат ўртасида тафовут бўлиши мумкин. Масалан, гениал рассом оиласида бола туғилди дейлик. Унда рассомчилик учун туғма, генетик белгилар отаси томонидан берилган дейлик. Лекин боланинг онаси фарзандининг ҳам рассом бўлишини хоҳламаслиги, ўзига ўхшаш қўшиқчи бўлишини хоҳлаши мумкин. Аёл болани ёшлиқдан фақат мусиқа муҳитида тарбиялайди. Табиий лаёқатнинг ривожини учун ижтимоий лаёқат муҳити йўқ, ижтимоий лаёқат ўсиши учун эса табиий, туғма лаёқат йўқ бўлгани сабабли, болада ҳеч қандай талант намоён бўлмаслиги, у оддийгина мусиқачи ёки қўшиқчи бўлиш билан чекланиши мумкин. Интеллект тестлари ва қобилиятдаги туғма ва орттирилган белгиларни ўрганишнинг психологик аҳамияти айнан шунда. Илк ёшлиқдан боланинг ўзидаги мавжуд имкониятларни ривожлантириш шарт - шароитини яратиш ишини тўғри йўлга қўйиш керак.

Орттирилган сифати шуки, бола токи билим, малака ва кўникмаларни ўстириш борасида ҳаракат қилмаса, энг кучли туғма лаёқат ҳам лаёқатлигича қолиб, у иқтидорга айланмайди. Энг талантли, машҳур шахсларнинг энг буюк ишлари, эришилган улкан муваффақиятларининг тагида ҳам қисман лаёқат ва асосан тинимсиз меҳнат, интилиш, ижодкорлик ва билимга чанқоклик ётган. Шунинг ҳам унутмаслик керакки, қобилиятсиз одам бўлмайди. Агар шахс адашиб, ўзидаги ҳақиқий иқтидор ёки лаёқатни билмай, касб танлаган бўлса, табиий, у атрофдагиларга лаёқатсиз, қобилиятсиз кўринади. Лекин аслида нимага унинг қобилияти борлигини ўз вақтида тўғри аниқлай олишмагани сабаб у бир умр шу тоифага кириб қолади.

Шунинг учун ҳам ҳар бир онгли инсон ўзидаги қобилият ва зехнини илк ёшлиқдан билиб, ўша ўзи яхши кўрган, “юраги чопган” иш билан шуғулланса, ва ундан қониқиш олиб, қобилиятини ўстиришга имконият топиб, ютуқларга эришса, биз уни *иқтидорли* деймиз. Иқтидор - инсоннинг ўз хатти - ҳаракатлари, билимлари, имкониятлари, малакаларига нисбатан субъектив муносабатидир. Иқтидорли одам гениал ёки талантли бўлмаслиги мумкин, лекин у ҳар қандай ишда мардлик, чидамлилик, ўз - ўзини бошқара олиш, ташаббускорлик каби фазилатларга эга бўлиб, ўзлари шуғулланаётган ишни бажонидил, ситқидилдан бажаради. Улар ана шундай ҳаракатлари билан баъзи ўта истеъдодли, лекин камҳаракат кишилардан кўра жамиятга кўпроқ фойда келтиради. Иқтидорли инсонда истеъдод соҳиби бўлиш имконияти бор, зеро *истеъдод* - ҳар томонлама ривожланган, ниҳоятда кучли ва такрорланмас қобилиятдир. У тинимсиз меҳнат, ўз қобилиятини такомиллаштириб бориш йўлида барча қийинчиликларни енгиш ва иродаси , бутун имкониятларини сафарбар қилиш натижасида қўлга киритилади.

Қобилиятларнинг психологик структураси. Қобилиятлар аввалом бор *умумий* ва *махсус* турларга бўлинади ва ҳар бирининг ўз психологик тизими ва тузилиши бўлади. Шахснинг умумий қобилиятлари ундаги шундай индивидуал сифатлар мажмуиқи, улар одамга бир қанча фаолият соҳасида ҳам муваффақиятли фаолият кўрсатиш ва натижаларга эришишга имкон беради. Масалан, техника олий ўқув юртининг талабаси ҳам ижтимоий - гуманитар, ҳам аниқ фанлар, ҳам техника фанлари соҳасидаги билимларни ўзлаштира олади. Бунда унга умумий билимдонлик, нутқ қобилиятлари, тиришқоқлик, чидам, қизиқувчанлик каби қатор сифатлар ёрдам беради.

Махсус қобилиятлар эса маълум бир соҳада ютуқларга эришиш, юқори кўрсаткичлар беришга имкон берувчи сифатларни ўз ичига олади. Масалан, спорт соҳаси билан бухгалтерлик ҳисоб-китоби бўйича ишлаётган икки кишида ўзига хос махсус қобилиятлар бўлмаса бўлмайди.

ҳар бир қобилият ўзининг тизимига эга. Масалан, математик қобилиятни оладиган бўлсак, унинг таркибига умумлаштириш малакалари, ақлий жараёнларнинг эгилувчанлиги, мавҳум тафаккур қила олиш каби қатор хусусиятлар киради. Адабий қобилиятларга улардан фарқли, ижодий ҳаёл ва тафаккур, хотирадаги ёрқин ва кўрғазмали образлар, эстетик ҳислар, тилни мукамал билишга лаёқат; педагогик қобилиятларга эса - педагогик одоб, кузатувчанлик, болаларни севиш, билимларни ўзгаларга беришга эҳтиёж каби қатор индивидуал хоссалар киради. ҳудди шунга ўхшаш қолган барча қобилиятларни ҳам зарур сифатлар тизимида таҳлил қилиш мумкин ва бу катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлади.

Қобилиятлар ва қизиқишлар диагностикаси. Амалий психологиянинг бугунги кундаги энг муҳим ва долзарб вазифаларидан бири лаёқат қуртакларини илк ёшлиқдан аниқлаш, интеллект даражасига кўра шахс қобилиятлари йўналишини очиб беришдир. Шунинг учун ҳам ҳозирда кўплаб интеллект тестлари ва қобилиятларни диагностика қилиш усуллари ишлаб чиқилган ва улар муваффақиятли тарзда амалиётда қўлланмоқда.

Қобилиятларни ўлчаш муаммоси XIX асрнинг охири - XX асрнинг бошларига келиб изчил ҳал қилина бошланди. Хорижда бундай ишлар Спирмен, Бине, Айзенк ва бошқалар томонидан ўрганилди. Улар қобилиятлар ва иқтидорни ўрганиш учун махсус тастлардан фойдаландилар. Бу тестларнинг умумий моҳияти шундаки, уларда топшириқлар тизими тобора қийинлашиб борувчи тестлар - топшириқлар батареясидан иборат бўлади. Масалан, Айзенкнинг машҳур интеллект тести 40 та топшириқдан иборат бўлиб, у интеллектуал жараёнларнинг кечиши тезлигини ўлчайди. Бу ерда вақт мезони муҳим ҳисобланади. Бошқа муамллифлар секин ишлаш - қобилиятсизлик белгиси эмас деб, бошқачароқ усулларни ўйлаб топганлар. Кўпчилик олимлар учун, масалан, рус олимлари учун қобилиятни ўлчашнинг ишончли мезони - бу шахс ютуқларини ва унинг қобилиятидаги ўзгаришларни бевосита фаолият жараёнида қайд этишдир. Рус олими Е.А. Климов ёшлар иқтидорининг йўналишини аниқлаш мақсадида фаолият ва касб - ҳунар соҳаларини асос қилиб олиб, методика яратди ва унинг “Профессионал - диагностик сўровнома” деб атади. Шундай қилиб, у барча касбларни уларнинг йўналтирилган соҳасига кўра 5 тоифага бўлди:

П(Т) - табиат (ўсимлик, ҳайвонлар, микроорганизмлар);

Т - техника (машина, материаллар, энергиянинг турлари) ;

Ч(О)- одам (одамлар гуруҳи, жамоалар);

З (Б)- белгилар (турли маълумотлар, белгили символлар);

Х (С)- бадий, ижодий образлар (тасвирий санъат, мусиқа).

Сўровнома шу турли касбларга мойилликни аниқлайди. Унга 20 жуфт саволлар киритилган бўлиб, текширилиувчи махсус жавоб варақасида қай даражада у ёки бу машғулоти тури билан шуғулланишга мойиллигини белгилаши керак. Чунончи, ўша иш унга жуда ёқса, 3 та “плюс”, умуман ёқса - 2 та ва сал ёқса - 1 та плюс қўяди. Ёқмаса, мос ҳолда 3 та, 2 та ва 1 та “минус” белгиси қўйиши керак. Қуйида биз сизга шу сўровномани келтирамыз.

Дифференциал - диагностик сўровнома.

1	хайвонларни парвариш қилиш	ёки 1б	машина ва ускуналарга қараш
2а	касал одамларга ёрдам бериш, уларга қараш	ёки 2б	жадвал, схема ва хм учун дастурлар тузиш
3а	китоблар, расм ва плакатлар сифатини назорат қилиш	ёки 3б	ўсимликлар ҳолати ва ривожини кузатиш, парвариш қилиш
4а	материалларни қайта ишлаш (ёқоч, мато, метал, пластмасса)	ёки 4б	товарларни харидорга етказиш (реклама, сотиш)
5а	Илмий - оммабоп китобларни муҳокама қилиш	ёки 5б	бадий асар (пьеса, концертлар)ни муҳокама қилиш
6а	хайвон болаларини парвариш қилиш	ёки 6б	Малакаларни орттириш борасида ўртоқлар, кичик ёшлиларни машқ қилдириш
7а	расм ва тасвирлардан нусха кўчириш (ёки мусика асбобини тузатиш)	ёки 7б	Юк кўратувчи воситани (кран, трактор, тепловоз) бошқариш
8а	Одамларга зарур маълумот етказиш (маълумотлар бюроси, экскурсияда)	ёки 8б	кўргазма, витриналарни жиҳозлаш, пьеса ёки концертлар тайёрлаш
9а	нарсалар, маҳсулотлар, (кийим, техника) уйларни таъмирлаш	ёки 9б	матн, жадвал, расмдаги хатоларни тўғрилаш
10а	хайвонларни даъволаш	ёки 10б	қисоб-китоблар қилиш
11а	Экинларнинг янги навини яратиш	ёки 11б	янги саноат маҳсулотларини лойиҳалаш, конструкция қилиш
12а	одамлар ўртасидаги баҳс, тортишувларда қатнашиш, уларни ишонтириш, тушунтириш	ёки 12б	чизмалар, схема ва жадвалларни таҳлил қилиш (текшириш, аниқлаш, тўғрилаш)
13а	бадий ҳаваскорлик тўғараги ишида қатнашиш	ёки 13б	микроблар ҳаётини кузатиш ва ўрганиш
14а	тиббий асбоб- ускуналарига хизмат кўрсатиш	ёки 14б	одамларга тиббий ёрдам кўрсатиш
15а	кузатган ходиса, воқеалар тўғрисида тафсилот ёзиш	ёки 15б	воқеаларни бадий бўёқларга акс эттириш
16а	касалхонада лаборатория анализини ўтказиш	ёки 16б	касалларни қабул қилиш, улар билан суҳбатлашиш, ташхис қўйиш
17а	буюмлар ёки деворларни бўяш, расмлар солиш	ёки 17б	биноларни монтаж қилиш, машина ҳамда ускуналарни йиғиш
18а	тенгқурлар ёки кичик болалар билан походлар уюштириш	ёки 18б	сахнада ўйнаш, концертларда иштирок этиш
19а	чертежга қараб машина, кийимларни тайёрлаш, уй қуриш	ёки 19б	чизмачилик, чертежлар, хариталардан нусха кўчириш
20а	ўсимликлар, боғ ва ўрмон хашоратларига қарши курашиш	ёки 20б	клавишли машиналарда ишлаш (ёзув машинкаси, телетайп, терув машинаси)

Ушбу сўровномага жавоб varaқаси ҳам илова қилинади.

ДДС нинг жавоб varaқаси.

П	Т	Ч	З	Х	П	Т	Ч	З	Х
1a	1б	2a	2б	3a	11a	11б	12a	12б	13a
3б	4a	4б	5a	5б	13б	14a	14б	15a	15б
6a		6б		7a	16a		16б		17a
	7б	8a		8б		17б	18a		18б
	9a		9б			19a		19б	
10a			10б		20a			20б	

Юқорида тавсия этилган сўровнома аслида шахснинг у ёки бу машғулотлар турига кизиқишини аниқлаш орқали унда ривожлантирилиши лозим бўлган малака ва кўникмаларни аниқлаб олишга ёрдам беради. Чунки профессионал маҳорат фақат билим, юксак малака ва тинимсиз меҳнат ҳисобига ривожланишини унутмаслик керак.

Темперамент ва фаолиятнинг индивидуал хусусиятлари. Шахснинг индивидуал хусусиятлари ҳақида гап кетганда, уларнинг туғма, биологик хусусиятларига алоҳида эътибор бериллади. Чунки аслида бир томондан шахс ижтимоий мавжудот бўлса, иккинчи томондан - биологик яхлитлик, туғма сифатларни ўз ичига олган субстрат - индивид ҳамдир. Темперамент ва лаёқатлар индивиднинг динамик - ўзгарувчан психик фаолияти жараёнини таъминловчи сифатларини ўз ичига олади. Бу сифатларнинг аҳамияти шундаки, улар шахсда кейин онтогенетик тараққиёт жараёнида шаклландиган бошқа хусусиятларга асос бўлади. Одам темпераментига алоқадор сифатларнинг ўзига хослиги шундаки, улар одам бир фаолият туридан иккинчисига, бир эмоционал ҳолатдан бошқасига, бир малакаларни бошқаси билан алмаштирган пайтларда реакцияларнинг эгилувчан ва динамиклигини таъминлайди ва шу нуқтаи назардан қараганда **темперамент** - шахс фаолияти ва ҳулқининг динамик (ўзгарувчан) ва эмоционал - ҳиссий томонларини характерловчи индивидуал хусусиятлар мажмуидир.

Темперамент хусусиятлари шахснинг ички тузилмаси билан бевосита боғлиқ бўлиб, уларнинг намоён бўлиши унинг конкрет вазиятларга муносабатини, экстремал вазиятларда ўзини қандай тутишини белгилаб беради. Масалан, инсон турли вазиятларда ўзини турлича тутди: олий ўқув юртида талабалар сафига қабул қилганлиги тўғрисидаги ахборотни эшитган боланинг ўзини тутиши, ёки ҳаётнинг оғир синовлари (яқин кишининг ўлими, ишдан хайдалиш, дўстнинг хоинлиги каби) пайтида одам беихтиёр намоён қиладиган реакциялари унинг темпераментидан келиб чиқади. Шунинг учун ҳам иккала вазиятни ҳам кимдир оғир - босиқлик билан, бошқаси эса ўзини йўқотгудек даражада хис - ҳаяжон билан бошидан кечиради. Шунинг учун ҳам темпераментнинг шахс шаклланиши ва ижтимоий муҳитда ўзига хос мавқени эгаллашидаги аҳамияти жуда катта. Ўзини босиб олган, ҳаёт қийинчиликларини сабр - бардош билан кўтарадиган инсоннинг одамлар орасидаги обрўси ҳам баланд бўлади. Бу унинг ўз - ўзига нисбатан ҳурматини ҳам оширади, ишга, одамларга ва нарсаларга муносабатини такомиллаштириб боришига имкон беради. Темпераментнинг яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, у ҳаётгий воқеалар ва вазиятларни, жамиятдаги ижтимоий гуруҳларни “яхши - ёмон”, “аҳамиятли - аҳамиятсиз” мезонлари асосида ажратишга имкон беради. Яъни, темперамент одамнинг ижтимоий объектларга нисбатан “сезгирлигини” тарбиялайди, профессионал маҳорат ва касб малакасининг ошиб боришига ёрдам беради.

Темпераментал хусусиятлар аслида туғма ҳисоблансада, шахсга бевосита алоқадор ва англандиган бўлгани учун ҳам маълум маънода ўзгариб боради. Шунинг учун ҳам туғилган чоғида сангвиникка ўхшаш характерлар намоён қилган болани умрининг охиригача фақат шундайлигича қолади, деб бўлмайди. Демак, ҳар бир темперамент хусусиятларини ва унинг шахс тизимга алоқасини билиш ва шунга яраша ҳулосалар чиқариш керак.

Академик С. Павлов темперамент хусусиятларини белгилаб берувчи уч олий нерв тизими хоссаларини ажратган эди:

куч, яъни нерв тизимининг кучли кўзғатувчилар таъсирига бардоши, шунга кўра одамлардаги меҳнатга яроқлилиқ, чидам каби сифатларнинг намоён бўлиши:

мувозанатлашганлик, яъни асабдаги тормозланиш ва кўзғалиш жараёнларининг ўзаро мутоносиблиги, шунга кўра, ўзини тута олиш, босиқлик каби сифатлар ва уларга тескари сифатларнинг намоён бўлиши;

харакатчанлик, яъни кўзғалиш ва тормозланиш жараёнларидаги ўзаро алмашилиш жараёнининг тезлиги ва ҳаракатчанлиги маъносида. Қуйидаги расмда нерв жараёнлари билан темперамент типлари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик асосида темперамент типлари акс эттирилган.

6 - расм

НЕРВ СИСТЕМАСИНИНГ ТИПЛАРИ			
Мувозанатлашган	мувозантсиз	инерт	Кучсиз
сангвиник	холерик	флегматик	Меланхолик
ТЕМПЕРАМЕНТ			

Шундай қилиб, асаб тизими билан боғлиқ индивидуал сифатларни билиш шарт, чунки улар бевосита меҳнат ва ўқиш жараёнларини ҳар бир инсон томонидан, унинг манфаатларига мос тарзда ташкил этишга хизмат қилади. Асабга боғлиқ бўлган табиий хусусиятлармизни ҳам умуман ўзгармас деб айтолмаймиз, чунки табиатда ўзгармайдиган нарсанинг ўзи йўқ. Шунинг учун ҳам охириги йилларда ўтказилаётган тадқиқотларда шахс тизимида шундай маъқул, “ҳаётий кўрсаткичли” хусусиятлар тизимини ўрганилмоқда ва унда темпераментга алоқадор сифатлар ҳам назарда тутилмоқда. Масалан, В.С. Мерлин темпераментнинг психологик таснифи ва уларнинг ҳаётий вазиятларда намоён бўлишини бошқариш масаласида кўп ишлар қилган. Унинг фикрича, инсонда мавжуд бўлган фаоллик, босиқлик, эмоционал тетиклик, ҳиссиётларнинг тезда намоён бўлиши ва ўзгарувчанлиги, кайфиятнинг турғунлиги, беҳаловатлилиқ, ишчанлик, янги ишга киришиб кетиш, малакаларнинг тез ҳосил бўлиши каби қатор сифатлар асосида шахсдаги ўша экстроверсия ва интроверсия хоссалари ётади ва уларни ҳам ўзгартириш ва шу орқали темпераментни бошқариш мумкин.

Характер ва шахс. Кундалик ҳаётимизда тилимизда “характер” сўзи энг кўп ишлатиладиган сўзлардан. Уни биз доимо бировларга баҳо бермоқчи бўлсак, ишлатамиз. Бу сўзнинг маъносини олимлар “босилган тамға” деб ҳам изоҳлашади. Тамғалик аломатлари нимада ифодаланади ўзи?

Характер - шахсдаги шундай психологик, субъектив муносабатлар мажмуи, улар унинг борлиққа, одамларга, предметли фаолиятга ҳамда ўз - ўзига муносабатини ифодалайди. Демак, “муносабат” категорияси характерни тушунтиришда асосий ҳисобланади. Б.Ф. Ломовнинг таъбирича, характер шахс ички дунёсининг асосини ташкил этади ва уни ўрганиш катта аҳамиятга эга. Муносабатларнинг характердаги ўрни хусусида фикрлар экан, В.С.Мерлин уларнинг мазмунида икки компонентни ажаратади:

а) **эмоционал - когнитив** - борлиқ муҳитнинг турли томонларини шахс қандай эмоционал хис қилиши ва ўзида шу оламнинг эмоционал манзарасини яратиши;

б) **мотивацион - продавий** - маълум ҳаракатлар ва хулқни амалга оширишга ундовчи кучлар. Демак, бизнинг муносабатларимиз маълум маъно ва мазмун касб этган муносабатлар бўлиб, уларнинг ҳар бирида бизнинг хиссий кечинмаларимиз акс этади ва характеримиз намоён бўлади.

Машхур рус олими , психология фанининг методологиясини яратган С.Л. Рубинштейн шахснинг ўзига хослиги ва характерологик тизимда урта асосий тузилмаларни ажратган эди;

1. **Муносабатлар ва йўналиш** шахдаги асосий кўринишлар сифатида - бу шахснинг ҳаётдан нимани кутиши ва нимани хоҳлаши.

2. **Қобилиятлар** ана шу тилак - истакларни амалга ошириш имконияти сифатида - бу одамнинг нималарга қодир эканлиги.

3. **Характер** имкониятлардан фойдаланиш, уларни кенгайтиришга қаратилган турғун, барқарор тенденциялар, яъни бу одамнинг к и м эканлиги.

Бу нуқтаи назардан қараганда ҳам, характер шахснинг “танаси”, борлиги, конституциясидир. Характернинг бошқа индивидуал психологик хусусиятлардан фарқи шуки, бу хусусиятлар анча ўзгарувчан ва динамик, орттирилгандир. Шунинг учун ҳам мактабдаги таълимдан олий ўқув юртидаги таълимга ўтиш фактининг ўзи ҳам ўспиринда маълум ва муҳим ўзгаришларни келтириб чиқаради.

Умуман, қонерет шахс мисолида олиб қарайдиган бўлсак, ҳар бир алоҳида объектлар, нарсалар, ҳодисаларга мос тарзда характернинг тури қирралари намоён бўлишининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Масалан, уйда (катта ўзбек оиласи мисолида оладиган бўлсак) катта ёшли ота - оналар олдида ўта босиқ, кўнувчан, ҳар қандай буюрилган ишни эътирозсиз бажарадиган киши, ўз касбдошлари орасида доимо ўз нуқтаи назарига эга бўлган, гапга чечан, керак бўлса, қайсар, дадил бўлиши, кўчада жамоатчилик жойларида беғам, лоқайд, биров билан иши йўқ кишидай туюлиши, ўзига нисбатан эса ўта талабчан, лекин эгоист, ўз - ўзига баҳоси юқори бўлиши мумкин. Демак, характернинг психологик тизимини таҳлил қиладиган бўлсак, унинг борлиқдаги объектлар ва предметли фаолиятга нисбатан амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Шунинг учун ҳам психологияда характернинг қуйидаги тизими эътироф этилади:

1. *Меҳнат фаолиятида намоён бўладиган характерологик хусусиятлар* - меҳнатсеварлик, меҳнаткашлик, ташаббускорлик, ишга лаёқат, ишга қобиллик, масъулият, дангасалик, қўнимсизлик ва бошқалар.

2. *Инсонларга нисбатан бўлган муносабатларда намоён бўладиган характерологик сифатлар* - одоблилик, меҳрибонлик, такт, жонсарақлик, дилгирлик, мулоқатга киришувчанлик, альтруизм, ғамхўрлик, раҳм - шафқат ва бошқалар.

3. *Ўз - ўзига муносабатга алоқадор херектерологик сифатлар* - камтарлик, камсуқумлилик, мағрурлик, ўзига бино қўйиш, ўз ўзини танқид, ибод, шарму - ҳаё, манмансираш ва бошқалар.

4. *Нарсалар ва ҳодисаларга муносабатларда намоён бўладиган хусусиятлар* - тартиблилик, оқиллик, саронжом - саришталик, қўли очиклик, зикналик, тежамкорлик, покизалик ва бошқалар.

Юқорида санаб ўтилган сифатлар аслида шахснинг ҳаётдаги йўналишларидан келиб чиқади. Чунки йўналиш - одамнинг борлиққа нисбатан танловчан муносабатининг акс этишидир. Бундай йўналиш турли шаклларда намоён бўлади : диққатлилилик, қизиқувчанлик, идеаллар, маслаклар ва ҳиссиётларда.

Характер хусусиятларининг нималарда намоён бўлиши , уларнинг белгилари масалси ҳам амалий жиҳатдан муҳимдир.

Аввало характер инсоннинг *хатти- қаракатлари ва амалларида* намоён бўлади - одамнинг онгли ва мақсадга қаратилган қаракатлари унинг **к и м** эканлигидан дарак беради.

Нутқининг хусусиятлари (баланд товуш билан ёки секин гапириши, тез ёки босиқлиги, эмоционал бой ёки жонсиз) ҳам характернинг йўналишини белгилайди.

Ташқи қиёфа - юзининг очик ёки тунд эканлиги, кўзларининг самимий ёки жоҳиллиги, қадам босишлари - тез ёки босиқ, майда қадам ёки салобатли, туриши -

викорли ёки камтарона, буларнинг ҳаммаси характерни ташқаридан кузатиб ўрганиш белгиларидир.

Лекин характер ва унинг ривожланиши, намоён бўлиши учун умумий қонуният шуки, у ташқи муҳит таъсирида, турли хил муносабатлар тизимида шаклланади ва шароитлар ўзгариши билан ўзгаради. ҳар бир касб - ҳунар ўзининг талаблари мажмуи - профессиограммасига эгаки, у шу касб билан шуғулланаётганлардан ўзига хос психологик қирралар ва хоссалар бўлишини тақозо этади (психометрия). Шунинг учун ҳам врачнинг, ўқитувчининг, муҳандиснинг, ҳарбийларнинг, артистларнинг ва бошқаларнинг профессиононал сифатлари ҳақида алоҳида гапирилади. Ана шу касб соҳиблари, уларнинг иш мобайнида кўрсатадиган индивидуаллиги ичида эса характерологик ўзига хослик катта аҳамиятга эга ва бунинча нафақат шахснинг ўзи, балки уни ўраб турган бошқалар ҳам яхши билишлари керак.

Таянч тушунчалар:

Шахс, характер, темперамент, қобилият, диагностика, характер, шахс иқтидори, индивидуал, типологик классификация, индивид, иродавий сифатлар.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Индивидуал -типологик хусусиятлар классификацияси
2. Шахс иқтидори ва қобилиятлар диагностикаси
3. Қобилиятлардаги туғма ва орттирилган сифатлар
4. Қобилиятларнинг психологик структураси
5. Темперамент ва фаолиятнинг индивидуал хусусиятлари
6. Характер ва шахс

Мустақил ишлаш учун топшириқлар:

1. Шахс иқтидори ва қобилиятлар диагностикаси таҳлил қилинг
2. Қобилиятларнинг психологик структурасини аниқланг

Мақсад:

Талабаларга гуруҳларда ижтимоий фаолиятни ташкил этиш тўғрисида тушунча бериш. Аудитория билан ишлашнинг психологик шартларини аниқлаш.

Режа:

1. Аудитория билан ишлашнинг ижтимоий психологик шартлари.
2. Фаол ўқитиш методлари ва уларни ташкил этиш.
3. Дарсда мунозара, брейншторминг ва тренинглари ўтказиш.
4. Бахс турлари. Ёзма бахсни ўтказиш қоидалари.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда.-Т.: Ўзбекистон, 1999 - 48 б.
2. Андреева Г.М. Социальная психология. Учебник.- М.: Аспект Пресс, 1999.-376 с.
3. Каримова В.М. Ижтимоий психология ва ижтимоий амалиёт.-Т.: Университет, 1999.- 96 б.
4. Каримова В.М. ва бошқ. Мустақил фикрлаш. - Т.: Шарқ.-2000.- 112 б.
5. Каримова В.М., Суннатов Р. “Мустақил фикрлаш” ўқув қўлланмаси бўйича машғулотларни ташкил этиш услубиёти.-Т.: Шарқ, 2000.- 16 б.
6. Методика активной социально - психологической подготовки. Социально психологический тренинг. - Рига, 1985.
7. Макшанов С.С., Хрякева Н.Ю. Психогимнастика в тренинге. - часть 2.-СПб, 1993.
8. Платов В.Я. Деловые игры: разработка, организация, проведение. - М, 1991
9. И. А. Каримов. Эришилган ютуқларни мустақамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим. Халқ сўзи. 11 февраль 2006й.
10. Каримов И.А. “Демократик ҳуқуқий давлат эркин иқтисодиёт талабларини тўлиқ жорий этиш, фуқаролик жамияти асосларини қуриш – фаровон ҳаётимиз гаровидир” 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги майруза. Т.: Ўзбекистон, 2007й.

Аудитория билан ишлашнинг ижтимоий психологик шартлари. Маълумки, ҳар қандай педагогик жараённинг асосий мақсади - таълим оловчида билим, малака ва кўникмалар ҳосил қилишдир. Бу нарса маълумотлар алмашинуви орқали рўй беради. Педагогик мулоқот жараёнидаги маълумотлар алмашинуви асосан уч шаклда амалга оширилади:

- монолог;
- диалог;
- полилог.

Монолог - майрузачи ёки ўқитувчининг тингловчилар ёки ўқувчи - талабалар қаршисига чиқиб нутқ сўзлаши, дарсни баён этишидир. Айни шу усул таълим-тарбия жараёнидаги асосий восита эканлиги тўғрисида онгимизга ўрнашиб қолган тасаввур мавжуд. Бу ҳолатда гапирувчи маълумотларнинг асосий таянч манбаи ҳисобланади ва фақат ундангина фаоллик талаб қилинади. Монолог эгаси ўзи мустақил тарзда маълумот мазмунини тингловчиларга етказиш ва ўз мавқеини таъкидлаш имконига эга бўлади. Лекин аудитория, яъни тингловчилар унга нисбатан анча пассив мавқеда бўладилар ва бу нарса маълумотнинг фақат кичик бир қисминигина идрок қилиш ва эслаб қолишига сабаб

бўлади. Шунинг учун ҳам ўқитувчи бу камчиликнинг олдини олиш учун аудиторияни фаоллаштиришнинг бошқа йўллари кидиришга мажбур бўлади.

Диалог - ўқув мавзуси ёки муаммони гуруҳ шароитида ўқитувчи билан биргаликда ва ҳамкорликда муҳокама қилиш йўлидир. Шунинг учун бу усул тингловчиларни нафақат фаоллаштиради, балки аудиторияда ижодий муҳитнинг бўлиши ва фикрлар алмашинувидан ҳар бир иштирокчининг манфаатдорлигини таъминлайди. Яъни, тингловчилар ўқув жараёнининг объектдан **унинг субъектига** айланадилар.

Диалог жараёнида ўқитувчи билан ўқувчилар ўртасида фикрлар алмашинуви, билимларни ўзаро муҳокама қила олиш учун реал шароит яратилади. Лекин диалогни ташкил этишдан аввал ўқитувчи аудиториянинг у ёки бу хусусда билимлар ва тасаввурларга эга бўлишини инобатда олиши зарур, акс холда ўзаро мулоқот самарасиз ва мазмунсиз тортишувга айланиб кетиши мумкин. Диалог жараёнида уни ташкил этган шахс аудиториянинг у ёки бу муаммо юзасидан билимларини диагностика қилиш ва шунга мос тарзда ўз ишини ташкил этиш имкониятига эга бўлади. Айнан шу ҳолат диалогнинг энг муҳим психологик аҳамиятидир.

Полилог - гуруҳ ичидаги мунозарадир. У тингловчилар ёки ўқувчиларнинг фаоллигини янада ошириш, улардаги ижодий қобилиятларни ривожлантириш мақсадида ишлатилади. Полилог жараёнида гуруҳ аъзоларининг ҳар бири муҳокама қилинаётган масала юзасидан ўз фикрини билдириш имкониятига эга бўлади, ўқитувчи эса ушбу жараённинг ташкилотчи сифатида ўқувчилар ёки талабалар фаолиятига бевосита аралашмайди. Бу усул дарс мавзуси кўпроқ назарий характерли бўлиб, янгиғоялардан уларнинг амалий жиҳатлари келтириб чиқарилиши зарурати бўлганда қўл келади. Лекин бу усул машғулотлар ёки мулоқот дарслари энди бошланган пайтда ўтказилиши мақсадга мувофиқ эмас, чунки полилог учун ўқитувчи билан ҳамкорликда ишлаш тажрибасидан ташқари ёшларга ўша соҳа юзасидан маълум билимлар мажмуи ҳамда ҳамкорликда ишлаш тажрибаси зарур. Диалог ва полилог техникасини яхши эгаллаган муаллим мунозара ёки баҳсни самарали ташкил этишга лаёқатли бўлади. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, мунозарани самарали ташкил этиш қобилияти ўз-ўзидан шаклланмайди, бунинг учун ўқитувчи умуман мунозара методикаларининг моҳияти ва уни ташкил этиш йўллари илмий - амалий жиҳатдан билиши керак.

Фаол ўқитиш методлари ва уларни ташкил этиш. Баҳсининг самарали бўлиши энг аввало баҳслашувчиларнинг бир-бирларига нисбатан фазовий жойлашувларига боғлиқ. Қуйида келтирилган расмларда тингловчи ва музокарада қатнашувчиларнинг фазовий жойлашувлари ва уларнинг психологик мавқеларининг моҳияти келтирилган.

Демак, дарс мобайнида ўқитувчи мавзунинг характери ва у шакллантириш лозим бўлган билим, малака ва фазилатларга мос тарзда мунозара шароитини танлаши ва шундай кейингина машғулотни бошлаши керак. Кўриниб турибдики, анъанавий синфда ташкил этиладиган машғулотларнинг самарадорлиги деярли йўқ, чунки улар олдинги қаторларда ўтирган тингловчиларнинг фаоллигигагина йўналтирилган, қолганлар “ўйиндан ташқари” ҳолатда, бу нарса уларнинг дарс мазмунига муносабатларида бевосита акс этади.

Кичик, тор доиралардаги компакт гуруҳларда уюштирилган мунозараларнинг **эркин мавзули, йўналтирилган ва аниқ сценарийли диспут** турлари мавжуд бўлиб, бу танланган мавзуга ва мунозара гуруҳларининг мулоқот тажрибасига боғлиқдир (“диспут” сўзининг луғавий маъноси - “фикрляпман”, “тортишяпман”, деган маънони билдиради). Кичик гуруҳлардаги мунозаралардаги асосий нарса - гуруҳ аъзоларининг танланган мавзу хусусиятига қараб, ҳар бирининг ўз фикр мулоҳазаларини охиригача баён этиш имкониятларининг борлигидир. Бундай гуруҳда бошловчи ҳам қаторда ўтириб, мавзунинг ечимини батамом хал бўлмагунча фаол мулоқотларнинг иштирокчиси бўлиши мумкин. Лекин асосий рол гуруҳнинг аъзоларига юкланганлигини ва бевосита ажралиб чиққан норасмий лидер асосий баҳс юритувчи бўлиши мумкинлигини унутмаслиги зарур. Бундай гуруҳлар турли шароитда кўпинча баҳс иштирокчилари учун табиий шароитларда

(масалан, синфда, талабалар аудиторияларида, иш хоналарида ва б.к.) ўтказилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Агар бахлашувчилар гуруҳи одатдагидан каттароқ ҳажмда (масалан, 30 кишигача) бўлса, унда мунозарани уюштиришнинг ўзига хос томони бор. Бу ҳолда баҳс гуруҳи шартли равишда учга бўлинади. Биринчи гуруҳ - **“фикрларни жамловчилар” - генераторлар** гуруҳи дейилади; иккинчиси - **“танқидчилар”** ва учинчи гуруҳ - **“фикрларни тезлатувчилар” - катализаторлар** деб аталади. ҳар бир ажралган гуруҳнинг ўзига хос функциялари бор: “генераторлар” ўртага ташлаган муаммо ёки баҳс мавзуси бўйича ўзларидаги барча фикрларни ўртага холис ташлайдилар. Гуруҳ аъзоларидан бири - лидер - уларни жамлаб, фикрлар иккига бўлинган тақдирда ҳам уларни умумлаштириб баён этади. Сўнгра ўйинга “танқидчилар” киришади. Уларнинг вазифаси - эшитган фикрларига танқидий муносабат билдириш, яъни танқидий нуқтаи назардан улар ичидаги “мағзни” ва “пучак” фикрларни саралаш. Шундан кейин вазиятга қараб, яна сўз “генераторлар”га ёки “катализаторлар”га берилиши мумкин. Билдирилган фикр ва таклифларда мабодо ҳисобга олинмай қолган жиҳатлар ёки ноўрин фикр бўлса, ёки моҳиятан шу мавзуга алоқадор бўлган, лекин иккала томон ҳисобга олмаган бирор жиҳат аниқланса, томонлар диққатини айнан шунга қаратиши керак. Сўнгра “тезлатувчилар” баҳсни давом эттиришга руҳсат бериб, агар уни яқун қилиш тақозо қилинса, иккала гуруҳнинг ўйинига холис баҳо берган ҳолда мунозарани тўхтатиши мумкин. Улар кўпинча иккала гуруҳ учун холис орбиторлар - “ҳакамлар” ролини ўйнайдилар.

Мактабда бир синф доирасида ёки талабалар гуруҳида ахлоқий маънавий мавзуда баҳс уюштирганда, юқоридаги усулни қўллаш имконияти бўлса, суҳбатдошларнинг *учбурчак шаклдаги берк стол* атрофига ўтиришлари мумкин. Демак, бахслашувчиларнинг жойлашишлари ҳам бу ўринда маълум аҳамият касб этади.

Катта гуруҳларда баҳс ёки мунозара уюштирилганда, бошловчининг роли айниқса каттадир. Чунки у ҳар бир гуруҳдаги тортишувлар ва фикр алмашинувларнинг бошида турмоғи керак бўлса, улар фаолиятини мақсадга мувофиқ тарзда йўналтириб турмоғи лозим. Кичик гуруҳдагидан фарқли ўлароқ, катта гуруҳларда бошловчи у ёки бу ички гуруҳга ён босмаслиги ёки уларни ўзининг шахсий фикрига мажбуран эргаштирмаслиги керак. Акс ҳолда, у ўзининг фаолияти билан бошқалар ташаббусига салбий таъсир кўрсатиши ва баҳсининг йўналишини бузиб қўйиши мумкин. Шунинг учун катта гуруҳлар уюштириладиган мунозаранинг мавзуси олдиндан танланган ва унга бошловчи маълум маънода тайёр бўлиши шарт.

Дарсада мунозара, брейншторминг ва тренинглар ўтказиш технологияси. Мунозаралар юритишнинг яна бир шакли борки, унинг номини рус тилида “мозговая атака”, инглизчасига “brain storming” деб аталади. Бизнинг тилимизда бу тушунчаннинг аниқ аналогик таржимаси йўқ, лекин уни “мияга хужум” ёки “фикрлар тўқнашуви”, “фикрлар жанги майдони” деб аташ мумкин. Методнинг психологик моҳияти шундаки, оддий мунозарада бахслашувчилар кўпроқ онгли, асосли фикрларни баён этишга ҳаракат қиладилар. Бунда эса бахслашувчиларга мияга қандай фикр қуйилиб келса, уни танқидсиз ва асосламай эркин, “тилга нима келса”, лекин навбатма-навбат айтиш имконияти берилади. Бу нарса кўпроқ муаммо анча нотаниш, савол мураккаб ёки ноаниқ бўлган шароитларда қўл келади. Яъни, бунда “эркин ассоциациялар”га имкон берилади ва охир оқибат гуруҳнинг ўзи маълум рационал “мағзни” ажратиб олади.

Бу усулни биринчи марта америкалик олим **А.Осборн** 30-йиллардаёқ таклиф этган ва бу усул ёрдамида йирик лойиҳаларни режалаштириш ва олдиндан унинг натижаларини башорат қилишда маълум ютуқларни қўлга киритган эди. Лекин кейинчалик мутахассислар уни фақат ностандарт, ўзига хос ечими бўлган вазифаларни муҳокама қилгандагина қўллаш мумкин, деган фикрни билдира бошладилар. Бироқ тўғри ташкил этилган брейштормингнинг амалий афзалликлари кўп. Фақат бунда қуйидаги қоидаларга риоя қилиш керак:

1. Жумлалар жуда қисқа бўлиши керак, уларнинг асосланиши шарт эмас.

2. ҳар қандай жумла ёки фикр танқид қилиниши мумкин эмас, яъни фикрлар танқиддан холидир.

3. Манتيқий фикрлардан кўра, фантастик ёки кўкқисдан, тасодифан мияда пайдо бўлган фикр муҳимроқ.

4. Фикр ёки билдирилган қисқа мулоҳаза қайд этилади.

5. Билдирилган фикр ёкиғоялар у ёки бу иштирокчини, деб ажратилмайди, яъни улар - муаллифсиздир.

6. Фикр ёки яхшиғояларни танлаш алоҳида “танқидчилар” ёки гуруҳнинг норасмий лидерлари томонидан амалга оширилади.

Юқоридаги таъкидланган гуруҳ катта бўлган шароитда баҳс уюштиришда ҳам генератор, яъни фикрларни бирламчи жамловчиларларга ушбу усулда ишлашга имкон бериш тажрибада яхши натижа беради. Чунки ўтказилган текширувлар ва кўплаб синов машғулотларининг кўрсатишича, айнан шу гуруҳда брейншторминг усулининг қўлланилиши турли-туман ва қарама-қарши фикрларнинг баён этилишига шароит яратади. Акс холда муҳим муаммолар бўйича мунозарани бошлаш ва унда фикрлар ранг-баранглигига эришиш жуда қийин бўлади. Бу усул айниқса, катталар аудиториясида жуда яхши самара беради.

Баҳсда иштирок этиш ва ундан манфаатдорлик ҳисси ҳар бир иштирокчида шаклланиши шарт ва бунда бошловчи - ўқитувчининг роли катта. Амалий машғулотларни баҳс - мунозара шаклида ўтказилиши болаларга олдиндан айтилиши ва уларнинг тайёргарлик кўришлари учун саволлар берилиб қўйилиши мақсадга мувофиқдир. Баҳс иштирокчилари ҳаяжонланмасликлари учун машғулот бошланишидан аввал уларнинг ўзларини эркин тутишлари учун айрим **енгиллаштирувчи машқлар**, бошқача қилиб айтганда, **психогимнастик машқлар** ўтказиш тавсия этилади. Масалан, ана шу мақсадда ўтказиладиган психогимнастик машқларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. Ўқитувчи гуруҳни айлана шаклида туришлари сўрайди ва аъзоларни навбатма-навбат ўртага чиқиб, гуруҳ билан хоҳлаган тарзда, лекин самимий саломлашишни сўрайди. Кейин гуруҳдан кимнинг саломи кўпроқ ёққанини сўрайди.

2. Гуруҳ аъзолари ўқитувчи атрофида ярим айлана шаклида туришади. Навбат билан гуруҳ аъзолари ўртага чиқиб, хоҳлаган аъзо билан сўзсиз, лекин очиқ юз билан мимика воситасида саломлашиш ва бирор фикрни билдириши сўралади.

3. ҳамма доира шаклида ўтиради ва ўқитувчи олиб келган копток навбат билан мулоқот қатнашчиларига отилади, фақат кимга отилса, ўша одамнинг кучли, яхши бир сифати айтилиб, сўнг ирғитилади. Ўқитувчи коптокнинг албатта ҳар бир кишига тегишини назорат қилади.

Бу каби машқлар мунозара қатнашчилари ўртасида ўзаро тангликнинг бўлмаслиги ва ўз фикрини баён этаётганда ўқитувчидан тортинмаслиги учун ўзига хос тренинг ҳисобланади.

Ўқитувчи мунозарани бошлар экан, иштирокчилар онгига қуйидагиларни етказа олиши керак:

а) машғулот ҳар бир иштирокчига албатта фойдали бўлади ва улар бир-бирларига ёрдам бериш учун келганлар;

б) мунозара ўзаро мулоқотнинг бир шакли бўлиб, ҳар бир иштирокчи бир-бирига очиқ ва самимий муносабатда бўлсин;

в) мунозара иштирокчиларнинг ўзаро тажрибаларини алмашишилари учун қулай шароитдир;

г) фикр баён этишда керак бўлса таваккал қилайлик, лекин индамаслик шиоримиз бўлмасин;

д) мунозара пайтида кўп ёзиш шарт эмас;

е) агар бирор нарса тушунарли бўлмаса, уни сўрашдан тортинманг;

ж) билган билимларимизни бир-биримиздан аямаймиз, чунки бошқалар ҳам бундан манфаатдор бўлсинлар, “яширинган билим - билим эмас”лиги унутмайлик!

Баҳс турлари. Ёзма баҳс ўтказиш усуллари. Агар машғулотлар бир-бирларини яхши танимайдиган бошланғич гуруҳларда бошланган бўлса, “танишиш” машқларини ўтказиш, албатта ишни кичик гуруҳлардан бошлаш лозим. Бунда **эркин йўналтирилмаган баҳс** шаклини қўллаш ўринлироқ. Бунда ўқитувчи иштирокчиларга бир-бирларини яхши таниб олсалар, биргаликда ҳаракат қилсалар, умумий иш учун манфаатли бўлган натижаларга эришиш мумкинлигини тушунтириши лозим.

Агар иштирокчилар бирор *янги маълумотларга эга бўлиши*, мураккаброқ масала юзасидан умумий нуқтаи назарга эга бўлиш ва мантиқий хулосаларга эришишни мақсад қилган бўлсалар, унда дарс аввалида ўқитувчи ёки олдиндан тайёргарлик кўрган гуруҳ аъзоси маъруза қилиши, маъруза юзасидан кейин баҳс уюштирилиши, дарс охирида имкон бўлса, ўқитувчи ўзи тайёрлаган тарқатма материалларини ҳар бир аъзога бериши керак. Фаоллаштирувчи усуллар материаллар қўлга берилгач, ишга солинади.

Агар дарснинг ёки амалий машғулотнинг мақсади тингловчилардаги *аниқ қобилиятларни ривожлантириши*, малакаларни ошириш ва янги тажрибадан фойдаланиш бўлса, унда баҳснинг предмети аввало тажриба алмашинувга қаратилиши, бунда айрим машқлар ҳам бажарилиши, уларнинг натижалари таҳлил қилиниши, ролли ўйинларни бажаришгача олиб борилиши керак. Бунда ўқитувчининг роли анча масъулиятли бўлиб, у машғулотгача конкрет йўриқномаларни ўқувчиларга бериши ва гуруҳ ишини мунтазам кузатиб, назорат қилиб туради.

Агар мунозара дарсларининг мақсади - иштирокчиларнинг *янги, мустақил фикрларга келиши*, уларни шахсий тажриба ва вазиятларга боғлаб айтиб беришларига олиб келиш бўлса, унда ўқитувчи “Мен”- мунозарадаман” ҳолатида гуруҳли баҳсни кичик гуруҳларда ташкил этиши, уларда алоҳида ҳолатлар ва вазиятларнинг таҳлилига барчанинг диққатини қаратиши, иштирокчиларни турли ролларни тасаввур қилишга мажбур қила олиши ва олдиндан тайёрлаб қўйилган саволномаларни дарс охирида тарқатиб, шаклланган янгиғояни ажратиб олиши керак. Демак, бу шаклдаги иш ҳар бир иштирокчидан пухта тайёргарликни ва аниқ кўникмаларни талаб қилади.

Баҳс шаклида машғулот ўтказганда, қабул қилинадиган қарорларнинг аҳамияти катта. Қарорларнинг самарали бўлиши учун қуйидагиларни ёдда тутиш керак:

- машғулот бошланишидан олдин ўқитувчи таҳлил қилиниши лозим бўлган муаммони белгилайди ва унга қай тарзда муносабат билдирилиши лозимлигини тушунтиради;

- қисқа бўлса-да, бу муаммонинг олдинги дарсларга боғлиқлиги, уйга берилган вазифа, муҳокама қилинадиган масалага оид муҳим фактлар эсга туширилади;

- баҳс қатнашчилари кичик гуруҳчаларга (4-5 киши) бўлиниб, машғулот охирида фикрлар умумлаштирилиши учун қоғозлар тахт қилиб қўйилади;

- гуруҳда ишлаш мобайнида билдирилган фикрларнинг афзал ва камчилик томонлари ҳақидаги ўз мулоҳазаларини оғзаки ёки ёзма тарзда қарорлар шаклида баён этадилар;

- иш якунида гуруҳнинг вакиллари ўз гуруҳининг иши тўғрисида гапириб, уларни бошқаларники билан қиёслайди. Зарурат бўлса, ўқитувчи ҳар бир гуруҳнинг қарорларини ўзаро қиёслаб, саволларга жавоб беради, ноаниқроқ қарорларга ўз муносабатини билдиради. **Баҳс турлари. Ёзма баҳсни ўтказиш усули.** Педагогик амалиётда баҳснинг моҳияти кўпинча фақат оғзаки диалоглар ва тортишувлар тарзида тасаввур қилинади. Лекин оғзаки баҳсларнинг янада самарали ва таъсирчан бўлиши учун ёзма баҳс шакли ҳам қўлланилади. Бу усул ўқувчиларнинг берилган мавзу соҳасидаги билимларини янада чуқурлаштириш, мунозара маданиятини ошириш ва ҳар бир фикрни асослаш қобилиятини ривожлантиради. Ўқитувчи эса ўқувчи ёки талабаларнинг билимларини асосли баҳолаш ва билимдонликни тўла маънода таҳлил қилиш имкониятига эга бўлади. Бу усул айниқса, миллийғоя ва миллий мафқурани шакллантирувчи фанлар - ижтимоий - гуманитар фанлар юзасидан ўтказилса янада самарали бўлади.

Ўқувчилар олдиндан мавзу билан таништириладилар, уйга берилган топшириқлар орасида қай бири ёзма тарзда ўтказилиши маълум қилинади. Ёзма баҳс ўтказиладиган куни ўқитувчи уни қуйидаги тарзда амалга оширади:

1. Ўқитувчи гуруҳни иккига бўлади ва уларни алоҳида қаторларга ўтказди. ҳар бир гуруҳ мавзу бўйича қайси нуқтаи назарни ҳимоя қилишини маълум қилади. Масалан, биринчи гуруҳ болаларнинг ақлий даражаларини мунтазам ўлчаб туриш ва шу орқали таълим муассасаларига жалб этишни ҳимоя қилса, иккинчи гуруҳ - бу фикрни асосли тарзда инкор қилади.

2. Шундан сўнг ўқитувчи қарама-қарши гуруҳ аъзоларини жуфтлайди ва уларга номери ёзилган вароқларни тарқатади. ҳар бир иштирокчига бирор фикрни ёзма асослашга 5 дақиқадан берилади. Ёзма далиллар равон тушунарли тилда, асосли тарзда ёзилиши керак.

3. Ёзилган варақчалар қарама-қарши шерикларга берилади. Улар ўз “рақиблари” фикрига қарши фикрни 8-10 дақиқа мобайнида ўйлаб, ёзишлари керак бўлади ва нариги томондаги шеригига беради.

4. Ёзма далиллар алмашинувининг бундай тартиби 2-3 марта такрорланади, ҳар сафар ҳар бир ўқувчи шеригининг далил-исботини диққат билан ўрганиб чиқиб, жавоб қайтаради. Охирги раундда ўқувчиларнинг ўзларига яқунлаш имкони берилади ва ёзма ишлар йиғиб олинади.

5. Ўқитувчи ёзма баҳсларни яқунлашда томонларга “Қарши томоннинг энг яхши далил-исботи қайсилар бўлди?” деб сўрайди ва ўқувчилар билан олдиндан келишган ҳолда улар билимларини яқка-яқка ёки гуруҳий баҳолайди.

Юқорида келтирилган ёзма баҳсларни ўтказиш тамойиллари Фред Ньюмен материаллари асосида тайёрланди. Ўйлаймизки, бизнинг шароитимизда ҳам бу усуллар анча самара беради.

Таянч тушунчалар:

Ижтимоий фаолият, фаол ўқитиш, мулоқот, объект, субъект.

Мавзунини мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Аудитория билан ишлашнинг ижтимоий психологик шартлари.
2. Фаол ўқитиш методлари ва уларни ташкил этиш.
3. Дарсда мунозара, брейнштурминг ва тренингларни ўтказиш.
4. Баҳс турлари. Ёзма баҳсни ўтказиш қоидалари.

Мустақил ишлаш учун топшириқлар:

1. Фаол ўқитиш методларини аниқланг
2. Фаол мулоқот масалаларини таҳлил этинг.

Мақсад:

Булажак мутахассис шахсини шакллантириш, талабаларда янги иқтисодий тафаккурни ва тадбиркорлик сифатларини тарбиялаш.

Режа

1. Булажак иқтисодчи мутахассис шахсини шакллантириш
2. Талабаларда янги иқтисодий тафаккурни тарбиялаш
3. Талабаларда тадбиркорлик сифатларини тарбиялаш усуллари

Адабиётлар

1. Ғайбуллаев Н.Р., Ёдгоров Р., Ждаркин Л.П., Тошмуродова Қ., Маматкулова Р. ва бошқалар. Педагогика. “Университет”, 1999.
2. Ғайбуллаев Н.Р. Ёдгоров Р., Ждаркин Л.П., Тошмуродова Қ.А., Маматкулова Р. ва бошқалар. Педагогика (Барча бакалавр йўналишлари учун). 2000.
3. Иноғомов Р., Тошмуродова Қ. Педагогика фани XXI асрда. Т. 2000. “Янги аср авлоди” нашриёти.
4. Ғайбуллаев Н.Р. Ташаббус - давр талаби. 2000.
5. И. А.Каримов. Орзу умидларимизнинг амалий ифодаси. Халқ сўзи газетаси. 2005 й. 29 декабр.
6. И. А. Каримов. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари – энг олий кадрият. Т.2006
7. И. А. Каримов. Эришилган ютуқларни мустақкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим. Халқ сўзи. 11 февраль 2006й.

Булажак иқтисодчи мутахассис шахсини шакллантириш, бўлғуси мутахассисни тайёрлаш ўқитувчига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Афсуски олий ўқув юртлари битирувчиларининг ҳаммаси ҳам талабалар ўртасида ўзаро тушуниш, ҳурмат ва талаб қилиш муҳитини яратаолмайди, ёшларга йўл бошловчи, уларни шахсий сифатларини шакллантиришда тарбияловчи бўла олмайди. Бундай ҳислатларга эга бўлиш маълум вақт ўтишини талаб қилади.

Республика ҳукумати замонавий иқтисодий тафаккурнинг аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда ёшларни кетма-кет мақсадли иқтисодий тайёрлаш учун бир қатор ҳужжатлар қабул қилдики, бунда ёшларни тарбиялашда ўқитувчининг роли жуда ҳам ошганлиги таъкидланган. Умумтаълим ва махсус таълимни ислоҳ қилишнинг асосий йўналиши таълим муассасаларини ижодий ривожлантириш асосида ёшларни мустақил меҳнат фаолиятига - яъни ҳаётга тайёрлашни яхшилашга қаратилгандир. Ёш авлодни ҳаётга тайёрлаш ўқитувчиларга юклангандир. Бу вазифанинг муваффақиятли бажарилиши ўқитувчиларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларни мутахассислиги ва маҳорат даражасини оширишнинг сифатини яхшилашга хизмат қилади.

Айтилган гаплар қуйидаги хулосани келтириб чиқарди.

1. Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегияси фуқароларга қўйилган талабни кучайтиради. ҳар бир одамда мулкка эгалик ҳиссиётини ривожлантириш ва янги иқтисодий тафаккурни шакллантириш зарур бўлиб қолди.

2. Шу сабабли ўқитувчига қўйилган талаб кучаймоқда. Ўқитувчи ўқув ва тарбиявий ишларни шундай йўлга қўйиши лозимки, у қўйилган мақсадларни бажаришга олиб келиши лозим.

3. Олий ўқув юртлари фақатгина ўз фанини яхши биладиган мутахассис чиқармасдан ҳар томонлама ўқув ва тарбиявий ишларни ташкил қилишнинг асосларини биладиган ўзининг маҳоратини оширишга интиладиган, жаҳон тажрибасини ўрганадиган,

жамоат ишларида фаол қатнашувчи, ўзининг ва бошқаларнинг меҳнатини қадрлай оладиган мутахассис чиқариши лозимдир. Ёш ўқитувчилар янги иқтисодий фикрловчи хусусиятга эга бўлган ва иқтисодий билимдон бўлишлари керак.

Талабаларда янги иқтисодий тафаккурни шакллантириш

Янги иқтисодий тафаккур нима билан характерланади?

У аввало иқтисодий назарияни билишни, хвжалик ишларидаги қарама-қаршиликларни очиб ташлаш хусусиятга эга бўлишни ва уларни ўз вақтида усталлик билан еча билишни, хўжасизликка ва моддий маблағларни ортиқча саф қилишга аёвсиз қарши бўлишни талаб қилади, янги иқтисодий тафаккурни шакллантиришда тежамкорликка, эҳтиёткорлика, ҳисоб-китобли бўлишга ва бошқа кўринишидаги иқтисодий тарбиянинг асосини ташкил қилувчи хусусиятларга эга бўлишга асос яратилади. Замонавий иқтисодий тафаккурни шакллантириш бу чегараланган жараён бўлмасдан у мураккаб ва кўп режали жараёни жамиятни фикрини янгиғояларни сингдириш, эски дунё қарашлардан озод қилиш орқали ўзгартиришнинг таркибий қисми ҳисобланади. Реал ҳаётда одамларнинг ҳаётий фаолиятини ўзгартириш биринчидан ўз-ўзидан янги иқтисодий тафаккурга олиб келади, иккинчидан иқтисодий ҳаётдаги масалаларни ечишдаги мавжуд усуллар ва қарашларни ўз-ўзидан йўқотади деган гап эмас. Реал шароитлар ўзгарганда ҳам одамлар онгида мустаҳкам жойлашиб қолган маълум тушунчалар, тасаввурлар, иқтисодий ҳаётдаги нормалар ўз таъсирини давом этдиради. Демак, иқтисодий тафаккурни иккиламчилиги унинг нисбий мустақиллигини инкор қилмайди. Шу сабабли замонавий иқтисодий тафаккурни шакллантиришни маълум мақсадга йўналган ҳолда иш олиб бориш янги иқтисодий шароитга мослашишни тезлаштиради.

Шундай қилиб, бўлғусида тайёрланадиган мутахассисларнинг иқтисодий ва тарбиявий таълим тизимига талабни оширмасдан туриб талабаларни тежамли иқтисодий тарбиялаб бўлмайди. Бу йўналишда қуйидаги ишларни олиб бориш мақсадга мувофиқдир:

1. Ижтимоий фанларни айниқса иқтисодий назарияни чуқурак ва сифатли ўқитишни таъминлаш.

2. Таълим муассасаларида илмий услубий ва ўқув-тарбиявий ишларни узвий боғлаш.

3. Ижтимоий-сиёсий амалиётни, ижтимоий мутахассисликлар факультетини, ишлаб чиқариш отрядлари ишларини талабаларнинг иқтисодий билимлари даражасини оширишга қараб йўналтириш.

4. Амалиётда талабалардаги янги иқтисодий тафаккурни шакллантиришдаги аҳамиятини ошириш.

Талабаларга иқтисодий тарбия ва таълимни беришни асосида иқтисодий назарияси курси ётади. Фақат иқтисодий назария иқтисодий ҳодисаларни таҳлил қилиш қобилиятни ҳосил қилади, иқтисодий омилларни илмий қараш билан баҳолашни шакллантиради, иқтисодий назарияни ўқитишдаги расмиятчиликни енгиш ва ўқув жараёнини ташкил қилишга талабни кучайтиради. Талабаларнинг диққатини назария ва амалиётини боғланишига, жамиятдаги мураккаб иқтисодий ҳодисаларни таҳлил қилишга қаратиш лозимдир. Иқтисодий билимларни чуқурак ўқитишда семинарларда аниқ иқтисодий масалаларни ечишда муаммоли, мунозарали усулларни қўллаш катта самара беради.

Иқтисодий назарияни ўрганишда таълимнинг фаол усулларига кўпроқ суяниш лозим, талабаларни ҳисоб-китобларда таҳлили қилиш ва изланиш усуллари ёрдамида ҳисоб-китоб қилишга ўргатиш лозимдир. Ўқитувчиларнинг кўпчилиги талабаларни иқтисодий тарбиялашнинг зарурлигини ва аҳамиятини тушунади, аммо ўзлари назария ва услубият соҳасида етарли тайёрмасдирлар. Шу сабабли айрим иқтисодчиларнинг ўқитувчилар учун мўлжалланган ўқувчиларни иқтисодий тарбиялаш ҳақидаги махсус ўқув қўлланма чиқариш ҳақидаги таклифларни ўринлидир.

Иқтисод назариясини ижодий ўрганиш уни амалиёт билан узвий боғланган ҳолда ўрганишни таққоза этади. Аммо кўп ҳолларда иқтисод назариясини ўқитишда ва ҳукумат қарорларини ўрганишда талабаларни ижодий ва ташаббус билан ўрганишга

йўналтирмасдан тайёр хулоса ва қоидаларни механик йўл билан ёдлашга ўргатилади. Замонавий иқтисод фикрлашни шакллантириш талабалардан иқтисодни ўқиши даврида жамият ривожланишининг муҳим мураккаб ҳолатларини мустақил ҳолда таҳлили қилишни ўргатишни таққоза қилади.

ҳозирги пайтда диққат эътиборни ҳукумат қарорлари ва ҳужжатларидаги назарий хулоса ва бойитмаларни мағзини чақишга қаратиш лозимдир. Бу эса албатта келгуси ўқитувчиларни иқтисодий тайёрлашнинг сифатини оширишга олиб келади.

ҳозирги даврда ўқувчиларни ижтимоий - иқтисодий тайёрлаш жуда зарур бўлиб қолди. Бу эса онгли ва мақсадли равишда зарур бўлган сафатларни ва «орттирма»ни олишга ҳаракат қилаётган ҳаётда ҳаракатчан шахсни шакллантиришни талаб қилади. Шу маънода ижтимоий-иқтисодий тайёрлашнинг психологик асоси талабаларда ишбилармонлик қобилиятларини шакллантиришнинг психологик асослари билан мос тушади ва уни билармонликга тайёргарлик деб қабул қилиш мумкидир.

Тадбиркорлик фаолиятини моҳиятини эътиборга олмасак тадбиркорликни шахсни ўзининг ҳаётини фаолияти учун зарур бўлган ҳар қандай кўринишдаги ишлаб чиқариш деб тушуниш мумкин. ғояларни ишлаб чиқиш жараёни инсоннинг ижодий қобилиятини амалга оширишдан иборат деб қараш мумкин. Шу сабабли талабаларда тадбиркорликни ривожлантиришни улардаги ижодий қобилиятларни шакллантириш ва такомиллаштириш, иш фаолиятини ижодийлаштиришлардан иборат бўлиб бу ерда нафақат махсус «иқтисодий» ўқув ёки ҳар қандай фанни ижтимоий иқтисодий нуқтаи назардан баён қилишдан ташқари бутун ўқув давомида тадбиркорлик ривожлантирилди деб гапиришга асос бўлади. Талабани ижтимоий иқтисодий муносабатларнинг субъекти сифатида шакллантириш табиийки ҳар бир талаба учун бир хилда бўлмайди. Бундан ташқари талабаларда ишбилармонликни ривожланиш даражаси ҳам ҳар хил бўлади.

Педагогика ва психологияда шахсни ижодий фаолиятини уч босқичли деб қараш қабул қилинган: 1. Қайта тикланувчи иш фаолияти, 2.Конструктив фаолият, 3. Ижодий фаолият.

Аммо бундай бўлишни ташқи томондан бўлиш яъни меъёрли ва меъёли бўлмаган қисмлари ёки қайта тикловчи қисмларни биргаликда ташқи таҳлил ўтказиш деб тушуниш керак.

Шахс касби бўйича меҳнат қилаётганда реал воқеликда ўзининг олдида дуч келган муаммоларни ечишда ўзига маъқул келган йўлни тутати. У бу пайтда ушбу ҳал учун меъёр борми йўқми қарамайди, аниқроғи ушбу меъёрни сезиб ёки сезмасдан мавжуд шароитга қўллади. Шу нуқтаи назардан инсон ўз иш фаолиятида ҳар бир масалани ечади.

Бундан келиб чиқадик мазкур шароит учун самарали бўладиган шахсни «ишбилармонлик»ғоясини ўзига сингдирган ишбилармонлик ечими ҳисобланади. Ечимни ҳал қилишни турли хил даражаси шахсга тадбиркорликни қанчалик синганлигини билдиради. У ёки бу даражада шахсга тадбиркорликни сингиши унинг тадбиркорликка тайёргарлигини билдиради ва шу билан биргаликда ҳамда уни педагогик нуқтаи назаридан аниқ баҳолаш имкониятини беради. Одамнинг ҳаёти фаолиятидаги мураккаб шароитлар унга шароитга қараб мақсад сари иш олиб боришни ва унда муҳит яратиб берган имкониятдан фойдаланиш зарурлигини тақозо этади. Бу шартларнинг моҳиятидан четлашадиган бўлса шахс янги ахборот тизимини тузиши, мавжудликнинг янги моделини тузиши ёки уни ажратиши орқали қаралаётган ижодий ишига мос мавжудликнинг янги кўринишини, яъни ечимни топиши мумкин. Буни шартли равишда тақлиф қилинган масаланинг ичида яширинган, маълум маънода бир-биридан фарқли бўлган меҳнат шароитига оид ижодий ишламанинг натижаси сифатида касбий ўқитиш учун муҳим аҳамиятини қайд этиш лозим.

Ушбу босқичларда 28 тадбиркорликғоялар мажмуавий натижаси сифатида соф равишда намоён бўлади, чунки бу ерда шахсни имконияти (психологияси) амалга ошади. Бу ўринда шахсни кутаётган мақсади ягона қўйилган бутун ҳолда «сакраш» орқали ижодни олий даражаси сифатида ечимга олиб келади. Бу ўринда айтиш керакки ягона

«қўйилган бутун» кўринишда мавжуд шароит ҳақидаги ахборот чиқмайди. Балким мавжуд шароит ҳақидаги олдинги ахборотга асосланган қўйилган масалани ечиш усули («меъёри») ишлаб чиқилади. Бошқача айтганда тадбиркорни ечими бу шахсни онгида икки марта трансформацияланган объективлик ҳақидаги ахборотдир. Ушбу босқичда топилган ижодий ечим стандарт ечимдаги нормаларни ҳаёлий ўзгартириш орқали реал воқеликка биноан «ўйин» орқали қабул қилингандир.

Талабаларни уларнинг касбий меҳнати жараёнида «тадбиркор» қилиб тайёрлаш учун уларда воқеликни моҳиятини умумлаштириш усулларини ўрганиш, шакллантириш зарурдир.

Талабаларни «меъёр»лар ечиш орқали ижодий ишлашга шакллантириш ва тайёрлаш учун юқоридаги усулларни мослай билиши ва бошқача тасниф қилиш зарурдир.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, «тадбиркорли» ечимларини қабул қилиш усуллари иккитага: тўлиқ ёки қисманғояларнинг асосини «меъёр»ларга қўблантириш; «меъёр»ни бошқа муҳитга ўтказиш орқали ишни бажаришда иборатдир. Талабаларни ижтимоий - иқтисодий тайёрлаш натижаларини баҳолаш тизими уларнингғояларни танлай билиш ва фикрлай билишни шакллантиришни қамраб олади. Муаммоли вазият чиқиб қолганда уларни ташкил қилиб олиш жараёнини қуйидаги мезонларга асосланган:

К - «мавжудлик мезони» - талабада «тадбиркорлик»ғояси мавжудлигини аниқлайди;

К - «ахборот мезони» - талабада ечимни қабул қилувчи вағояни ишлаб чиқувчи шахс сифатида ахборот билан таъминланганлиги даражасини аниқлайди.

К - «маъно мезони» - шахсни шахс сифатида ижодий фаоллигини,ғояни тузилиши ва таркибини ҳиссий - эстетик ҳосил бўлиш жараёнини аниқлайди.

К - «рефлекслар мезони» -ғояни ақлий - рефлексив қайта ишлашни аниқлаб уни шахс энг қулай мулки бўлган усул орқали ишлатади ва у талабаларнинг олдинга сурилганғояни ҳал қилишни режалаштирилиши мураккаб аналитик-синтетик интеллектуал ишлари орқали баҳолайди.

Қарор қабул қилувчининг мавжуд хусусиятларини бутун бир кўринишда намоён бўлиши мавжуд шароитни ўзгартирувчи ҳақиқий шахсга мос бўлиб, у «ҳаётий ва ишқибоз» шахс, «бутунлигича» такомиллашгандир. Бундай шаклини ўзгартириш ечимини қабул қилишдағоя пайдо бўлиши билан боғлиқдир ва бизни фикримизча талабанинг шахсий муносабатини мавжуд жараёнда амалга оширишидир. Бу муносабатларнинг мажмуи мақсад билан ҳаракат қилишни тасвирлаб талабада бир бутун шахс ҳаракати шаклланганлигидан, шахсий ўсиш ва ўзида шахсий мужассамланганлигидан тадбиркор сифатида меҳнат бозорида ўзининг шахсига талабанинг ошаётганидан ва умуман ҳаёт бозорида ўз ўрнига эғалигидан далолат беради.

ҳаёт шуни кўрсатмоқдаки ўзининг оз бўлса ҳам шахсий имкониятини усталик билан ишлатиш муҳимроқ аҳамиятга эга бўлиб, «талаб қилинмайдиган» билимларга эга бўлишдан ҳам юқори туради.

Шундай қилиб, талабаларда шакллантириладиган муносабатлар уларни тўлиқроқ ва қулайроқ ҳаётий фаолиятга йўналтиришга ва айрим ҳаётий шароитларда буғояларни қисман бўлиб қўллаш имкониятларини рўёбга чиқаради. ғояни амалга оширишга ҳаракат қилиш инсонинг бутун ҳаётига хос бўлиб инсонинг ҳаёти мавжудлигини белгилайди.

Баён қилинган фикрларга асосан қуйидагича хулоса чиқариш мумкин:

а) талабаларни ижтимоий иқтисодий ҳаётни шахси сифатида муносабатларнинг амалга ошириши;

б) у ёки бу кўринишдаги хавф хатарли ҳолларда ҳамғояни излаш жараёнида ва амалга оширишда учрайдиган қийинчиликларни енгишга муносабати;

в)ғояни излаш, ижод қилишни умумий амалиётларини амалга ошириш муносабатлари.

г) ижодий фаолиятни бирор йўналиш бўйича қобилятини амалга ошириши билан боғлиқ бўлган муносабат.

Талабаларни иқтисодга ўқитиш жараёнини мужассамлашган ҳолда қуйидагича деб қараш мумкин:

1. Ўқув жараёнини ташкиллаштириш ва режалаштиришга қуйидагилар қиради:

- жамиятнинг ижтимоий ва иқтисодий техник ривожланишнинг таҳлили ва келажаги;

- ўзимизда ва ташқи мамлакатлардаги ишлаб чиқаришда ва тадбиркорликдаги тажрибаларни ўрганиш ва уларни таққослаш, аниқлаш, талабалар билан суҳбатлашиш орқали уларнинг иқтисодий билимларини оширишнинг асосий йўналишларини аниқлаш.

2. Ўқишни услубий таъминоти, ўқитувчилар била ишлаш қуйидагиларни:

- ўқув режаси ва ўқув дастурлари аниқлаш асосида ўқув- тематик дастурларини ва режаларини ишлаб чиқиш.

- услубий адабиётларни танлаш;

- ўқитувчиларни танлаш;

- ўқитувчиларни турли ўқув муассасаларига жўнатиш, ўқитувчиларни фан ривожланиши техника иқтисодни айрим масалалари бўйича ўқитувчилар билан ўқитлаётган доимий семинарларни ўтказиш мавзулар бўйича ўтказиш;

- ўқитувчиларни аттестациядан ўтказиш;

- ўқув йилни бошланиши ва тугашига услубий тайёргарлик (мутахассисликлар бўйича реферат мавзуларини тавсия қилиш, имтиҳонлар учун саволларни тайёрлаш, суҳбат мавзулари ва ҳ.к.).

- ўқув материалларини яхши ўзлаштириш учун турли хил бошқа тадбирлар.

3. Ўқув жараёни ва уни назорат қилишга қуйидагилар қиради:

- ўқитувчилар ва талабалар учун зарур ўқув адабиётларни танлаш;

- ўқув жараёнида талабалар фаоллиги ошириш;

- дарсларда иш юритиш бўйича ўйинлар ташкил қилиш, ишла чиқаришдаги ҳолат ва масалаларни ечиш, ўқув-техник қуролларни ва кўргазма қуролларни ишлатиш;

- дарсни ўтказишни ва ва ўқув материалларини ўзлаштиришни назорат қилиш;

- ўқув жараёнини такомиллаштиришнинг бошқа турлари.

Ўқишдаги бу асосий йўналишлар ўқув йилига мўлжалланган иш режалари асосида бажарилади.

Таянч тушунчалар:

Тадбиркор, тадбиркорлик, иқтисодчи, иқтисодий тафаккур, замонвий иқтисод, тежамкорлик.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:

4. Бўлажак иқтисодчи мутахассис шахсини шакллантириш
5. Талабаларда янги иқтисодий тафаккурни тарбиялаш
6. Талабаларда тадбиркорлик сифатларини тарбиялаш усуллари

Мустакил ишлаш учун топшириқлар:

1. Янги иқтисодий тафаккурнинг ўзига хос хусусиятлари аниқланг.
2. Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий йўналишларини таҳлил этинг.

Мақсад:

Ўзбек халқининг табияти, ўзига хос хусусиятларини таҳлил этиш, оилада маданий ва ахлоқий тарбия тажрибаларини аниқлаш ва амалиётга татбиқ этиш. Оила мустаҳкамлиги ҳақида талабаларга тушунча бериш.

Режа

1. Ўзбек оиласининг ўзига хос жиҳатлари
2. Оилада маданий ҳамда ахлоқий-маънавий тарбия

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. –Т.: Ўзбекистон, 2002.
2. Ахлоқ одобга оид ҳадис намуналари. Тошкент, «Фан».1990.
3. Муҳаммад Пайғамбар қиссаси. ҳадислар. Тошкент «Камалак», 1991 йил.
4. Ўзбек педагогика антологияси. –Тошкент. «Ўқитувчи». 1995.
5. Волков Г., Баубекова З. Этнопедагогика. -Т. 2000.
6. Мусурманова О., Баубекова З. «Ўзбек халқ педагогикаси». -Т. 2000.
7. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузаси. Т.: Ўзбекистон, 2007

Ўзбек халқи табиатан болажон халқ. Болага нисбатан бағри кенглик, меҳри дарёлик, ўта фидойилик ўзбекларгагина хос хусусиятдир. Шу боисдан ҳам, ота-оналаримиз фарзандларнинг бахти ва келажаги учун қайғуради. Уларнинг пухта билим олишлари, қизиқишлари бўйича касб-ҳунар эгаллашлари, ахлоқ-одоб қоидаларини мукамал билишлари ва уларга амал қилишлар учун мавжуд имкониятларни яратадилар. Чунки оилада болани тўғри тарбиялаш-мустаҳкам пойдеворли жамият барпо этилишининг гаровидир. Бола тарбияси кенг қамровли, узоқ давом этадиган мураккаб жараён бўлиб, унинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Ушбу жараён турмуш қурадиган йигит ва қизнинг бир-бирига ҳар томонлама муносиблигидан бошланади.

Бўлажак ота-онанинг соғ-саломатлиги, насл-насаби, дунёқараши, ички ва ташқи дунёси, ахлоқ-одоби, моддий ва маънавий даражасининг мослиги, турмуш қуришга маънавий ва жисмоний тайёрлиги фарзанд кўриш ва унинг тарбиясида муҳим аҳамиятга эга.

Оила мустаҳкамлиги, маънавий ва жисмоний баркамол фарзанд жамият мустаҳкамлиги ва маънавий етуқлигини гаровидир. Соҳибқирон бобомиз Амир Темур ҳам ўғил уйлантиришда келин танлашни, фарзанд тарбиясини давлат сиёсати даражасига кўтарганлиги ҳам бежиз эмас. Давлатнинг қудрати-соғлом фикрли, билимли, ахлоқ-одобли, халқ, миллат, Ватан тақдири учун жонни тиккан инсонлар қўлида.

Мамлакатимиз мустақиллиги йилларида Президентимиз И.А.Каримов раҳбарлигида олиб борилаётган сиёсатнинг устивор йўналишлари ҳисобланадиган аёлларнинг давлат ва жамият қурилишидаги ролини ошириш, оилани ҳар томонлама мустаҳкамлаш, оилада ва таълим тизимида ёшларни баркамол қилиб тарбиялаш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган муҳим ишларнинг негизида ҳам айнан шуғоя ётибди. Миллат генафондини сақлаш-айнан жуд ирсий касалликлар, маънавий қашшоқлик каби келгуси авлодлар тақдири, миллат келажаги учун ҳам хавфлидир. Дарҳақиқат, оиласининг бахт-саодатини, роҳат-фароғатини ўйлаган одам шу масалаларни ҳам назардан четда қолдирмаслиги шарт.

Чунки фарзанд эр-хотиннинг меҳр-муҳаббат асосида қурилган ихтиёрий иттифоқининг мевасидир. Абдурауф Фитрат айтганидек: «...уйланишнинг биринчи

максади фарзанддир. Авлодни тарбиялаш инсониятнинг хизматидир. Қачонки биз яхши ахлоқ эгаси бўлган фарзандларни тарбияласак, шундагина бўйнимиздаги бу хизмат мажбурияти соқит бўлади. Кимки, бадахлоқ болаларни тарбия этса, инсониятга хизмат эмас, балки душманлик қилган бўлади. Жамият уларнинг фарзандларидан безор бўлади. Хуш ва яхши ахлоққа эга бўлган фарзанд, хушахлоқ иймон соҳиби бўлган ота-онадан бўлади, агарда ота-она ахлоқсиз бўлсалар, уларнинг тарбиялари асосида ўсган фарзанд ҳам бадахлоқ бўлади. Бинобарин, куёв ва келин хушахлоқ бўлишлари энг яхши фазилятдир».

Турмуш қуришга аҳд қилган йигит ва қизнинг ўзаро розилиги ва бир-бирига майли, муҳаббати асосида қурилган никоҳ мустаҳкам бўлади. Шу никоҳ асосида дунёга келган фарзанднинг бахти барқарордир. Фарзанд оиланинг гултождир, эр-хотин ўртасидаги муҳаббат ришталарини боғловчи қимматли кўприқдир. ҳаётнинг ширинлиги, қайноқлиги, аччиқ-чучуклиги, тасодифларга бойлиги-фарзанд билан. Шунинг учун ҳам халқимиз ичида «Болалик уй бозор, боласиз уй мозор», «Болалик хотин-гул хотин, боласиз хотин-гул хотин», «Қизгинамнинг боласи-боғимнинг гулоласи», «Болалилар бош бўлар, боласизлар ёш бўлар», «Бола-эр-хотин тилмочи», «Одобли ўғил - кўкдаги юлдуз, одобли қиз-ёқадаги қундуз» каби кўплаб халқ мақоллари бежиз айтилмаган.

Оилада фарзанд тарбияси у пайдо бўлмасдан бошланмоғи зарур. Яҳни, ҳомиладор аёлнинг кайфияти доимо кўтаринки, асаблари сокин, истеъмол қиладиган таомлари бола организми учун фойдали бўлмоғи зарур. Ўз вақтида меҳнат қилиб, дам олиб, сайр қилиб, овқатланиб туғилажак бола тақдирини ўйлаш онанинг вазифасидир. Эр-хотин, оиланинг бошқа аҳзолари ўртасидаги соғлом маънавий муҳит, ахиллик, хушмуомалалик, хурсандчилик боланинг бежавотир, соғлом туғилиши гаровидир.

Баъзан оилада учрайдиган эр-хотин, қайнона-келин ва бошқалар ўртасидаги бир-бирига нисбатан ҳурматсизлик, ўзаро низо, уруш-жанжаллар, ҳомиладор аёлни авайлаб-асраш ўрнига оғир меҳнат қилишга мажбурлаши, хўрлаши, хатто унга қўл кўтариш боланинг касалманд, ногирон, жиззаки бўлиб туғилишига сабаб бўлади. Ота-онадаги энг яхши хусусиятлар ҳам, ёмон хусусиятлар ҳам ирсий йўл билан болага ўтиши табиийдир. хатто туғилмаган болада она қорнидаёқ ота-онага нисбатан меҳр ҳисси шакллана бошлайди. Баъзан эрнинг бола дунёга келмасдан «Агар фарзандимиз қиз бўлса, тўғри отангни уйига кетасан» ёки «Туғрукхонага йўқлаб боришимни кутмагин» каби хархашалар билан жанжал кўтариши албатта бўлажак она учун ҳам, бола учун зарарли оқибатларни келтириб чиқариши мумкин.

Шунинг учун ҳам болани у туғилмасдан тарбияламоқ хусусияда халқ донишмандлигига амал қилмоқ зарур. Бир киши янги туғилган чақалокни донишманд олдига олиб келиб: «Тақсир, боламга қачондан тарбия бера бошлай?»-дебди. «Болангиз дунёга келганига неча кун бўлди?»-дебди донишманд. «Икки ой, тақсир»,-дебди ота. «Аттанг, сиз анча кеч қолибсиз, тарбияни онасининг қорнидалигидан бошлашингиз керак эди»,-дебди донишманд.

Оилада, шу жумладан. Ўзбек оилаларида фарзанднинг дунёга келиши билан боғлиқ маросимлар ва расм-русумлар мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири яхши ниятлар билан амалга оширилади. Жумладан, чақалоққа иом кўйиш, кичик ва катта чилла сақлаш, бешикка белаш, соч, тирноқ олиш, биринчи қадам, илк бор гапира бошлаш, тиш чиқиши, ёшига тўлиши, ўғил болаларни хатна қилиш, биринчи мучал, мўйлаби сабза уриши муносабатлари билан боғлиқ оилавий тантаналарни ўтказилишида рамзий маҳно бор. Бундай маросим, расм-русумлар бола қувончига қуват қўшади, уни маънавий камолотига ижобий таҳсир этади.

Оилада чақалокнинг соғлом ўсиши учун муҳим бўлган даври - чилла давридир. Бу муддат кичик (20 кун) ва катта (40 кун) чилла даврларига бўлинади. Бу давр ёш она ва болани ҳар томонлама асрашни тақозо этади. Чилла даври учун характерли хусусиятлар: она ва болани ёлғиз қолдирмаслик, улар яшаётган хонга ҳеч кимни қиритмаслик (гигиеник томондан ҳам мумкин эмас), чақалокни тузли, тупроқли сувда тез-тез чўмилтириш

(бадандаги ортиқча туклар тўкилади), онага оғир юмуш қилдирмаслик, қувват берадиган, сут кўпайтирадиган таомларни истеъмол қилиш, тунда ташқарига олиб чиқмаслик ва безовта қилмаслик (она ва бола маҳлум бир шарпадан сесканиши, кўркиши мумкин, натижада сут камайиши ёки хасталаниши мумкин), болани қоронғиликда сақламаслик, она-бола асабини бузмаслик, кўрқитмаслик уларнинг саломатлигини таъминлаш гаровидир.

Шарқда қадимдан эмизиклик аёл таомномасига алоҳида аҳамият бериб келинган. Ёш бўшанган она сут келтирувчи кучли таомлар истехомол қилиши, сутни бузмаслик учун пиёз, саримсоқ, гармдори, спиртли ичимликлар, гиёҳванд моддалар истехомол қилмаслиги зарур. Булар бола танаси учун-оғудир.

Алла ўзбек халқининг қадимий, муҳим тарбиявий характерга эга бўлган кўшиқ турларидан биридир. Она алласидан баҳраманд бўлмаган бола қалбида ота-онага, Ватанга нисбатан меҳр-муҳаббат ҳисси бўлиши қийин. Алла айтмаган ёки алла эшитиб катта бўлмаган қиз бола бўлмаса керак. Шунинг учун одатда алла айтиш оналарга хос хусусият бўлиб, у фарзандига нисбатан бутун меҳр-муҳаббатини, орзу-ўйларини, қалб ҳароратини шу кўшиқ орқали бола қалбига етказди ва шу руҳда уни тарбиялаб боради. Алла тинглаб катта бўлган болада ота-онага нисбатан ўзгача муҳаббат, ҳурмат ҳисси шаклланади.

Бешиқ ўзбек халқининг муҳим қадриятларидан бири бўлиб, бола тарбиясида мўҳжизавий кудратга эгадир. Таникли ўзбек олимлари У.Қорабоев ва Б.Саримсоқовлар бешиқнинг ўзига хос ижобий томонларини батафсил баён этганлар. «Бешиқ инсоният тарихида яратилган буюк кашфиётлардан бири десак хато бўлмайди. Чунки бешиқ боланинг 1,5-2 ёшгача шаклланишида кўп жихатдан фойдалидир. Биринчидан, у кичик, ихчам бўлиб, барча жойларга (уй, дала, айвонда) кўчириб юриш мумкин. Бу она учун жуда қулай бўлиб, турли жойда болага қараш билан бирга бошқа юмушлар қилаверишга имкон яратади. Иккинчидан, бешиқнинг шакли шундай тузилганки, у гўдакни тебратиш, овутиш, эркалаш, аллалаш, ухлатиш учун ўта қулайдир. Табибларнинг фикрича, болани тебратиш, аллалаш ҳам бола руҳиятининг тўғри шаклланишида ўта муҳим ўрини тутади. Учинчидан, бешиқ болани ташқи ўзгаришдан сақлаган. Бешикка турли ёпинғичларнинг ёпилиши, унинг қисман ёки бутунлай бекитилиши болани қишда совуқдан, ёзда иссиқдан, офтобдан, шамол (елвизак) дан, шунингдек, шовқиндан ҳам сақлайди. Айниқса, чақалоқ ухлаётганда, ташқаридаги дикқатни тортадиган ходисалардан сақлаган, шунингдек бешиқ ердан кўтарилган зах болага ўтмаслигини таҳминлаган.

Шунингдек, маҳлумки, бола бешикка (махсус оёқ-қўл тортиқлари билан) боғлаб қўйилади. Бу бир қараганда. Болага азоб беришга ўхшайди. Муайян маҳнода шундай бўлса-да, у болага ортиқча ҳаракат қилмай ўзининг қўл-оёқ ҳаракатидан бехос чўчимай, бирон нарсага уринмай, ётган жойидан ағдарилиб кетмай, осойишта ва тинч ухлашга ёрдам беради».⁴

Тўртинчидан, «боланинг бути орасига сумак, остига эса тувак қўйилиши сабабли унинг таги ҳўлланмайди, танасининг орқа қисми яллиғланиш ва шамоллашлардан сақланади».⁵

Мамлакатимизда кейинги йилларда болани парвариш қилишнинг турли-туман воситалари пайдо бўлмоқда. Бунинг учун фарзанд парвариш қилишда бешиқ ёки бошқа воисталардан фойдаланиш ҳар бир ота-онанинг ўз ихтиёрида.

Янги дунёга келган чақалоқни бешикка белаш маросими республикамизнинг турли-туман ҳудудларида ўзига хос тарздаги расм-русумлар билан ўтказилади.

Албатта, болани кичик чилласи чиққач, бешикка белаш маросимининг ўтказилиши, махсус кичик кулолчалар, ширинликлар тайёрланиши, сочқи сочиш, болани бешикка ҳаётий тажрибаси катта, ували-жували онахоннинг белаш лозимлиги, боланинг ёстиғи тагига тошдек қотиб ухласин деб қайроқ тош қўйиш, ризқли-насибали бўлсин деб нон,

⁴ Қорабоев У. Ўзбекистон байрамлари. Тошкент, «Ўқитувчи», 114-бет.

⁵ Саримсоқов Б. Ўзбек халқ фольклори очерклари. Тошкент «Фан», 1998, 187-бет.

кўркмасин деб пичоқ, ҳамроҳ бўлсин деб ойна, ёмонликлардан йироқ бўлсин деб пиёз, гармдори қўядилар. Бу ирим-сиримларнинг барчаси эзгу мақсад йўлида қилинади.

Бола ётган хонанинг хавосини вақти-вақти билан ўзгартириб, тозалаб туриш, уни тоза-озода сақлаш, кийимларини табиий иплик матодан бўлишига эҳтибор бериш, ўз вақтида овқатлантириш, дам олиш, сайр қилдириш, жисмоний чиниқтириш қоидаларига риоя этиш боланинг ақлий ва жисмоний ривожланишида муҳим ролх ўйнайди.

Боланинг аста-секин тили чиқа бошлагач, сўзларни тўғри ва тўлиқ талаффуз этишга ўргатиш, тўғри ўтириш ва тўғри юришни машқ қилдириш, ҳар хил кўрқинчли нарсаларни айтиб кўрқитмаслик, унинг хатти-ҳаракатларини уриш, сўкиш, танбех бериш билан тақиқлаб қўймаслик зарур.

Боланинг бир ёшгача ривожлантириш жараёни ота-онадан жуда катта масхулият талаб қилади. Чунки бу даврда тарбиянинг асосий пойдевори қўйила бошланади. У 8-9 ойликда нарсалардан ушлаб туришни, 1-1,5 ёшда аста-секин қадам ташлашни, оддий сўзларни айтишни ўрганади ва унга бўлаётган муомалани тўлиқ тушунади. Энди унга нима яхши, нима ёмонлигини тушунтириб бориш, қошиқ, пиёла ушлашни, қошиқ билан овқат ейишни ўргатиш, юз-қўлини ювгач, овқат ейиш, ўйинчоқларини жой-жойига қўйиш каби одатларни қайта-қайта такрорлаш йўли билан тарбия малака ва кўникмалари шакллантириб борилади. Бола фикрини ўткир қиладиган, ҳаётий тажрибасини бойитиб борадиган чарх-тинимсиз машқдир.

Болани сўкишга, қўпол гапиришга ўргатиш, уни одатдан ташқари эркалаш номақбул усулдир. Халқ педагогикасида таҳкидланганидек «Бола азиз, одоби ундан азиз», «Бола тарбияси бешиқдан», «Боланинг эркаси-битнинг сир-каси», «Эркалатса онаси, танги бўлар боласи», «Қизни эркалатсанг жонингга тегар, ўғилни эркалатсанг бурнингга тепар».

«Фарзанднинг дастлаб чиққан ширин тили ота-она учун умр гиёҳидир. Аммо биринчи ножўя хатти-ҳаракати эса уларнинг нозик қалбларининг дарз кетишидир»¹.

Эрка, тангиқ болада худбинлик, манманлик, кибри-ҳаво, ўжарлик каби хусусиятлар пайдо бўла бошлайди. Бола улғайган сайин бу хусусиятлар чуқур томир отиб, ҳаётда ўз таҳсирини ўтказа бошлайди.

«Боланинг эркатоилиги, тангиқлиги қанча ошса, у ота-онани шунча ташвиш ва таҳликага солади»².

Баъзи оилаларда болаларнинг бирини ниҳоятда авайлашади, барча талаб ва истакларини муҳайё этишади, иккинчисини эса турткилашади. Бунинг оқибатида ота-онага нисбатан иккала болада икки хил муносабат пайдо бўлади. Ота-онага қарши гапириш, ҳурмат-иззатини жойига қўймаслик, айтганларини бажармаслик, ҳаттоки, уларни ҳарқорат қилиш каби ноахлоқий хусусиятларнинг пайдо бўлиши ҳам уларга нисбатан муносабатнинг ҳар хиллигидан келиб чиқади.

Оилада ота-она барча фарзандларга нисбатан бир хилда меҳр-муҳаббат ва талаб қўймоғи зарур. Ризоуддин ибн Фахриддин шундай дейди: «Адолату инсоф ўргатмак учун ҳожатларини ўтаганлик ва керакларини таҳсил этганингизда ҳаммасини баробар кўрингиз, ҳада берганингизда барчасига бир хил берингиз, бирига яшириб бир нарса бериб-да: «Эҳтиёт бўл, ака-укаларингга билдирма» демоқ каби нарсалардан сақлангиз чунки бундай этмак уларга жабр, зулм, алдамоқ, хиёнат каби нарсаларни ўргатади. Бахиллик хуббин-нафс (ўз-ўзини севмак) каби бузуклик ўруғларини кўнгилларига сочадир»³.

Оилада ҳар бир боланинг хатти-ҳаракатига нисбатан рағбатлантириш ёки қаттиққўллик билан муносабатда бўлиш, танбех бериш, жазолаш тарбияда синалган методдир. Она болани қилган хатти-ҳаракати учун жазолаётганда, насихат қилаётганда ота уни тарафини олмаслиги, ота тарбиявий иш олиб бораётганда эса она аралашмаслиги керак. Бу болани иккиюзламачи, ҳеч қандай танбех, жазодан кўрқмайдиган, ёлғон сўзловчи, ота-онанинг ҳар иккаласини ҳам ҳурмат қилмайдиган, обрўсиз қилиб қўяди.

¹ Усмонов Р. Саодатнома. Тошкент. «Ўқитувчи», 1995, 245-бет

² Уша асар, 245-бет

³ Фахриддин ибн Ризоуддин. Насиҳат. Тошкент. «Чўлпон», 1993, 65-бет.

Оилада бола тарбиясида оиланинг ҳар бир аҳзоси яъни, бобо, буви, ота-она, опа, ака, амма, хола, тоға қўйингки қўни-қўшни, маҳалла, мактаб, жамоатчилик бирдек масхулдир. Халқимизда «Бир болага етти қўшни ота-она», «Бир тоға етти ота ўрнида», «Маҳалланг-отанг-онанг», каби мақоллар бежиз айтилмаган. Шунинг учун бола тарбиясида барчанинг талаби, муносабати бир хил бўлмоғи зарур. Тарбиячилар ўртасидаги тарбия усулларининг, талаб ва фикрларнинг ҳар хиллиги болани тарбиясизликка олиб келади.

Оилада фарзанд тарбиясида синалган тарбия методларидан бири-намунадир. Бобо, буви, ота-она, атрофдаги катта ёшдаги кишиларнинг хатти-ҳаракатлари, юриш-туришлари, муамаласи, ўзларини тутишлари, жамиятга, табиатга муносабатлари намуна сифатида жуда катта тарбиявий аҳамият касб этади. Болага ақлий ахлоқий, эстетик, диний, меҳнат тарбияси асослари ота-она намунаси асосида сингдириб борилади.

Ота-она фарзанд олдида ўз ақл-заковати, муомаласи, кийиниши, ширинсўзлиги, қатҳиятлилиги, ёлғон гапирмаслиги, меҳнатсеварлиги, оила юритишда адолатпарварлиги, илмпарварлиги билан намуна бўлмоғи зарур. Бола характериға ота-онанинг ўзаро жанжаллари, оилага, жамиятга, атроф-муҳитга салбий муносабати, ёлғон сўзлаши, қатҳиятсизлиги, кийинишида, рўзғор юритишдаги пала-партишлиги, меҳнатни севмаслиги тезда ўзининг салбий таҳсирини кўрсатади.

Ота-онанинг бир-бирига нисбатан юксак ахлоқий муносабатини кўрган, билган бола келгусида оила қурганда ҳам ўз турмуш ўртоғи билан шундай яшашга тайёр бўлиб боради. ҳаёт илмида она қиз бола учун, ота эса ўғил бола учун устоз, мураббийдир. «Онасини кўриб қизини ол, раҳини кўриб бўзини ол», деб бежиз айтилмайди.

Ота-онанинг, авлод-аждодларининг ноҳўя хатти-ҳаракатларидан, нопок ишларидан фарзанд ҳам азият чекади, шундай одамларнинг фарзанди бўлмаганида руҳан афсусланади. Баъзи ота-оналар фарзандининг келажагини фақатгина моддий таъминлашдан иборат деб билади. Шунинг учун ҳам турли йўллар билан узоқ авлод-аждодларига етадиган молдунё тўплашга ҳаракат қилади, очкўзлик касаллигига мубтало бўлади. Инсон жисми-жонидаги касалликларни даволаш мумкин, лекин бу касалликни даволаш жуда мураккаб. У инсонни инсонийликдан маҳрум этади, турли жиноятларга, ноахлоқий хатти-ҳаракатлар содир этишга етаклайди, эл-юрт ичида обрўсизлантиради. Бундай бойлик фарзандга бахт эмас, бахтсизлик келтиради.

Ота-онадан беҳисоб молу дунё эмас, илму маҳрифатга интилиш, инсоф-у диёнатга садоқат, меҳру шафқат, ҳаётга муҳаббат, халқ миллат, Ватан учун жон фидолик сифатлари мерос бўлиб қолмоғи зарур.

Бола учун ўз миллати, маданияти, санҳати, дини ахлоқий-маънавий қадриятлари, оила анханалари, урф-одатларини чуқур билиш ва улардан маънавий озуқа олиш, ғурурланиш тарбиявий характер касб этади.

Ўтмиш алломалар, авлод-аждодлардан фахрланиш, улар меросини мукаммал ўрганиш, олға сурилган ҳаётийғоялардан жамиятимиз гуллаб-яшнаши йўлида фойдаланиш, давлат рамзлари (Конситуция, мадҳия, герб, байроқ, миллий валюта)нинг моҳиятини англаш айнан оилада амалга оширила бошланади. Бу ўринда ота-онанинг билим савияси, мафкуравий етуклик даражаси, дунёқараши, жамиятда тутган ўрни муҳим ролх ўйнайди.

Оилада фарзандни тежамкорликка, тадбиркорликка, ташаббускорликка ўргатиш, дунёвий илмлар ва ҳаёт илмидан воқиф этиш, касб-хунар сирларини кунт билан эгаллашлари учун шарт-шароит яратиш бериш, уларнинг ҳаёт сўқмоқларида адашиб қолмаслиги ва равон йўлдан боришда ёрдам беради.

Шундай қилиб, оила тарбия маскани бўлиб, шахснинг келажаги шу масканда тарбиянинг қандай амалга оширилишига, тарбиячи ҳисобланмиш ота-онанинг ўз бурч ва вазифаларига қандай муносабатда бўлишига боғлиқдир. Оиладаги ҳар бир кишининг ўз бурч ва вазифаларига масхулият билан ёндашиши оила мустаҳкамлиги, жамият фаровонлигига эришишнинг омилдир.

Хуллас, баркамол инсонни, яъни аввало оила учун, қолаверса ўзи яшаб турган жамият, халқ учун фидойи, некбин шахсни тарбиялаш оиладан бошланади. Шунинг учун мактаб ўқитувчи-тарбиячилари. Маҳалла, жамоа давлат хўжалиги ҳамда туман раҳбарлари оила равнақиға ва айни чошда оила тарбиясига диққат-эҳтиборни қаратишлари зарур.

Зотан, ҳар бир киши оила ва жамият диалектик бирлик эканини ҳеч қачон унутмаслиги ва уларнинг доимий жиқслиги учун қайғуриши, ғамхўрлик қилиши лозим. Бу тушунчани барча зиёлилар ёшлар онги ва тафаккуриға сингдиришлари муҳим вазифадир.

Таянч тушунчалар: оила, ўзбек халқи, оилавий мунасабат, оила мустаҳкамлиги, маънавий етуклик.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:

8. Ўзбек оиласининг ўзига хос жиҳатлари
9. Оилада маданий ҳамда ахлоқий-маънавий тарбия
10. Ўтмиш алломалар, авлод-аждодларнинг иоал қадриятлари тўғрисидаги мулоҳазалари.
11. Оилада ота-онанинг тутган ўрни ва фарзанд олдидаги бурчлари.

Мустақил ишлаш учун топшириқлар:

1. Ўзбек оиласининг миллий хусусиятларини аниқланг
2. Оила мустаҳкамлиги, маънавий ва жисмоний баркамол фарзанд жамият мустаҳкамлиги ва етуклигининг гарови эканлигини таҳлил этинг.

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШ МАВЗУЛАРИ

1. Ўзбекистон Респуб ликаси узлуксиз таълим тизимида давлат таълим стандартлари асосида умумий ўрта таълим мазмунининг узлуксизлиги ва узвийлигини таъминлаш
2. Ўқув методик мажмуаларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш, кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларини амалга ошириш механизмлари.
3. Миллий мафкурани шакллантириш шароити да узлуксиз таълим тизимида маънавий баркамол шахс тарбиясининг педагогик асослари.
4. “Мактаб-оила-маҳалла”нинг ҳамкорликдаги фаолиятининг ҳозирги шароитида “Қийин”, ташлаб қўйилган ўқувчиларга тузатувчи-тарбияловчи таъсир механизмларини ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш.
5. ҳозирги ёш авлодининг соғлом турмуш тарзини шакллантириш шакл ва методлари.
6. Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбоси ва имло қоидаларини ўргатиш методларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш.
7. Ўқувчиларнинг умуммеҳнат маданиятини шакллантириш ва ривожлантириш.
8. Касб-хунар коллежлари таълим жараёнида дидактик воситалардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш.
9. Таълим-тарбия жараёнларини назорат қилишнинг шакл ва усуллари
10. Тўғарак дарсларида шахс ижодий қобилиятларини ривожлантириш

Фан бўйича қисқача изоҳли луғат

1. Такқослаш - шундай бир операциядирки, бу операция айрим нарсалар ўртасидаги ўхшашликни ёки тафовутни, тенглик ёки тенгсизлик борлигини, бир хиллик ёки карама-каршилиқ борлигини аниқлашда ифодаланади.
2. Анализ - нарсa, буюм, ҳодисаларни, процессни таркибий элементларга, қисмларга, ёки таркибий белгиларга бўлиш демақдир.
3. Синтез - объектнинг айрим элементларини, қисмларини бир бутун қилиб қўшишдан иборат бўлиб, бунда мураккаб бир бутун нарсa ёки ҳодиса таркибига кирган элементлар ёки ҳодисаларнинг шу мураккаб бир бутун нарсa ёки ҳодисага бўлган муносабати аниқланади.
4. Абстракциялаш - тафаккурда акс эттирилган бир ёки бир неча объектларнинг бирор белгиси (хусусияти, ҳолати, ҳаракати, муносабати) шу объект ёки ҳодисадан фикран ажратиб олинади.
5. Умумийлаштириш - тафаккурда акс этган бир туркум нарсаларнинг ўхшаш, муҳим белгиларини шу нарсалар тўғрисидаги битта тушунча қилиб, фикрда бирлаштириш демақдир.
6. Конкретлаштириш - умумий абстракт белгини яқка объектларга тадбиқ ёки мансуб қилишда ифодаланади.
7. Классификация - нарсa ва ҳодисаларни муайян белгиларига кўра гуруҳларга бўлиш.
8. ҳукм - бирор нарсa ҳақида бирор нарсa тасдиқлаш ёки бир нарсa инкор қилиш.
9. Жузъий ҳукм - буюмларнинг бирон-бир қисми учунгина таалуқли бўлади.
10. Хулоса чиқариш - бир неча маълум ҳукмлар (асос) лардан янги ҳукм - хулоса чиқарилади.
11. Индуктив хулоса чиқариш - бир неча яқка ёки айрим ҳукмлардан битта умумий ҳукм чиқарилади.
12. Дедуктив хулоса чиқариш - умумий ҳукмдан яқка ҳукмга ўтиш йўли билан хулоса чиқариш.

ТАНҚИДИЙ ФИКРЛАШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ


Бизга яхши маълумки, ҳар бир таълимот ўзининг назарий ҳамда амалий асосларига эга бўлади. Педагогик технология борасидаги илқоғлар илгари сурилган даврлардаёқ унинг назарий асослари билан бирга уни амалиётга татбиқ қилишнинг умумий асослари ҳам яратила бошланган. Педагогик технология назарий ва амалий асосларини унинг мақсади, мазмуни, вазибалари, тамойиллари, объектив ҳамда субъектив омиллари, объекти, асосий тушунчалари, мезонлари ва бошқалар ташкил этади.

Педагогик технологиянинг умумий моҳияти хусусида сўз юритиш учун аввало, ушбу тушунчанинг туб маъносини англаш талаб этилади. Бугунги кунда педагогик технология тушунчасининг кўплаб таърифлари мавжуд бўлиб, бу борада ягона фикрга келинмаган. Шу сабабли ҳар бир ўқитувчи ўрганган адабиётлар ва амалий тажрибаси асосида ўзи учун энг мақбул деб ҳисоблаган таърифни қабул қилиши, ёки улардан келиб чиққан ҳолда ўз таърифини шакллантириши мумкин.

Бизнинг фикримизга кўра, педагог олим В.П.Беспалько томонидан берилган таъриф бошқаларига нисбатан мақбулроқ ҳисобланади. Ушбу таърифта кўра «Педагогик технология амалиётга татбиқ қилинадиган муайян педагогик тизим лойиҳасидир». Муаллифнинг фикрига кўра педагогик технология тушунчаси таълимнинг ҳар бир босқичида жорий қилиниши лозим бўлган юқори даражадаги аниқликни кўзда тутаяди, шу сабабли уни «педагогик технология ҳ таълимдаги аниқлик» кўринишида ифодалаш мумкин. Зеро, педагогик технология таълим мақсадини белгилашдан, токи унинг натижасини аниқлашгача бўлган барча жараёнларнинг аниқ белгилаш ҳамда ўлчаш асосида ташкил қилишни талаб қилади ва бу аниқликсиз педагогик технология ҳам ўз моҳиятини йўқотади.

Шу ўринда юқорида педагогик технология берилган таърифта сўз ютирилган педагогик тизим тушунчасини аниқлаштириб ўтиш лозим деб ҳисоблаймиз. В.П.Беспальконинг фикрига кўра, педагогик тизим деганда маълум сифатларга эга бўлган шахсни шакллантиришга нисбатан аниқ мақсадли, ташкиллаштирилган педагогик таъсир кўрсатиш учун талаб этиладиган, бир-бири билан ўзаро боғланган метод, восита ва жараёнлар мажмуаси тушунилади. Педагогик тизимни педагогик технологиянинг асоси эканлигини эътироф этган ҳолда унинг қуйидаги элементлардан иборат эканлигини қайд этиш лозим: талаба, таълим-тарбиянинг мақсади, мазмуни, ўқув жараёни, ўқитувчи ёки таълим воситалари ва таълим тарбиянинг ташкилий шакллари.

Юқоридаги мулоҳазалар асосида, таълим мақсадини аниқ белгилаб олиш муҳим аҳамиятга эга эканлиги тўғрисидаги фикрларга таяниб ушбу масалани ҳам аниқлаштириб ўтмоқчимиз. Педагогик технология -таълим мақсадига эришиш жараёнининг умумий мазмуни, яъни, илгаридан лойиҳалаштирилган таълим жараёнини яхлит тизим асосида, босқичма-босқич амалга ошириш, аниқ мақсадга эришиш йўлида муайян метод, усул ва воситалар тизимини ишлаб чиқиш, улардан самарали, унумли фойдаланиш ҳамда таълим жараёнини юқори даражада бошқаришни ифодалайди. Таълим мақсадини белгилашда 1-шаклда келтирилган таълим оловчилар ўзлаштириш даражаларига таяниб иш кўриш лозим бўлади.



1-шакл. Педагогик технологияда ўзлаштириш даражаларининг белгиланиши

Муайян педагогик технологиянинг танланиши режалаштирилган машғулотда қайси даражадаги билим ва кўникмаларни ўзлаштириш назарда тутилганлигига боғлиқдир. 1-шаклда қайд қилинганидек, педагогик технология доирасида янги ўқув материални ўзлаштиришнинг бошланғич, алгоритмик, эвристтик, ижодий характердаги даражалари мавжуд.

Бошланғич ва алгоритмик характердаги даражалар продуктив билим ва кўникмаларни аниқлаш учун мезон вазифасини ўтайди. Ўзлаштиришнинг ушбу даражаларини аниқлашга ёрдам берувчи технологик жараёни ижрочи технология деб аташ мумкин. Ўқув материални эса сақлаб қолиш ҳамда кўникмаларни ҳосил қилишга йўналтирилган фаолият даражаси талабаларнинг маҳсулдор ва продуктив фаолиятларини уйғунлаштиришни талаб қилади. Мазкур ҳолат ўқув фаолиятини ташкил этишга муаммоли ривожлантирувчи технологияни тадбиқ этилиши билан амалга ошади. Ушбу технология асосида таълим жараёнини ташкил этиш таълим олувчиларни ўқув материални рефератлаштириш, уларнинг машғулотларда ўз маърузалари билан катнашиш, мунозара ҳамда ишчанлик ўйинларида фаол иштирок этишга ўргатиши лозим.

Таълим жараёни эвристтик ва ундан кейинги ижодий даражаларга эришганида, юқори даражадаги муаммоли, муаммоли-ривожлантирувчи таълим, вазиятларни таҳлил қилувчи топшириқлар, ишчан ўйинлар каби методлар, шунингдек, мустақил ишлар, муаммоли характердаги топшириқлардан фойдаланиш зарур.

Шундай қилиб, талабалар ўзлаштириш даражаларини эътиборга олган ҳолда таълим мақсади белгилаб олинган, унинг мазмунини лойиҳалашга ўтилади. Бугунги кунда интерактив таълим методларини қўллаш педагогик технологияларни жорий қилишнинг асосий элементларидан бири сифатида қаралмоқда. Бунга кўра биз иқтисодий таълим фанларидан амалий-меминар машғулотларини самарали ташкил қилиш имконини берувчи тренинг машғулотлари асосида танқидий фикрлашни ривожлантириш тўғрисида сўз юритамиз.

Тренинг сўзи тренировка – машқ қилиш сўзидан олинган бўлиб, янги маълумотларни амалда қўллашни ўрганиш деган маънони англатади. Тренинг машғулоти босқичларининг тахминий кетма-кетлигини қуйидагича тасаввур қилиш мумкин: 1. Танишув. 2. Машғулотдан нималар кутилаётганлиги аниқлаш. 3. Мавзуга кириш. 4. Мавзу бўйича ишлаш. 5. Натижаларни намоиш қилиш. 6. Машғулотни натижалаш.

Куйида тренинг машғулотларини ташкил қилиш босқичлари мазмунини қараб чиқамиз.

1. Танишув

Ушбу босқич тренинг қатнашчиларининг гуруҳ шаклида иш олиб боришига ёрдам берувчи муҳитни юзага келтиришга хизмат қилади. Бунда куйидаги вазифаларнинг бажарилишига эришилади.

- гуруҳ аъзоларининг ўзаро яқиндан танишиб олишлари;
- таълим олувчилар ишининг гуруҳ шаклини қарор топтириш;
- ўзгалар олдида ўз фикрини тортинмасдан, эркин, истихоласиз баён қилишга шароит яратади.

2. Машғулотдан нималар кутилаётганлигини аниқлаш.

Бу босқичда таълим олувчилардаги умумий қизиқиш ва эҳтиёжларни аниқлаш мақсади қўйилади ва унга эришиш учун куйидаги вазифалар ҳал этилади:

- таълим олувчилардаги умумий қизиқишларни, орзу-ўйларни, қадриятларни аниқлаш йўли билан гуруҳ аъзоларининг ўзаро бирдамликда ишлашига;
- янги аъзоларининг гуруҳ ишига тезроқ мослашиб, ўз ўрнини топиб олишига қўмак беради.

3. Мавзуга кириш.

Гуруҳ аъзоларининг яқдиллигини, ҳамфикрлигини, умумий қарор қабул қилиш кўникмаларини шакллантириш билан боғлиқ мазкур босқичда куйидаги вазифалар ҳал қилинади:

- гуруҳ аъзоларининг бошқа фикрлардан озод бўлиб, гуруҳ ишига шўнғиб кетиши;
- таълим олувчиларнинг гуруҳдаги ўзаро мулоқот қоидаларини ишлаб чиқиши;
- гуруҳ аъзоларида ўзгалар фикрини ҳурмат қилиш ва ўз фикрини баён қилиш маданиятини тарбиялашга хизмат қилади.

4. Мавзу бўйича ишлаш.

Гуруҳ аъзоларини илҳомлантириш, янги билим соҳаларини ўзлаштиришга йўналтириш мақсадида мазкур босқичда куйидаги вазифалар ҳал қилинади:

- гуруҳ ишини рағбатлантиради;
- турли мураккаб, гуруҳ аъзолари ўз имкониятлари ёки ваколатларидан “юқорида” туради деб ҳисоблайдиган масалаларни муҳокама қилиш;
- гуруҳ аъзоларини янги муаммолар ечимига илҳомлантириш учун шароит яратади.

5. Натижаларни намойиш қилиш.

Гуруҳ аъзоларини ўзгалар фикрини ҳурмат қилган ҳолда ягона қарор қабул қилишга ўргатиш билан боғлиқ мазкур босқичда куйиги вазифалар ҳал этилади:

- ягона қарор қабул қилишда гуруҳнинг ҳар бир аъзосининг фикри аҳамиятли эканлигини таъкидлаш;
- ўзгалар фикрини ҳурмат қилган ҳолда баҳс-мунозарага киришиш, муқобил ва танқидий фикр билдира олиш;
- конструктив фикрлаш – ўз фикрининг билдирилган фикр-мулоҳазалар асосида тўғрироқ ифодалашга эришиш.

6. Машғулотни натижалаш.

Машғулотларни, ўрганилган мавзунини ёки дарс бўлагини хулосалаш куйидаги вазифаларнинг ҳал этилиши мавзу ёки машғулот бўлимини яқунлаш, “қиссадан ҳисса чиқариш”, қўлланилган метод ва воситалар самарадорлигини баҳолаш ва галдаги вазифаларни белгилаб олишга хизмат қилади.

Тренинг машғулотларини ташкил қилишда куйидаги малакаларнинг ривожлантирилишига алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади: лойиҳалаш; эшитиш; ҳаракатланиш; тасаввур қилиш; нутқ; ҳис қилиш.

Шу каби тренинг машғулотларида куйидаги қоидаларга амал қилиш лозим:

- машғулотнинг қатнашчилар учун ёқимли бўлиши;
- гуруҳ барча аъзоларининг жалб қилиниши

- суҳбатлашиш (маъруза қилиш эмас), муҳокама қилиш (уқтириш эмас)
- ўзаро тенг муносабатда бўлиш («Сизлар» эмас, «бизлар»)
- ҳар бир иштирокчининг фикри қадрли ва муҳим;
- камчиликлардаги ютуқни кўра олиш;
- аудитория учун энг қулай машғулот маромини танлаш;
- кўргазмалилик;
- қатнашчилар айта оладиган ёки биладиган маълумотларни такрорламаслик;
- таълимнинг прагматик асосга қурилиши.

Педагогик технологиялар асосида тренинг дарсларини ўтказишда талабаларда танқидий фикрлашни рағбатлантириш учун куйидаги масалаларнинг ечимига эришиш лозим бўлади:

- талабаларга фикр юритиш учун имконият бериш;
- турли-туманғоя ва фикрларни қабул қилиш;
- талабаларнинг ўқув жараёнидаги фаоллигини таъминлаш;
- ҳар бир талабанинг танқидий фикр юритишга қодир эканлигига ишонтириш;
- танқидий фикрлашнинг юзага келишини қадрлаш.

Қайд этилган масалаларнинг муваффақиятли ҳал этилиши танқидий фикрлаш билан боғлиқ равишда куйидагиларга эришиш имконини беради:

- талабаларга мақсадни англаб олишга ёрдам беради;
- машғулотларда фаолликни таъминлайди;
- самарали мунозарага чорлайди;
- ҳар қандай фикрларга бўлган ҳурмат кайфиятини яратади;
- мустақил билим олишни рағбатлантиради.

Бизнинг фикримизга кўра Талабаларнинг танқидий фикрлашини ривожлантиришда дарсда турли қизиқарли масалаларнинг ўринли қўлланилиши муҳим аҳамият касб этади. Қуйида биз шу каби масалалардан намуналар келтирмоқчимиз.

Трассиния планетасида икки тур гуманоидлар – лягоидлар ва жабоидлар яшайди яшайди. Уларнинг ташқи кўриниши бир хил, лягоидлар лекин доим ёлғон гапиради, жабоидлар эса доим ҳақиқатни гапиради.

Планетага ундаги хаёт тарзини биладиган космонавт келиб тушди ва учта гуманоидга дуч келди. У гуманоидлар яқиндан танишиш мақсадида уларнинг қайси турга киришларини сўради.

Биринчи гуманоид нимадир дебғўлдиради.

Иккинчи гуманоид «У лягоидман» деяпти деб тушунтирди.

Учинчиси эса «Сен ҳар доимгидай ёлғон гапирапсан» дебди.

Сизнинг фикрингизча учинчи гуманоид қайси турга киради.

Бу каби масалалар талабаларнинг мантиқий фикрлашини ривожлантиради ва уларнинг дарсдаги фаоллигини оширишга хизмат қилади. Масаланинг жавобига келадиган бўлсак, учин гуманоид жабоид бўлиб чиқади. Зеро, биринчи гуманоид жабоид бўлса, у фақат ҳақиқатни гапиради ва «мен жабоидман» деб жавоб беради. Агар у лягоид бўлганида у барибир «мен жабоидман» деб деб жавоб берган бўлар эди, чунки лягоид ҳеч қачон тўғри жавоб бермайди. Демак, иккинчи гуманоид ёлғон гапирган. Учинчи гуманоид ҳақли равишда иккинчисини ёлғончиликда айбляпти, демак у жабоид бўлиб ҳисобланади.

Танқидий фикрлашни ривожлантиришга хизмат қиладиган иккинчи бир масалани қараб чиқайлик:

Самолётнинг бир қанотидан иккинчи қаноти учларигача бўлган узунлик 40 метрни ташкил қилади.

Катта альбатрос қушининг қанотлари ёйилганда эса 4 метрга етади.

Самолет ва альбатроснинг ерга тушадиган соялари ўзаро тенг бўлиши учун улар қандай баландликда парвоз қилишлари керак?


Бу масаланинг жавобига келадиган бўлсак, қуш ва самолётнинг сояси бир хил


бўлиши мумкин эмас. Зеро, куёш ердан шу даражада узоқ масофада жойлашганки, куш ва самолётнинг масала шартига кўра талаб қилинадиган баландликда учиши амалда мумкин эмас. Ушбу масала ўқувчиларни ҳар бир масала ечими устида жиддий ва танқидий мулоҳаза юритишга ўргатади.

Мақоланинг умумий хулосаси ўрнида турли алломалар томонидан, турли даврларда билдирилган қуйидаги фикрларни келтирмоқчимиз:

- ниманидир бошқача бажара олиш учун аввало уни бошқача тасаввур қила олиш лозим;
- рақобатда энг кучли ёки энг ақллилар эмас, балки юз бераётган ўзгаришларга тўлароқ жавоб бера оладиганларғолиб чиқади;
- агар сиз тўғри йўлда бўлган чоғингизда ҳам бир дақиқага тўхтаб қолсангиз, ундан тушиб қолишингиз мумкин;
- кашфиётлар даври ниҳоялаб, маҳорат даври бошланмоқда.

Яна шуни қайд этиш жоизки, агар сиз ниманидир бажара оламан деб ҳисобласангиз Сиз ҳақсиз. Агарда, уни бажара олмайман деб ҳисобласангиз, бу ҳолатда ҳам Сиз ҳақсиз. Демак, ҳар биримиз давр ва таълим ислохотлари асосида замонавий педагогик технологиялар асосида етук касб эгаларини тарбиялашга интилишимиз лозим, чунки биз буни бажара оламиз.






Узлуксиз таълим:

- кадрлар тайёрлаш тизимининг асоси, Ўзбекистон

Республикасининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминловчи, шахс, жамият ва давлатнинг иқтисодий, ижтимоий, илмий-техникавий ва маданий эҳтиёжларини қондирувчи устувор соҳа.

- ижодкор, ижтимоий фаол, маънавий бой шахс шаклланиши ва юқори малакали рақобатбардош кадрлар илдам тайёрланиши учун зарур шарт-шароитлар яратади.


-давлат таълим стандартларига мувофиқ турли даражалардаги таълим дастурларининг изчиллиги асосида таъминланади ва қуйидаги таълим турларини ўз ичига олади:



Педагогик маҳорат



Услубий ишга қўйилган талаблар



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ

“ИЖТИМОЙ – ГУМАНИТАР ФАНЛАР” КАФЕДРАСИ

«ПЕДАГОГИКА. ПСИХОЛОГИЯ»
фанидан

И Ш Ч И Д А С Т У Р

Тошкент – 2007 йил

1. Ўқув режасида фанга ажратилган соатнинг умумий ҳажми ва дастурлари бўйича тақсимоти

Педагогика. Психология фанига жами 108 соат ажратилиб, ундан 36 соати маъруза, 36 соати эса амалий машғулотлар, мустақил таълимга 36 соат ажратилган, Барча мутахассисларга бакалавриятда “Педагогика. Психология» фани 4-курс, _ семестрда ўтилади.

Ўқув юклагасининг мавзулари ва машғулот турлари бўйича тақсимоти

№	Мавзулар номи	Аудитория соатлари		Мустақил иш
		маъруза	семинар	
1	2	3	4	5
1	Педагогика Педагогика фанининг предмети, мақсади ва вазифалари	2	2	2
2	Ўзбек халқ педагогикасининг ривожланиш тарихи ва Шарқ мутафаккирларининг тарбия ҳақидаги фикрлари.	2	2	2
3	Жаҳон педагогика фанининг ривожланиш тарихи.	2	2	2
4	Тарбия жараёнининг моҳияти ва вазифалари.	2	2	2
5	Тарбиянинг умумий усуллари ва қодалари.	2	2	2
6	Таълим жараёнининг моҳияти ва таълим назарияси.	4	4	4
7	Таълимда педагогик технологиялар.	2	2	2
8	Ривожланган давлатларда таълим тизими. Психология	2	2	2
9	Психология фанининг долзарб вазифалари, предмети ва фанлар тизимида тутган ўрни.	2	2	2
10	Психологиянинг замонавий методлари ва улар-ни амалиётга тадбиқ этиш. Амалий психоло-гиянинг бозор муносабатлари шароитидаги имкониятлари.	2	2	2
11	Шахснинг фаоллиги ва ижтимоий хулқнинг мотивацияси	2	2	2
12	Шахснинг ижтимоий борлиқни билиши. Идрок, хотира ва диққат жараёнларини бошқариш.	2	2	2
13	Шахснинг индивидуал хусусиятлари ва уларни диагностика қилиш. Характер, темперамент ва қобилиятларни билишнинг аҳамияти.	4	4	4
14	Гуруҳларда ижтимоий фаолиятни ташкил этиш. Гуруҳларнинг турлари.	2	2	2
15	Тадбиркорлик ва бизнес психологияси асослари.	2	2	2
16	Оила ва оилавий муносабатлар психологияси.	2	2	2
	Жами	36	36	36
	ҳаммаси	108		

2. ЎҚУВ МАТЕРИАЛИНИНГ МАЗМУНИ.

2.1. Фанлар бўйича маъруза мавзулари.

№	Мавзуларнинг номи	Кўриладиган саволлар	Соатлар миқдори
1	Педагогика 1–мавзу. Педагогика фанининг предмети, мақсади ва вазифалари	1. Педагогика тарбия ҳақидаги фан. 2. Ўзбекистонда эркин демократик, фуқаролик жамиятни шакллантиришда педагогика фанининг аҳамияти. 3. Педагогиканинг асосий категориялари: тарбия, таълим, маълумот, ўқитиш, ўзини ўзи тарбиялаш, мустақил ўқиш. 4. Педагогик тадқиқотларнинг турлари: асосий, назарий, амалий.	2
2	2–мавзу. Ўзбек халқ педагогикасининг ривожланиш тарихи ва Шарқ мутафаккирларининг тарбия ҳақидаги фикрлари.	1. Педагогика фани тараққиётининг асосий босқичлари. 2. Ислоҳ маърифий цивилизациясининг таълим – тарбияга таъсири. 3. Шарқ Уйғониш даврида мактаб, тарбия ва педагогик фикрлар тараққиёти. 4. Туркистонда чоризим мактаб сиёсатининг бошланиши, Рус – тузем мактаблари ва матбуот. 5. Жадидчилик маърифати ва таълим – тарбия. 6. Мустақил Ўзбекистонда миллий таълимни ташкил этиш муаммолари.	2
3	3–мавзу. Жаҳон педагогика фанининг ривожланиш тарихи.	1. Жаҳон педагогика фанининг тараққиёт босқичлари. 2. Қадимги Юнонистон ва Рим давлатларида таълим – тарбия, педагогик қарашлар. 3. Қадимги Хитойда таълим – тарбия. Конфуций. 4. ғарбий Европада мактаб, маориф, ҳамда педагогик фикрлар тараққиёти. 5. Жаҳон педагогика фани ривожланишига ҳисса қўшган буюк педагогларнинг ижтимоий педагогик фаолиятлари ва педагогик қарашлари.	2
4	4–мавзу. Тарбия жараёнининг моҳияти ва вазифалари.	1. Тарбия жараёнининг таърифи. Тарбиянинг психологик асослари. Тарбия. 2. Ўз – ўзини тарбиялаш, қайта тарбиялаш. 3. Тарбиянинг таълим жараёнидан фарқ қилувчи ўзига хос хусусиятлари. 4. Тарбия предмети сифатида муносабатларнинг моҳияти. 5. Муносабатларни шакллантириш шароитида тарбиянинг умумий қонуниятларига амал қилиш.	2
5	5–мавзу. Тарбиянинг умумий усуллари ва қоидалари.	1. Тарбия методи ҳақида тушунча. 2. Тарбия воситалари ва методларининг таснифига турлича ёндошиш. 3. Тарбия методларини оптимал танлаш ва самарали қўллаш шартлари. 4. Тарбия методларини такомиллаштириш.	2
6	6–мавзу. Таълим жараёнининг моҳияти ва таълим	1. Дидактика ҳақида тушунча. Дидактиканинг предмети ва асосий вазифалари. Дидактиканинг асосий категориялари. 2. Таълим мазмуни ҳақида тушунча. Таълим мазмуни	4

	назарияси.	белгиловчи объектив ва субъектив омиллар 3.Таълим – билиш фаолиятида воқеликни билишнинг махсус шакли эканлиги. Мустақилликни мустаҳкамлаш таълимнинг моҳияти – мазмуни эканлиги. 4.Таълим қонуниятлари.	
7	7–мавзу. Таълимда педагогик технологиялар.	1. Таълим тизимида педагогик технологияларнинг вужудга келиши. 2.Педагогик технологияларнинг асосий хусусиятлари. 3.Таълим мазмунини бойитиш йўллари: янги ўқув педагогик технологиялар, янги педагогик концепциялар, янги педагогик тестлар. 4.Ўқув режалари, дастурлар ва дарсликларни мунтазам такомиллаштириш ва улардаги муқобиллик ҳолатини кўпайтириб бориш.	2
8	8–мавзу. Ривожланган давлатларда таълим тизими.	1.Ривожланган давлатлар Германия, Англия, Францияда таълим тизимининг тузилиши ва ўзига хос хусусиятлари. 2.АҚШ да таълим тизимининг тузилиши. Таълим босқичлари. 3.Япония таълим тизимининг таркиби, боғчалар, бошланғич мактаб, кичик ўрта мактаб, юқори ўрта мактаб, олий таълим тизими. 4.Германия таълим тизими.	2
